

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ
УНИВЕРСИТЕТИ

НИГОРА СУЛАЙМОНОВА

**БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИДА
МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ
АСАРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

монография

«БАЁЗ»
ТОШКЕНТ – 2021

УДК: 811.512

КВК 83(5Ў)

С – 99

Сулаймонова, Нигора

Баркамол шахс тарбиясида Маҳмуд Замахшарий асарларининг аҳамияти: монография. Қайта ишланган иккинчи нашр. – Тошкент: “BAYOZ”, 2021. – 113 б.

Масъул мұхаррір: **А.Сулаймонов** – педагогика фанлари номзоди, катта илмий ходим

Тақризчилар: **О.Мусурмонова** – педагогика фанлари доктори, профессор

Г.Маҳмудова – фалсафа фанлари доктори, профессор

У.Маҳкамов – педагогика фанлари доктори, профессор

М.Иноятова – педагогика фанлари номзоди, катта илмий ходим

Монография Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий-техникавий кенгашнинг 2021 йил 29 ноябрдаги 8-сон баённомаси қарорига асосан нашр этилди.

УДК: 811.512

КВК 83(5Ў)

ISBN 978-9943-4424-7-4

© Н.Сулаймонова, 2021.

© «BAYOZ», 2021.

*Ушибу монографияни ёзишда яқиндан ёрдам берган,
чин маънода олим инсон, илм йўлида маслаҳатгўйим,
менинг биринчи устозим, падари бузрукворим
АСҚАРАЛИ СУЛАЙМОНОВга
чексиз ташаккурларимни изҳор этаман!*

С ЎЗБОШИ

Шарқ халқларининг муштарак қадриятлари тизимида, шубҳасиз, комил инсон тарбиясига устувор тарзда эътибор қаратиб келинган. Бу узлуксиз жараёнда аждодларнинг илмий, маънавий мероси ҳамда педагогик қарашлари, ғоялари ва таълимотларидан фойдаланиб келинган. Зеро, Шарқ ҳамиша ўзининг буюк алломалари ва уларнинг дидактик асарлари билан дунё халқлари учун ўзига хос намуна бўлиб келган. Шундай алломалардан бири Шарқнинг буюк алломаси, инсоният тамаддунига ўзининг бекиёс илмий мероси билан улкан ҳисса қўшган Маҳмуд Замахшарийнинг илмий меросини ўрганиш ҳамда баркамол авлод тарбиясида фойдаланиш мамлакатимиз ижтимоий-таълимий соҳасининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Унинг мероси бутун дунё миқёсида ўрганиб келинган, бу жараён ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Шубҳасиз, алломанинг бевосита тарихий юртдошлари, илмий меросининг ворислари бўлган ўзбекистонлик олимлар ҳам Замахшарийнинг асарларини ўқиб ўрганиш, тадқиқ этиш борасида салмоқли ишларни амалга оширдилар. Эндиликда Замахшарийшуносликда филологиянинг турли ихтисосликлари, хусусан, луғатшунослик, исломшунослик, Қуръон шарҳлари, тарих, айниқса, тарихий ва адабий манбашунослик борасида ўзига хос мактаб юзага келди. Бу борада А.Рустамов, Ў.Қориев, У.Уватов, З.Исломовларнинг илмий фаолиятини алоҳида эътироф этиш лозим. Замахшарий илмий меросини ўрганиш кўлами кенгайиб бораётганлиги асносида алломанинг меросида, биринчи галда инсон омилини, унинг баркамоллигини таъминлашнинг турли қирраларини очишга оид қарашларини тадқиқ этиш жараёни

кечаётган замонавий шароитда аллома илгари сурган илмий ғоялардан баркамол авлод тарбиясида фойдаланишнинг илмий асосланган йўлларини ишлаб чиқиши ўзига хос долзарблик касб этади. Дарҳақиқат, аллома илмий меросида баркамол инсонни шакллантиришнинг барча қирраларини қамраб оловчи дидактик мазмундаги нодир асарлар мавжуд. Хусусан, Замахшарийнинг “Навобиғу-л-калим” ва “Атвоқу-з-захаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарларида одоб-ахлоқ масалалари, шахс камолотига дахлдор бўлган муҳим жиҳатлар борасида теран фикр юритилган. Мазкур асарларда аллома ўзининг комил инсон, баркамол шахс тарбиясига оид қарашлари, фикр-мулоҳазалари ва панд-насиҳатларини ҳаётий тажрибаларига асосланган ҳолда баён этган. Айнан мазкур мазмундаги асарларни ўқиб ўрганиш ва таҳлилга тортиш, бугунги кун ёшлиарининг таълим-тарбиясида амалий татбиқини жорий этиш бирламчи вазифалардан бир сифатида долзарбдири. Зеро, тарбия мазмунини жаҳон миқёсида эришилаётган ютуқларнинг танқидий-таҳлилий ўрганиш натижалари билан бирга тарихий маънавий-дидактик қадриятлар, илмий мерос асосида такомиллаштириш таълим ва тарбиянинг оптimal синтези негизида амалга оширишни тақозо этади. Мазкур тадқиқот айнан шу йўналишда камтарона хисса бўлишидан умидвормиз.

Монографиядан филология, тарих, педагогика соҳасида таълим олаётган талабалар, шу соҳада илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар, илмий-маданий, тарихий қадриятлар билан қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Муаллифдан

**МАҲМУД
ЗАМАҲШАРИЙ**



1075 – 1143

БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИ ТУШУНЧАСИ

Баркамол шахс икки жиҳатга кўра мукаммалликни англатади. Бири жисмонан соғлом ва ривожланган бўлишлик, иккинчиси эса ақл-заковати, маданияти ва маърифатининг мукаммал бўлишлиги. Том маънодаги баркамоллик юқоридагиларга қўшимча сифатида эл-юртининг равнақи учун қайғурадиган, ҳар жиҳатдан замондошларига ўрнак бўладиганларга хос сифат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам маънавиятдан тарбиянинг энг таъсирchan қуроли сифатида оқилона фойдаланиш лозим.

Инсон камолоти, баркамол шахснинг маънавий қиёфаси миллий қадриятларнинг нечоғлик чуқур ўзлаштирилганлигига боғлиқ. Жисмонан соғлом, руҳан тетик, ахлоқий пок, виждони соғ шахсгина маънавий уйғоқ, эстетик жиҳатдан маданиятли, гўзаллик қонуниятлари асосида ҳаёт қуришни ўзининг ижтимоий ва миллий бурчи деб билади.

Жамиятнинг асосий бойлиги баркамол инсон ва унинг ўз авлодларига мерос қилиб қолдирадиган илмий-маърифий, маданий-маънавий қадриятлари билан баҳоланади. Инсон камолотига бўлган муносабатга қараб муайян жамиятга баҳо берилади, уни истиқболи ёки инқирози ҳақидаги тасаввур шаклланади. Халқимиз тарихи гувоҳлик беришича, шунингдек, халқ педагогикасида аждодларимиз фарзандларини умумбашарий туйғулар, дунё ҳамда шарқ фалсафаси, миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратганлар.

Комил инсон, баркамол шахс тарбияси таълимий ва тарбиявий мураккаб жараён бўлиб, ёшларда у ёки бу фазилатни ривожлантирган билан бирор соҳа ёки касбда ўзини кўрсатиш, яхши мутахассис бўлиш билан чекланмайди. Комиллик ва баркамоллик ёшлар фаолиятидаги уйғунликни, ҳар томонлама ривожланишни тақозо этади. Мана шу жараёнда маънавий-эстетик тафаккур, ахлоқий

маданият, гўзаллик ҳақидаги тасаввурлар мухим аҳамият касб этади. Ёшлар ўз фаолияти ва турмуш тарзидан завқ олсагина, ўз идеалини гўзаллик қонуниятларига ҳамоҳанг тарзда тасаввур этсагина, уларнинг эстетик туйғулари навбатдаги ижодкорлик ва ташабbusлар сари интилади. Бунинг учун ёшларда руҳий-маънавий салоҳият, ақлий заковат, жисмоний сиҳат-саломатлик ва бадиий-эстетик камолотни таркиб топтириш зарур. Бу мураккаб ижтимоий жараёнда мустақиллик мафкурасида илгари сурилган аждодлар меросидан маънавий бойлик сифатида фойдаланиш, уларни ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини таъкидлаш ва улардан бу борада амалий фойдаланиш каби жиҳатлар бош омил бўлиб хизмат қиласди. Аждодларимиз илмий меросини ташкил этувчи нодир асарларда эса ватан истиқболи ҳақида қайғуриш, ўзининг ва ўз халқининг, ватанининг қадру қиммати, ор-номусини англаб, уни ҳимоя қилиш, истеъоди ва иқтидорини юрт истиқболи йўлида бахшида этиш борасидаги фикрлар илгари сурилади.

Бугунги ёшлар жаҳон умумбашарий ютуқларини эгаллаши, миллий тарихимиз, маданиятимиз, аждодларимизнинг илмий меросини қунт билан ўрганишлари лозим. Ана шундай баркамол шахсларгина Ватан истиқболи йўлида фидокорона меҳнат қилишга қодир бўлади. Ватан, халқ олдидаги бурчни англаш, шунга муносиб ишлар қилиш шахсда шаклланган юксак маънавият белгиси саналади. Маънавий баркамол шахс ўзини савобли ишларга доимо сафарбар қила олади ва бунинг учун ижтимоий ҳаёт тақозо этадиган барча объектив ва субъектив омиллардан фойдалана олади. Бу омил баркамол авлодга мансуб ижодий зиёлиларнинг пайдо бўлишидан дарак берувчи миллий тикланиш натижасидир. Биз шундай асрда, жамиятда яшамоқдамизки, ҳар бир шахс, ҳар бир халқдан жаҳон цивилизацияси эришган барча маънавий-маданий қадриятларни ўзлаштирган ҳолда жаҳон андозалари даражасида фикрлай олиш, ўз миллий маънавий-маданий меросини жаҳон миқёсига олиб чиқа билиш талаб этилади. Бундай улкан вазифаларга фақат маънавият ва маърифатни ҳар томонлама тиклаш, ривожлантириш, жумладан, буюк алломаларимиз қолдирган маънавий меросни ўрганиш, унда

илгари сурилган ахлоқий қарашларни тарғиб қилиш орқали эришилади.

Дунё халқларини жаҳолат ва ваҳшийлик, диний ва миллий экстремизм, этник қарама-қаршилик, минтақавий можаролар қанчалик бир-биридан ажратса, маданият, маърифат, ахлоқ ва одоб, нафосат ва инсонпарварлик шунчалик яқинлаштиради. Ана шу маънода шахснинг маънавияти, ахлоқий-эстетик маданияти, онги, тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш баркамол шахс тарбиясида муҳим омил ҳисобланади.

Ҳукуқий демократик ва фуқаролик жамияти барпо этилаётган республикамизда баркамол шахсни вояга етказиш ижтимоий-тарбиявий ишларнинг марказида туради. Чунки Ўзбекистонни истиқболли ёшлар бошқарап экан, улар ҳар томонлама камол топган шахс сифатида гавдаланиши лозим.

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИГА БИР НАЗАР

Илм-фан тараққиётининг тарихий босқичларини кузатар эканмиз, IX-XIV асрлар мусулмон Шарқида ўзининг интеллектуал салоҳияти, жаҳоншумул кашфиётлари билан танилган ватандошларимизнинг алоҳида ўрни борлигини кўрамиз ва ҳақли равишда уларнинг номларини ифтихор билан тилга оламиз. «Мусулмон Ренессанси», деб аталган ана шу даврга мансуб аждодларимиздан бири ислом дунёсида таникли бўлган машҳур тилшунос, луғатшунос, адабиётшунос олим Маҳмуд Замахшарийдир.

Ўзининг ақлу заковати ва бой илмий мероси билан нафақат Шарқда, балки бутун жаҳонга машҳур бўлган Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ҳижрий 467 йилда ражаб ойининг йигирма еттинчи куни(милодий ҳисобда 1075 йилнинг 19 марта)да Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган.

Замахшарийнинг илмий меросини ўрганишга бўлган қизиқиш жаҳон шарқшунослигида ўзининг муайян ўрнига эга. Хусусан, Замахшарийнинг таржимаи ҳоли, унинг илмий фаолияти ва яратган асарлари ҳақида олимлар, тадқиқотчилар қўплаб асарлар яратганлар. Айниқса, ибн Халликоннинг «Вафойоту-л-аъйон ва анбъ абноъ-иззамон», ибн ал-Анбарийнинг «Нузҳату-л-алиббо фи табақоти-л-удабо», Ёкут ал-Ҳамавийнинг «Муъжаму-л-булдон», ал-Ёфиъийнинг «Миръоту-л-жинон», ибн ал-Жавзийнинг «ал-Мунтазам», Жалолиддин ас-Суютийнинг «Буғйоту-л-вуот», ибн ал-Қифтийнинг «Инбаху-р-рувот», Ҳожи Ҳалифанинг «Кашфу-з-зунун» каби асарларида олимнинг ҳаёти ва асарлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Фаластиналик олима Ҳинд Ҳусайн Тоҳанинг «ал-Адабу-л-арабий фи иқлими Хоразм» номли илмий тадқиқоти ҳам Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Замахшарий, таъкидлаб ўтганимиздек, ўз даврининг етук тилшуноси, луғатшуноси, исломшуноси, адабиётшуноси сифатида машҳур. Замахшарийнинг етук олим, аллома сифатида шаклланишида устози – тилшунослик, луғатшунослик ва адабиётшунослик соҳаларида донг таратган Абу Мудар Маҳмуд ибн Жарир ад-Даббий ал-Исфаҳонийнинг ҳиссаси катта бўлган. Ёкут ал-Ҳамавийнинг ёзишича, Замахшарийнинг устози Абу Мудар Маҳмуд ибн Шариф ал-Исфаҳоний тилшунослик соҳасида, айниқса, нахву сарфда бекиёс олим бўлган.¹ Кўпгина илм толиблари, жумладан Замахшарий ҳам унинг илмидан баҳраманд бўлиб, луғат ва нахв соҳасида таълим олган.

Интернет тармоғидаги «Олтин мерос» номли халқаро фонднинг «Буюк олимлар» сайтида берилган «Замахшарий» номли мақолада келтирилишича, Шайх ал-Ҳаётӣ Замахшарийга фиқҳ соҳасида билим берган бўлса, имом Рукниддин Маҳмуд ал-Усулий ва имом Абу Мансурларни Замахшарий илоҳиёт илми(теология)да ўз устози деб билган. Замахшарий илмнинг юқорида қайд этилган соҳаларини қунт билан ўрганиши, муҳими унда бу соҳаларни мукаммал ўрганиш учун мақсадли интилиш, мойиллик ҳамда табиий иқтидор борлиги боис илм соҳасида ўз устозларидан ҳам ўтиб кетган. Шу сабабли Замахшарийнинг айрим устозлари тафсир илмидан тўла баҳраманд бўлиш мақсадида Замахшарийга шогирд тушганлар².

Алломанинг илмий фаолиятида араб тили асосий ўринни эгаллайди. У ўз асарларини, асосан, араб тилида ёзган. Таниқли шарқшунос олим И.Ю.Крачковскийнинг фикрича,³ келиб чиқиши араб бўлмаган Замахшарий араб маданиятининг кўзга кўринган намояндаси бўлиб етишган. У асарларининг муқаддимасида муттасил равишда араб тилини араб маданиятининг қуроли сифатида эътироф этган. Араб олимлари Замахшарийнинг илмий фаолиятига чуқур эҳтиром билан қараб, у ҳақда шундай деганлар: «Араблар

¹ Уватов У. Хоразмнинг олис юлдузлари // Шарқ юлдузи, 1991 №2. – 185-б.

² <http://assalam.dgu.ru/html/15/a/15-1.html>

³ Крачковский И. Ю. Избранные сочинения. Т. 4. – М.–Л.: Издательство АН СССР, 1957. – 313-б.

Мовароуннахрни қурол билан эгаллай олмадилар, лекин хоразмлик аллома ўз ҳассаси билан бутун араб дунёсини эгаллаб олди».⁴

Замахшарийнинг илм-фан оламида тутган ўрнига унинг замондошлари, кейинги асрларда яшаган тадқиқотчилар юксак баҳо берганлар. Жумладан, машҳур тарихчи ибн ал-Қифтий у ҳақда шундай деган: «... Замахшарий илм-ул-адаб, наҳв ва луғат бобида ўзгаларга намуна бўладиган аллома эди. У ўз ҳаёти давомида кўплаб буюк олимлар ва фозиллар билан учрашиб, тафсир, ҳадис, наҳв ва бошқа соҳалар бўйича бир қанча асарлар яратган. У ўз асирида араб тилида ижод қилган ажамликлар (ғайри араблар) орасида энг буюгидир».⁵ Ироқлик машҳур тарихчи ибн Халликон шундай ёзган: «Замахшарий тафсир, ҳадис, наҳв, луғат ва илм-ул-баёнда буюк имомдир. Ҳеч бир муболағасиз мазкур илмларда у ўз даврининг ягонаси, кўпдан-кўп ажойиб асарлар муаллифи эди».⁶ Замахшарийдан бир неча аср кейин яшаган мисрлик таниқли тарихчи ибн Тағриберди аллома тўғрисида қуидагича фикр билдирган: «Шайх буюк аллома, ўз даврининг ягонаси, ўз арининг пешвоси ва имоми бўлган»⁷.

Замахшарийнинг илмий фаолияти узоқ вақтдан бери ўрганилиб келинмоқда. Унга қизиқиши нафақат шарқ, балки ғарб, хусусан, европалик шарқшуносларнинг илмий изланишларида ҳам кузатилади. Гарбнинг етуқ шарқшунослари ва тадқиқотчилари Броккељман, Бенцинг, Гибб, Голдциер, Нельдеке, Райт каби олимлари, И.Ю.Крачковский, Б.З.Холидов, А.Б.Холидов, В.М.Белкин, В.В.Бартольд, А.К.Боровков, А.Кримский сингари олимлар алломанинг серқирра ижоди устида илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Замахшарий қолдирган бой илмий мерос бугунги кунда мамлакатимизнинг шарқшунос, адабиётшунос олимлари томонидан ҳам ўрганилмоқда. У ҳақда янги-янги маълумотлар мақола, рисола, тўплам, китоблар чоп этилмоқда. Бу илмий асарлар дидактик

⁴ Ҳакимов А. Замахшарий тилшунос олим // Шарқшунослик, 1999 №1-2. – 278-б.

⁵ Абу-л-Қосим Махмуд Замахшарий. Нозик иборалар. – Т.: Камалак, 1992. – 23-б.

⁶ Ибн Халликон. Вафойот-ул-аъйон. Ж. 1. – Миср: 1881. – 107-б.

⁷ Абу-л-қосим Махмуд Замахшарий. Нозик иборалар. – Т.: Камалак, 1992. – 23-б.

мазмундаги манба сифатида баркамол шахс тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Замахшарийнинг илмий меросининг жаҳоншумул аҳамият касб этиши унинг асарларининг кўплаб бошқа тилларга таржима қилинганлиги билан ҳам тавсифланади. Унинг асарларини инглиз, француз, немис, лотин, рус, татар, форс, ҳинд, турк каби турли шарқ ва ғарб тилларига таржима қилинганлиги, уларга машҳур олимлар томонидан кўплаб шарҳ, изоҳ, ҳошиялар ёзилганлиги алломанинг илмий меросини умуминсоний қадрият даражасида эътироф этилишидан далолат беради. Унинг асарларини ўрганишга бўлган қизиқиши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Унинг асарлари Париж, Берлин, Қоҳира, Искандария, Тунис, Боғдод, Дамашқ, Байрут, Дехли, Калькутта, Лакхнау, Ҳайдаробод, Қозон сингари шаҳарларда қайта-қайта чоп этилган. Замахшарий томонидан яратилган асарларнинг турли даврларда кўчирилган қўлёзма нусхалари, унга ёзилган шарҳлар Мюнхен, Лейден, Лейпциг, Гамбург, Кембридж, Манчестер, Милан, Санкт-Петербург, Техрон, Пешовар каби йирик шаҳарларнинг миллий кутубхоналарида, қўлёзма фондларида сақланмоқда. Юқоридаги маълумотлар шубҳасиз, Замахшарийнинг буюклика дахлдорлигидан далолат беради. Зоро, илмий-амалий аҳамияти паст асарга, унинг муаллифига шарқ ва ғарб шарқшунослари бу қадар хурмат билан ёндошмаган бўлар эдилар, унинг асарлари турли тилларга таржима қилинмаган, қайта-қайта нашр этилмаган ҳамда жаҳоннинг энг нуфузли жамғармаларида асраб-авайлаб сақланмаган бўларди. Шунинг учун ҳам Замахшарийнинг илмий мероси ёш авлодда фахр туйғусини уйғотиши, уларни баркамоллик сари йўналтириши мумкин.

Замахшарий илмий меросини ўрганиш шуни кўрсатадики, у асосан, ижтимоий-гуманитар йўналишда асарлар яратган. Алломанинг меросида илоҳиёт, тилшунослик, луғатшунослик, адабиётшунослик, ахлоқшунослик, географияга оид асарлар мавжуд. Замахшарий асарларининг сони хусусида шарқ ва ғарб мутахассислари турлича маълумотлар берадилар. Хусусан, араб тадқиқотчиларидан Ҳожи Халифа (1608-1657) ўзининг икки жилдли

«Кашфу-з-зунун» номли библиографик асарида Замахшарийнинг 29 та⁸ асарини санаб ўтган. У Замахшарийнинг айрим асарлари ҳақида жуда тўлиқ (асарнинг тўлиқ номи, қачон ва қаерда ёзилганлиги, кимга бағишлиганлиги, асарнинг қисқача мазмуни, машхур кишиларнинг асар ҳақидаги фикри, асарга ёзилган шарх, ҳошия ва изоҳлар, уларнинг муаллифлари ҳақида) маълумот берган бўлса, баъзиларининг фақатгина номини кўрсатиб ўтади. Масалан, мазкур китобда муаллиф Замахшарийнинг «ал-Муфассал» асари ҳақида уч⁹, «ал-Кашшоф фи ҳақоиқи ғавомиди-т-танзил ва уйуни-л-ақовил фи вужухи-т-таъвил» асари ҳақида етти бетдан иборат мақола¹⁰ берган бўлса, «Дивону-з-Замахшарий»¹¹, «Дивону-т-тамсил»¹² каби асарларининг фақат номинигина айтиб ўтган.

Ироқлик араб тарихчиси ибн Халликон (1211-1282) «Вафойотул-аъйон ва анбоъ абноъи-з-замон»¹³ номли асарида Замахшарийнинг 30 та асарининг номини келтирган.

Ёқут ал-Ҳамавийнинг «Муъжаму-л-булдон» асарида бу кўрсаткич 50 тага етган.¹⁴

Немис шарқшуноси Карл Броккельман эса «Geschichte der arabischen litteratur» номли китобининг биринчи нашрида¹⁵ Замахшарийнинг 21 та, иккинчи нашрида¹⁶ 25 та асарига тўхталиб ўтган. У бу асарларнинг қўлёзма ва босма нусхаларининг сақланиш жойлари, нашрлари қаерда ва қачон чоп этилгани, уларга ёзилган шархлар, изоҳлар ва ҳошиялар, шунингдек, уларнинг муаллифлари ҳақида батафсил маълумот берган.

⁸ Ҳожи Халифа. Кашф-уз-зунун. Ж. 1. – Миср: 1894. – 506-б.

⁹ Ўша асар. Ж. 2. – 488-491-б.

¹⁰ Ҳожи Халифа. Кашф-уз-зунун. Ж. 2. – Миср: 1894. – 309-316-б.

¹¹ Ўша асар. Ж. 1. – 511-б.

¹² Ўша асар. Ж. 1. – 506-б.

¹³ Ибн Халликон. Вафойот-ул-йъон ва анбоъ абноъ-из-замон. Ж. 1. – Миср: 1881. – 107-110-б.
Ибн Халликоннинг ушбу асари библиографик характерга эга бўлиб, унда машхур тарихий шахсларнинг ҳаёти ва илмий мероси ёритилган. Икки жилдан иборат мазкур асарнинг бир қанча тошбосма нусхалари ТДШИ хузуридаги Абу Райхон Беруний номли Шарқ қўлёзмалари марказида 7863, 8922-23, 9031-32, 11473-74 инвентарь рақамлар остида сакланмоқда.

¹⁴ Ёқут Ҳамавий. Муъжам-ул-булдон. – Миср: Дор-ус-саодат, 1908. – 388-389-б.

¹⁵ Brockelmann C. Geschichte der arabischen litteratur. Bd. I. - Weimar, 1898. - 289-293-s.

¹⁶ Brockelmann C. Geschichte der arabischen litteratur. Bd. I. - Leiden, 1937. - 507-513-s.

Академик Алибек Рустамов ўзининг «Маҳмуд Замахшарий»¹⁷ номли рисоласида алломанинг 19 та асарини шарҳлаш билан бирга номи маълум, лекин ҳали топилмаган 19 та асар номини келтирган.

Истанбулда чоп этилган Ислом энциклопедиясида¹⁸ Замахшарийнинг 54 та асари ҳақида маълумотлар бор. Ушбу китобда Замахшарий асарлари исломшунослик, тилшунослик, луғатшунослик, адабиётшунослик каби соҳалар бўйича таснифланган ва шарҳланган. Уларнинг айримларига батафсил изоҳ берилган, айримларининг эса фақатгина номлари келтирилган.

Шарқшунос олим У. Уватов «Нозик иборалар»¹⁹ китобида ироқлик олим Фозил Солих ас-Самароййининг фикрларига таянган ҳолда Замахшарий асарларининг сони 50 дан ортиқ деб таъкидлайди ва улардан 34 тасини шарҳлаб ўтади.

Байрутда нашрдан чиққан Замахшарийнинг «Асосу-л-балоға»²⁰ асарининг муқаддима қисмида ношир Муҳаммад Босил Уйун ас-Суд олимнинг 65 та асарининг номини санаб ўтган. Мазкур нашрда айрим асарларнинг мавзуси, қаерда, қачон чоп этилганлиги, қўлёзма ва босма нусхалари, қайси жамғармаларда сақланиши ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Доғистон мусулмонлари бошқармасининг «Ассалом»²¹ газетасидаги маълумотларга қараганда, Замахшарийнинг 20га яқин асарлари мавжуд, 50 га яқин асарларининг эса номигина маълум.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясидаги Замахшарий ҳақидаги мақолада олим асарларининг сони хусусида шундай дейилган: «Замахшарий араб грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аruz илми, тафсир, ҳадис, фикҳга оид 50 дан ортиқ асарлар яратган».²²

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида сақланаётган қўлёзма асарларни ўрганиш жараёнида Замахшарий

¹⁷ Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971. – 10-12-б.

¹⁸ Islam ansiklopedisi. 13-gilt. – Istanbul: Milli egitim basmevi, 1986. – 511-514-s.

¹⁹ Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарий. Нозик иборалар. – Т.: Камалак, 1992. - 25-45 - б.

²⁰ Замахшарий. Асос-ул-балоға. Ж. 1. – Байрут: Дар-ул-кутуб-ил-илмийа, 1998. - 1-10-б.

²¹ <http://assalam.dgu.ru/html15/f15-1.html>

²² Рустамов А., Уватов У. Замахшарий // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ж. З. Таҳрир ҳайати: М. Аминов, Б. Аҳмедов ва б. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2002. – 557-б.

томонидан яратилган 71 та асар номини аниқладик. Бироқ уларнинг орасида номи маълум, лекин топилмаган асарлар ҳам мавжуд. Демак, Замахшарий асарларининг умумий сони бунданда кўп бўлиши мумкин.

Қайд этилганидек, Замахшарий асарлари, асосан, филологияга оид бўлсада, уларда таълим ва тарбияга доир панду насиҳатлар мазмунидаги қарашларга ҳам кенг ўрин берилган. Бу омил Замахшарийнинг илмий меросидан дидактик манба сифатида фойдаланиш баркамол шахс тарбиясида самарали натижа беришини кўрсатади.

Кўйида Замахшарийнинг шу кунгача аниқланган асарларининг рўйхатини келтирамиз:

1. «الامكنة و الجبال و المياه»

«Ал-Амкина ва-л-жибон ва-л-мийоҳ»

«Жойлар, тоғлар ва сувлар»

2. «اساس البلاغة»

«Асосу-л-балоға»

«Балоғат асослари»

3. «اطواف الذهب فى الموعظ و الخطب»

«Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб»

«Ваъз ва хутбаларда олтин шодалар»

4. «اعجوب العجب فى شرح لامية العرب»

«Аъжабу-л-ажаб фи шарҳ ломияти-л-араб»

««Ломияту-л-араб» шарҳида ажойибнинг ажойиби»

5. «ديون الزمخشري»

«Дивону-з-Замахшарий»

«Замахшарий девони»

6. «در الدائر المنتخب من كنایات و استعارات و تشبيهات العرب»

«Ад-Дуру-д-даириу-л-мунтаҳаб мин қинайат ва истиъорот ва ташbihot»

«Араб киноя, истиора ва ташbeҳларидан танланган жавоҳирлар»

7. «علم التصوف»

«Илму-т-тасаввуф»

«Тасаввуф илми»

8. «الكشف في القراءة»
 «Ал-Кашф фи-л-қироат»
 «Қироатда кашфиёт»
9. «الكشف عن حقائق غوامض التنزيل و عيون الاقاویل في وجوه التأویل».
 «Ал-Кашшоф фи ҳақоиқи ғавомиди-т-танзил ва уйуни-л-ақовил
 фи вужухи-т-таъвил»
 «Куръондаги берк ҳақиқатларни ва уни шарҳлаш орқали
 ривоятлар кўзларини очувчи»
10. «المورد الرائق في المواعظ و الحكايات»
 «Ал-Мавриду-р-роик фи-л-мавоиз ва-л-ҳикоят»
 «Ваъз ва ҳикоятлардаги асл манбалар»
11. «مرثية في شيخه أبي مضر في المضمون للغزى»
 «Марсийа фи шайхиҳи Аби Музир фи-л-мазнун ли-л-ғузо»
12. «مسألة في كلمة الشهادة»
 «Масъала фи калимати-ш-шаҳода»
 «Шаҳодат калимаси ҳақида масала»
13. «مقامات الزمخشري»
 «Мақомоту-з-Замахшарий»
 «Замахшарий мақомотлари»
14. «المنهاج في اصول الدين»
 «Ал-Минҳож фи усули-д-дин»
 «Дин асосларига йўл»
15. «المستقسى في الامثال»
 «Ал-Мустақсо фи-л-амсол»
 «Мақолларни чуқур ўрганиш»
16. «المفصل في علم العربية»
 «Ал-Муфассал фи илми-л-арабийя»
 «Араб тили ҳақида муфассал китоб»
17. «المفرد و المؤلف في النحو»
 «Ал-Муфрад ва-л-муълаф»
 «Наҳвда бирлик ва кўплик»

18. «مختصر الموافقة بين أهل البيت و الصحابة»
«Мухтасару-л-мувофака байна аҳил-л-байт ва-с-саҳоба»
«Аҳлу-л-байт ва аҳлу-с-саҳоба ўртасидаги келишув ҳақида
мұхтасар асар»
19. «المعجم العربي الفارسي»
«Ал-Муъжаму-л-арабийу-л-форсий»
«Арабча-форсча лугат»
20. «مقدمة الادب»
«Мұқаддамату-л-адаб»
«Адаб илмиға кириш»
21. «المحاضرات و المحاورات»
«Ал-Мұхадарот ва-л-муҳаварот»
«Маъruzalар ва сұхбатлар»
22. «المحاجة و متمم مهام أرباب المحاجة»
«Ал-Мұхожот ва мутаммим маҳомми арбоби-л-муҳожот»
23. «نوابغ الكلم»
«Навобигу-л-калим»
«Нозик иборалар»
24. «نرھة المؤنس»
«Нұзхату-л-муътанис»
«Дүстлар фароғати»
25. «نکت الاعراب في غريب الاعراب»
«Нұкату-л-иъроб фи ғариби-л-иъроб»
«Қуръоннинг ажойиб ифодасида араблар нафосати»
26. «ربيع الابرار و نصوص الاخبار»
«Рабиъу-л-аброр ва нусусу-л-ахбор»
«Яхшилар баҳори ва фозиллар ахбори»
27. «رسالة التصرفات»
«Рисолату-т-тасарруфот»
«Одоб-ахлоқ ҳақида рисола»
28. «رسالة في المجاز و الاستعارة»
«Рисола фи-л-мажоз ва-л-истиъора»
«Мажоз ва истиора ҳақида рисола»

29. «رسالة فيما جرى من المحاورات»
«Рисола фи ма жаро мина-л-муҳаварот»
«Сұхбат хулосалари ҳақида китоб»
30. «رسالة في حكمة الشهادة»
«Рисола фи ҳикмати-ш-шаҳода»
«Шаҳодат калимасидаги ҳикмат ҳақида рисола»
31. «رؤوس المسائل في الفقه»
«Руъусу-л-масоил фи-л-фиках»
«Фиқұ масалаларининг боши»
32. «تعليم المبتدى و إرشاد المقتدى»
«Таълиму-л-мубтадий ва иршоду-л-муқтадий»
«Ибтидога ўргатиш ва эргашганга йўл кўрсатиш»
33. «الانموذج في النحو»
«Ал-Унмузаж фи-н-наҳв»
«Наҳв илмидан намуна»
34. «الفائق في غريب الحديث»
«Ал-Фоик фи ғариби-л-ҳадис»
«Ғариб ҳадислар ҳақида ажойиб асар»
35. «خصائص العشرة الكرام البررة»
«Хасоису-л-ашара ал-кироми-л-бара»
«Сахий, кароматли ўн кишининг хусусиятлари ҳақида»
36. «شرح أبيات كتاب سيبويه»
«Шарху абыоти китоби Сибавайҳ»
«Сибавайҳ китоби байтларининг шарҳи»
37. «شرح المقامات»
«Шарху-л-мақомот»
«Мақомотларга шарҳ»
38. «شرح المفصل»
«Шарху-л-муфассал»
««Муфассал» асарига шарҳ»
39. «شرح الفصيح»
«Шарху-л-fasih»
«Мукаммал шарҳ»

40. «قصائد أخرى»
 «Қасоид ухро»
 «Бошқа қасидалар»
41. «القسطاس المستقيم فى علم العروض»
 «Ал-Қустосу-л-мустакийм фи илми-л-аруз»
 «Аruz илмининг аниқ мезони»
42. «القصيدة البعوضية»
 «Ал-Қасидату-л-баъузийа»
 «Чивин ҳақида қасида»
43. «قصيدة فى سؤال الغزالى عن جلوس الله على العرش و قصور المعرفة البشرية»
 «Қасида фи суоли-л-Ғаззолий ан жулусиллоҳ ала-л-арш ва
 қусури-л-маърифа»
 «Ғаззолийнинг Аллоҳнинг аршдаги ўрни ва инсондаги
 билимнинг номукаммаллиги ҳақидаги саволига бағишиланган
 қасида»
- Номи маълум бўлган, лекин топилмаган асарлари:*
44. «الأمالي فى النحو»
 «Ал-Амоли фи-н-наҳв»
 «Наҳвда имло қоидалари»
45. «الاسماء فى اللغة»
 «Ал-Асмо фи-л-луға»
 «Тилда исмлар»
46. «ديوان المنثور و ديوان المنظوم»
 «Дивону-л-мансур ва дивону-л-манзум»
 «Насрий девон ва назмий девон»
47. «ديوان الرسائل»
 «Дивону-р-расоил»
 «Мактублар девони»
48. «ديوان التمثيل»
 «Дивону-т-тамсил»
 «Масаллар девони»
49. «ديوان الخطب»
 «Дивону-л-хутаб»
 «Хутбалар девони»

50. «جواهر اللغة»
«Жавоҳиру-л-луға»
«Тил жавоҳирлари»
51. «ضالة النشيد»
«Золлату-н-нашид»
«Мукаммал достон»
52. «كتاب الاجناس»
«Китобу-л-ажнос»
«Жинслар ҳақида китоби»
53. «كتاب عقل الكل»
«Китобу ақли-л-кулл»
«Донишмандлик ҳақида китоб»
54. «مناسق الحج»
«Маносиқу-л-хаж»
«Хажга оид қонун-қоидалар»
55. «متشابه أسامي الرواية»
«Муташобиҳ асомийи-р-рувват»
«Ровийларнинг исмларидаги ноаниқликлар ҳақида»
56. «المفرد و المركب في العربية»
«Ал-Муфрад ва-л-мураккаб фи-л-арабийя»
«Араб тилида бирлик ва қўплик»
57. «المختلف و المؤتلف»
«Ал-Мухталаф ва-л-муъталаф»
«Бахс ва келишув»
58. «نصائح الملوك»
«Насоиху-л-мулук»
«Шоҳларга насиҳат»
59. «رسالة الاسرار»
«Рисолату-л-асрор»
«Сирлар ҳақида рисола»
60. «رسالة المسألة»
«Рисолату-л-масъама»

61. «الرسالة المبكية»
«Ар-Рисолату-л-мубкийа»
«Қайғу (ғам-алам) ҳақида рисола»
62. «رسالة الناصحة»
«Ар-Рисолату-н-носиха»
«Маслаҳатлар китоби»
63. «الرائض في الفرائض»
«Ар-Роиз фи-л-фароиз»
«Мажбуриятларни бошқариш»
64. «روح المسائل»
«Рұху-л-масоил»
65. «سوائر الأمثال»
«Савоиру-л-амсол»
«Танланган мақоллар»
66. «صميم العربية»
«Самиму-л-арабийя»
«Соф араб тили»
67. «تسلية الضرير»
«Таслийату-з-зарир»
«Ожиз одамнинг эрмаги (овунчоги)»
68. «شرح المختصر الكدوري»
«Шарху-л-мухтасари-л-Кудурий»
«Кудурийнинг «Мухтасар» асарига шарх»
69. «شقائق النعمان في حقائق النعمان»
«Шақоиқу-н-нуъмон фи ҳақоиқи-н-ниъмон»
70. «شافي العى من كلام الشافعى»
«Шофиийу-л-ъайй мин каломи-ш-Шофиъий»
«Шофий сўзи ёрдамида тилни даволаш»
71. «حاشية على المفصل»
«Хошия ала-л-муфассал»
««Муфассал» асарига ҳошия»

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ
АХЛОҚШУНОСЛИККА ОИД АСАРЛАРИ

“НАВОБИҒУ-Л-КАЛИМ” (“НОЗИК ИБОРАЛАР”) АСАРИ
ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА МАВЖУД НУСХАЛАРИ

نوابغ الكلم

Маҳмуд Замахшарий илмий меросининг ажралмас қисми бўлган ахлоқшуносликка оид асарлар беқиёс аҳамият касб этади. Алломанинг бу соҳадаги асарлари сирасига унинг “Нозик иборалар” (“Навобиғу-л-калим”) асари киради. Ҳажм жиҳатидан кичик бўлган бу рисола нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам ахлоқшуносликнинг ажойиб манбаи сифатида эътироф этилади. Чунки унда тарбия, маънавият ва баркамолликка оид ўгит ва панд-насиҳатлар тўпланган. Алломанинг мазкур асардаги ахлоқий қарашлари ҳаётий мисолларга асосланганлиги ҳамда серқирралиги билан аҳамиятлидир. Уларда Замахшарий инсоннинг гўзал фазилатларини улуғ неъмат деб билиб, кишиларга баркамолликнинг муҳим фазилати – хулқ-одоб қоидаларини сингдириш ҳақида сўз юритади.

“Нозик иборалар” асаридаги ахлоқий таълимот кўпроқ таққослаш воситасида баён этилади. Мутафаккир яхши фазилатлардан айнан намунали ахлоқ-одоб кишига кўрк бағишлишини, ҳуснига ҳусн, тароватига тароват қўшишини таъкидлаган ҳолда “Хайр, эзгуликдан бошқа инсонга кўркамлик берадиган ҳеч нарса йўқдир”²³, дейди.

²³ Араб тилидан шарқшунос олим Убайдулла Уватов таржимаси.

Ижобий хулққа эга, илмли инсонлар ҳар бир халқнинг, миллатнинг кўркидир. Замахшарийнинг ҳикматли сўзлари, панду насиҳатларини таҳлил этар эканмиз, уларда тўғрилик, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик, эзгулик, меҳр-оқибатлилик каби баркамол шахс фазилатига оид ижобий хислатларнинг улуғланганини кўрамиз. У одамларни яхши амалларга ундан шундай ёзади: “Эзгулик, хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиласман, деган ўйлардан воз кеч, шайтон йўлдан урадиган шошмашошарлик билан эмас, тафаккур ва идрок билан иш тут”. Бу сўзлардан кўриниб турибдики, киши бировларга қанчалик кўп яхшилик қиласа, қўлидан келганича уларнинг оғирини енгиллаштиrsa, унинг кучига куч қўшилаверади. Одамларнинг эса унга нисбатан ишончи ортиб бораверади. Замахшарий айтадики: “Кимнингки ҳимматию муруввати қанчалик кўп бўлса, шунга яраша одамлар унинг қайғусига шерик бўлар(ҳамдардлик билдирап)лар”. Албатта, инсон кимгадир ёрдам бера олса, ўзида йўқ қувонади. Унга раҳматлару яхши сўзлар ёғилгани сари унинг кўнгли тоғдек кўтарилади, дили қувончу шодликка тўлади. Худди шу кайфият уни яна яхшиликка илҳомлантиради. Шу ўринда алломанинг яна бир насиҳатини келтириш жоиз. “Аввал қилиб келган хайрлигу эзгуликларингизга кейин ҳам (яъни доимо) эзгулик қўшаверинг, чунончи қушнинг қанотидаги кичик патлари катта патларига мададкордир”. Ростгўй инсонларни улуғлаб, аллома айтадики: “Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан кўра маҳобатлироқдир”.

Замахшарийнинг ахлоқий қарашларида юксак инсоний фазилатлар дўстлик, унинг қадрига етиш хусусидаги фикрлар алоҳида эътиборга молик. Бу ҳақда алломанинг шундай сўзлари бор: “Ўз биродарингни янчилган мушқдан кўра ҳам хушбўй сўзлар билан мақтаб ёд эт, гарчанд у сендан узоқ шаҳарда бўлса ҳам”. Замахшарийнинг фикрича, “Мард ва олижаноб кишининг энг гўзал фазилатларидан бири ўз биродарининг айбларини бекитиб, унинг барча ишларини ўзининг ишлари ўрнида кўриб иш тутишидир”. Бу насиҳатдан кўриниб турибдики, дўстга садоқат, дўстга вафодорлик кишининг гўзал зийнати ҳисобланади.

“Нозик иборалар” асарида илм ва илмли бўлиш ҳақида ҳам бир қатор ибратли фикрлар келтирилган. “Еру заминнинг кўркамлиги олимлар билан”, деб уқтиради улуғ мутафаккир. Айнан илм кишини разолат уммонидан олиб чиқиши мумкин. “Гарчи Хитойда бўлса ҳам илмга интилинглар”. Ушбу ҳадиси шарифнинг бевосита давоми сифатида Замахшарий шундай дейди: “Илмли бўл ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, бироқ тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб, ҳалок бўласан (жувонмарг бўласан)”.

Яхшининг яхшилигини билиш учун ёмонни кўриш лозим. Шу маънода Замахшарийнинг инсон хулқида учрайдиган ёмон иллатлар ҳақидаги фикрлари ҳам баркамол инсон тарбиясида асқотиши шубҳасиз. Ёмон иллатлар орасида такаббурлик, манманлик, миннат, адоват, хасислик, ғаразгўйлик кабиларни олим қаттиқ танқид қиласди. Замахшарий шундай дейди: “Такаббурлик ҳеч бир кимсанинг қадр-қиммати ва улуғворлигини зиёда қилмайди, у бор-йўғи довул ичидаги шамолдан бошқа нарса эмас”. Шунингдек, Замахшарий миннатни тоғ тепасидаги қояларни кўчиришдан-да оғирлигини таъкидлаган ҳолда “Можаро билан кўрсатилган муруватда (яхшилик) хайрлик йўқдир, гарчанд у (хайрлик) чеълаклаб қўйган ёмғир мисоли қўп бўлса ҳам”, дейди. “Виждон азобию таънадан тўғри бўлмаган одамни таълимтарбия ва қийнаш ҳам тарбиялаши амримаҳол”, деб буюк ватандошимиз инсон авваламбор маънавий масъулиятини ҳис қилиши лозимлигига ишора қиласди. Инсоннинг баркамолликка, баҳтга етишиш йўли Маҳмуд Замахшарий таъкидлаганидек, илму маърифат ва бошқа ижобий хислатларни тарбиялаб борищдадир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Кўлёзмалар фондида ҳозирда “Навобиғу-л-калим” асарининг **3938, 7104** ва **8319** инвентарь рақамлар остида 3 та тошбосма нусхаси сақланади. Улардан **3938** инвентарь рақам остидаги тошбосма 1904 йилда Қозонда ака-ука Каримийлар босмахонасида тайёрланган. Тошбосма 23x16 см ўлчамга эга, ҳажми 54 бет. Картон муқовали мазкур тошбосма бир

неча бор таъмирланган, у яхши сақланган, уни тўлиқ нусха дейиш мумкин.

Тошбосманинг титул варағида асар Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарийга, асарнинг татарча таржимаси Шаҳобиддин ибн Абдулазизга мансублиги қайд этилган. Асар матни ва унинг таржимаси ўзига хос шаклда берилган. Тошбосманинг ҳар бир саҳифасида берилган жадваллар икки устунга бўлинган. Ўнг томондаги устунда Замахшарийнинг ҳикматли сўzlари, чап томондаги устунда эса унинг татарча таржимаси бирма-бир бериб борилган. Бу эса ўқувчига катта қулайлик туғдиради. Асар матни ва унинг таржимаси бир-биридан устунлар воситасида ажратилганлигига қарамай, Замахшарийнинг ҳикматли сўzlари каттароқ ҳарфлар билан, бироз қорайтириб берилган. Матн араб тилида бўлганлиги сабабли ўқувчига осон бўлиши учун тўлиқ ҳаракатлантирилган. Чап устундаги татарча таржимаси эса майдароқ ҳарфлар билан берилган.

Асаддаги ҳикматли сўzlар унинг бош ҳарфига қараб таснифлаб чиқилган. Масалан, “بَابُ الْهِمْزَةِ”, яъни “Ҳамза боби”да алиф ҳарфи билан бошланувчи ҳикматли сўzlар берилган. Асар давомида ҳикматли сўzlарнинг берилиши алифбо тартибида давом этган. Жумладан, “بَابُ الْحَاءِ”, “بَابُ الْجَيْمِ”, “Жим боби”, “Ҳа боби” ва ҳоказо. Тошбосманинг ҳар бир саҳифаси пойгирланган.

Асарнинг сўнгги саҳифасининг қути қисмида асар таржимаси ҳижрий 1321 йил муборак Рамазон ойининг 22 санасида Шаҳобиддин Абдулазиз томонидан якунланганлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Кўлёзмалар фондида асарнинг қолган иккита **7104** ва **8319** инвентарь рақамлар остидаги тошбосмалари бир хил бўлиб, улар ҳижрий 1314 йилда Қозонда Б.Л.Домбровский босмахонасида тайёрланган. Тошбосма 21x13 см ўлчамга эга, ҳажми 190 бет. Картон муқовали мазкур тошбосма яхши сақланган, уни тўлиқ нусха дейиш мумкин. Тошбосманинг титул варағида мазкур тошбосма Олимжон Барудий томонидан чоп этилганлиги қайд этилган.

Тошбосманинг дастлабки 18 саҳифасида Замахшарийнинг “Навобиғу-л-калим” асари берилган. Арабча матн жадвал ичида берилган, бироқ юқоридаги нусха каби тўлиқ ҳаракатлантирилмаган. Ҳикматли сўзлар кетма-кетликда жадвал ичида матн кўринишида берилган. Фақатгина ҳар бир ҳикматли сўз бир-биридан ўлдузчасифат махсус белгилар орқали ажратиб чиқилган.

Тошбосманинг 19-саҳифасида янги титул варафи берилган. Унда тошбосманинг мазкур саҳифасидан бошлаб, Шайх Абу-л-Ҳасан ибн Абду-л-Ваҳҳобнинг Замахшарийнинг “Навобиғу-л-калим” асарига ёзган “Китабу-с-савабиғ фи шарҳи-н-навабиғ” номли шарҳи бошланганлиги ёзилган. Шарҳ Аллоҳга ҳамд ва пайғамбар Мұхаммад(с.а.в.)га наът билан бошланган. Шундан кейин муаллиф Замахшарий шахси ҳамда унинг “Навобиғу-л-калим” асарининг аҳамияти борасида сўз юритган. Шундан кейин алломанинг ҳикматли сўзларини бирма-бир келтириб, шарҳлаб борган. Шарҳнинг ҳажми 172 бетдан иборат. Асар ҳамда шарҳ саҳифаларини қўшганда, тошбосманинг умумий ҳажми 190 бетни ташкил этади.




“Навобигу-л-калим” асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида сакланаётган 3938 инвентарь рақам остидаги тошибосма нусхасининг титул вараги. Унда асар Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарийга, асарининг татарча таржимаси Шаҳобиддин ибн Абдулазизга мансублиги қайд этилган.




Асарнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Кўлёзмалар фондида сақланаётган 3938 инвентарь рақам остидаги тошибосма нусхаси.

Асар матни ва унинг таржимаси ўзига хос шаклда берилган. Тошибосманинг ҳар бир саҳифасида берилган жадваллар икки устунга бўлинган. Ўнг томондаги устунда Замахшарийнинг ҳикматли сўzlари, чап томондаги устунда эса унинг татарча таржимаси бирма-бир бериб борилган. Араб тилида матн тўлиқ ҳаракатлантирилган.




Асарнинг 3938 инвентарь рақам остидаги тошибосма нусхаси. Тошибосманинг сўнгги саҳифасининг қуйи қисмida асар таржимаси ҳижрий 1321 йил муборак Рамазон ойининг 22 санасида Шаҳобиддин Абдулазиз томонидан яқунланганлиги қайд этилган.




Асарнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Кўлёзмалар фондида сақланаётган **3938** инвентарь рақам остидаги тошибосма нусхаси. Тошибосмадаги ҳикматли сўзлар унинг бош ҳарфига қараб таснифлаб чиқилган. Масалан, “**باب الهمزة**”, яъни “Ҳамза боби”да алиф ҳарфи билан бошлинувчи ҳикматли сўзлар берилган. Асар давомида ҳикматли сўзларнинг берилиши алифбо тартибида давом этган. **باب الحاء**, “**تا بوبى**”, “**باب الجيم**”, “**Жим боби**”, “**باب التاء**”, “**Ха боби**” ва ҳоказо.



“Навобиғу-л-калим” асарининг 7104 ва 8319 инвентарь рақамлар остидаги тошибосмаларининг титул вараги. Ҳар икки тошибосманинг титул варагида нусхалар 1314 йилда Қозонда Б.Л.Домбровский босмахонасида тайёрланганлиги қайд этилган. Шунингдек, асар Олимжон Барудий томонидан чоп этилганлиги кўрсатилган.



Асарнинг 7104 ва 8319 инвентарь рақамлар остидаги тошибосмалари. Тошибосмаларниң 19-саҳифасида янги титул вараги берилган. Унда мазкур саҳифадан бошлаб, Шайх Абу-л-Ҳасан ибн Абду-л-Вахҳобниң Замахшарийининг “Навобиғу-л-калим” асарига ёзган “Китабу-с-савабиғ фи шарҳи-н-навабиғ” номли шарҳи бошлиланганлиги ёзилган. Шарҳниң ҳажми 172 бетдан иборат.



Асарнинг 7104 ва 8319 инвентарь рақамлар остидаги тошибосмалари. Тошибосмаларниң ҳар бир саҳифаси пойгирланган.

“АТВОҚУ-З-ЗАҲАБ ФИ-Л-МАВОИЗ ВА-Л-ХУТАБ”
“МАВЬИЗА ВА ХУТБАЛАРДА ОЛТИН ШОДАЛАР”) АСАРИ
ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА МАВЖУД НУСХАЛАРИ

اطواق الذهب في الموعظ و الخطب

Махмуд Замахшарий бизга турли соҳаларга оид нодир ва бой мерос қолдирган. Мазкур мерос орасида тарбиявий мазмунга эга бўлган асарлар муҳим аҳамият касб этади. Алломанинг IX аср бошида яратилган “Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” (“Ваъз ва хутбаларда олтин шодалар”) фалсафий-дидактик асари шулар жумласидандир. Замахшарий бу асарини Маккада яратган бўлиб, у дастлаб “ан-Насоиху-с-сиғар” (“Кичик насиҳатлар”) деб номланган. Асар саж усулида ёзилган юзта кичик мақоладан иборат. Унга шарҳ ёзган Мирзо Юсуфхон Аштиёнийнинг айтишича, “Замахшарий бу асарини Маккада Байтуллоҳни тавоф қилган вақтида ёзган. Чунончи Байтуллоҳни тавоф қилиб, ҳар бир айланганидан кейин бир мақола ёзган. Мақолани ёзиб якунлагач, Байтуллоҳни яна айланган ва шу тариқа юз марта айланганидан сўнг “Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарини ташкил этувчи юзта мақола ёзилган”.

Асар билан яқиндан танишар эканмиз, Замахшарийга мазкур асарни яратишда нафақат унинг тилшунослик, адабиётшунослик, фалсафа, тарих каби соҳалар бўйича тўплаган билимлари, балки ўзидан аввал яшаб ижод этган олиму файласуфларнинг қарашлари, фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишиб, улардан керакли хуносалар чиқара билганлиги, қолаверса, бой ҳаётий тажрибаси ҳам яқиндан ёрдам берганинг шоҳиди бўламиз.

“Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарининг ҳар бир мақоласида ўша даврнинг сиёсий-ижтимоий ҳолати ўз аксини топган.

Олим уларда ўз даврининг золим подшолари, порахўр қози ва адолатсиз амалдорларини қаттиқ танқид остига олган ҳолда ўзининг халқпарварлик ғояларини баён этган.

Замахшарийнинг ёш авлодни илмли ва ҳунарли бўлтшт ҳақидаги қарашлари ҳам эътиборга молик. Унинг фикрича, ёшлар билим олишга, ҳунар эгаллашга ҳаракат қилиши керак. Агар улар билимли, ҳунарли бўлса, ҳеч қачон очлик, қашшоқлик, фақирлик билан юзмай юз келмайдилар. Замахшарийнинг бу қарашлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Ҳақиқатгўйлик, одамийлик, меҳнатсеварлик, сахийлик, меҳроқибат, ақлга таяниб иш тутиш каби фазилатлар инсонни жамиятда муносиб ўрин эгаллашига ёрдам берувчи бирламчи омиллар саналади. Алломанинг фикрича, “кишининг дину диёнати ва илму маърифати қадрини ошиrsa, унинг фақирлиги ва етимлиги буни тушира олмайди. Лекин кимда-ким ёмон иллатлари ва нодонлиги туфайли қадрини туширган бўлса, ҳеч вақт бойлик билан уни тиклай олмайди”.

Замахшарий “Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарида келтирилган мақолаларининг айримларида инсонда мавжуд яхши фазилатлар ва ёмон иллатларнинг аниқ таърифини учратиш мумкин. Масалан, ўн биринчи мақолада Замахшарий заковатли одам қандай хислатларга эга бўлиши кераклигини бирма-бир санаб ўтади: “Хушёр ва заковатли одам улдирки, унинг фикр доираси кенг, узоқни яқиндек кўра оладиган, ғафлат уйқусидан йироқ, ҳамиша фикри зикр билан уйғоқ, махфий ишоратдан ҳам ўзига хулоса чиқара оладиган, сўқир кўздан ҳам ёш оқиза оладиган бўлур”.

Асадаги йигирманчи мақолада эса аллома мардлик ва саҳоват ҳамда бунинг акси бўлган номардлик ва зиқналик ҳақида қисқа ва лўнда қилиб шундай дейди: “Мардлик шундай бир улуғ хислатки, у Аллоҳнинг розилигини топишга василадир. Саҳоват шундай бир буюк сифатки, уни доимо мақтов бирла ёд этурлар. Номардлик шундай бир иллатки, унингдек хунук бир нарсани кўрмадим”.

Бундан ташқари асарнинг тўққизинчи мақоласида Замахшарийнинг баҳтли ва баҳтсиз кишиларга берган таърифлари

ҳам мавжуд. Уларга кўра, “Энг бахтсиз одам бу мол-дунёсини сақлаб, эҳтиёт қилувчи, (мол-дунёси учун) обрў-эътиборини тўкилишига рози бўлувчи, қадр-қиммати поймол этилса-да, бойлиги бут бўлишини истовчи кишидир. Энг бахтли одам хушсухбат ва файзли бўлиб, обрўсини сақлаш учун бойлигини поймол қила оладиган, ўз омборчисига доимо бойлигидан эҳсон қилишни буюрадиган, хазиначисига доимо муҳтоҷларга ёрдам кўрсатишни амр қиладиган, ўз нафси ҳавоси жўш урганда, “жим бўл！”, деб босиб қўядиган, нафсонияти енгиллик қилганда, уни енгиб, тинчитиб, мақтов ва таҳсинга сазовор бўладиган кишидир”. Баркамоллик сари интилувчи, ўзида ижобий сифат ва фазилатларни таркиб топтиришни мақсад қилганлар учун юқоридаги хислатлар барча замонларда аҳамиятли бўлиб келган.

Шу ерда Замахшарий томонидан бахтли одамга келтирилган таърифга яна бир омилни қўшиш жоиз. Бу ҳам бўлса, ҳақиқий бахтли одам – самимий дўсти бор инсон. У ҳар қандай вазиятда дўстига ишона ва таяна олади. Бунда асосийси, ҳақиқий дўстни танлай билиш, бундай нозик масалада адашмаслиkdir. “Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарида келтирилган ўнинчи мақолада алломанинг бу борадаги қарашлари асосли далиллар билан тавсифланган: “Бирор киши сенга нисбатан биродарона муносабатда событқадам экан, сен ҳам унга нисбатан биродарлик риштасини маҳкам тутган ҳолда боравер. Айниқса, у ҳақиқатга ёндошадиган ва адолат учун ёру дўстлари билан курашадиган бўлса, ундан ажрама. Лекин борди-ю унинг сўзларидан фақат ноҳақликка ёндошиш аломатлари сезилиб турса, у ҳолда ундей дўстлардан узоклаш. Зеро ёмон улфат заҳри қотилдан ҳам ёмонроқдир”. Аммо Замахшарийнинг фикрича, “дўстлик ва биродарликка фақат саҳоват аҳлигина лойикдир. Улар туфайли дардли диллар шифо топур”.

Мазкур асарнинг умумбашарий қийматини белгиловчи яна бир жиҳатни унинг дунё бўйлаб кенг тарқалганлигига кўриш мумкин. “Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарининг кўлёзмалари Лондондаги Британия музейининг араб қўлёзмалари фондида (№1003), Париж Миллий кутубхонасида (№3973), Ватиканнинг араб

қўлёзмалари кутубхонасида (№1380), Санкт-Петербургдаги Осиё музейида (№922), Қоҳирадаги “Дор-ул-кутуб” кутубхонасида (№203) сакланмоқда. Шунингдек, асарнинг қўлёзма нусхалари Туркияning Сулеймония кутубхонаси таркибидаги Асир Афанди (№416, 417), Аё София (№2911, 3780), Ҳофиз Афанди (№275-I), Рашид Афанди (№715-3) номли фондларда ҳам мавжуд²⁴.

Асарнинг халқаро миқёсдаги нуфузи ва аҳамиятини дунёниг бир қанча тилларига таржима қилинганлигига ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Фон Жозеп Хаммер томонидан амалга оширилган немисча таржимаси арабча матни билан 1835 йили Венада, шу йил Лейпцигда қайта босилган. 1863 йили Штутгартда Густав Файл асарни иккинчи марта немисчага ўғирган. Мазкур асар устида француз шарқшуноси Барбье Лейнард ҳам тадқиқот олиб борган. У француз тилига қилган таржимасини 1876 йил Парижда чоп эттирган. Асарнинг туркча таржимаси 1870 йил Константинополда нашр этилган²⁵.

“Атвоқу-з-захаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асари араб давлатларида ҳам нашр қилинган. Асар дастлаб шайх Юсуф ибн Абдулқодир ёзган шарҳ билан 1875 йил Байрутда чоп этилган. Мазкур нашр 1895, 1903 йиллар қайта босилган. Ушбу асар, шунингдек, 1909 йил Мисринг “Саодат” матбаасида, 1925 йил Қоҳиранинг “Маҳмудия” нашриётида, 1992 йил эса Дамашқда чоп этилган. Асарга турли олимлар томонидан шарҳлар ёзилган. Улар Кембридж, Лейпциг, Берлин, Ватикан, Санкт-Петербург, Машҳад, Истанбул, Байрут каби шаҳар кутубхоналарида сакланмоқда²⁶.

Мазкур панднома асарда келтирилган таълим-тарбия, одоб-ахлоқ ҳақидаги ибратомуз сўзлар, насиҳатлар орқали Маҳмуд Замахшарийнинг дунёқараши, фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишиш мумкин. Қолаверса, асардаги мақолалар ўша давринг ижтимоий, сиёсий аҳволи ҳақида маълумот беради. Асосийси, “Атвоқу-з-захаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асари нафақат ўз даврида

²⁴ Islam ansiklopedisi. 13-gilt. – Istanbul: Milli egitim basimevi, 1986. – 512-s.

²⁵ Қаранг: Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарий. Нозик иборалар. – Т.: Камалак, 1992. – 28-6.

²⁶ Қаранг: اساس البلاغة. تحقيق محمد باسل عيون السود. ج. ١. – بيروت – لبنان: دار الكتب العلمية، ١٩٩٨. – ٥-٤. ص.

маълум ва машҳур бўлган, балки бугунги кунда ҳам илмий-маънавий мерос сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Алломанинг бу каби асарларини ўрганиш ва илмий истеъмолга киритиш маънавий-маърифий соҳаларнинг ривожини таъминловчи омиллар сирасига киради.

Бугунги кунда асарнинг учта тошбосма нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Кўлёзмалар фондида сақланмоқда. Улардан **16016** ва **18970** инвентарь рақамлар остида сақланаётган тошбосмалар бир хил ҳисобланади. Тошбосмалар 13x19 см ўлчамга эга, ҳажми 112 саҳифадан иборат. Улар ношир Муҳаммад Сайд Рофиъ томонидан Мисрнинг Саодат босмахонасида чоп этилган. Тошбосмаларнинг биринчиси алоҳида китоб тарзида, иккинчиси бешта асардан иборат бўлган мажмууда тўртинчи асар сифатида берилган.

Асарнинг тошбосма нусхасининг титул варағида асарнинг номи, муаллифи ва унинг шарафли номлари келтирилган. Шу билан бирга, нусхада асар матни билан биргаликда ундаги айrim сўз ва ибораларнинг шарҳи ҳам мавжудлиги қайд этиб ўтилган.

Тошбосма ношир Муҳаммад Сайд Рофиъ томонидан ёзилган кириш сўзи билан бошланган. Унда Замахшарий даҳоси, мазкур асарнинг аҳамияти, уни нашр этишга бўлган зарурат борасида сўз юритилган. Асар тили ўзига хос мураккабликка эга эканлиги, шу боис аксарият ҳолларда ундаги сўз ва иборалар, жумлаларга шарҳлар берилганини, бу эса ўқувчига ўзига хос қўмак вазифасини бажариши таъкидлаб ўтилган.

Тошбосманинг ҳар бир сахифасига жадвал чизилган бўлиб, сахифанинг тепасида жадвалдан ташқарида сахифа рақамлари қўйилган. Жадвалнинг юқори қисмида асар матни йирикроқ ҳарфлар билан, қуий қисмида унинг шарҳи майдароқ ҳарфлар билан берилган. Асар матни ва шарҳ чизиқча ёрдамида ҳам ажратилган. Асар матни тўлиқ ҳаракатланган, бироқ тошбосманинг шарҳ қисмида ҳаракатлар йўқ. Асарни шарҳлашда сноска усулидан фойдаланилган. Бунда изоҳланаётган сўз, ибора ёки жумла охирига қавс ичига рақам

қўйилган, қуйида эса ўша рақам остида белгиланган сўз, ибора ёки жумла шарҳланган.


“Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарининг асосий қисми Замахшарийнинг тўрт бетлик муқаддимасидан сўнг бошланган. Асарда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳикматли сўзларни беришда Замахшарий қуйидаги тартибни қўллаган. У асарни роппа-роса юзта мақолага бўлган, жумладан, “المقالة الأولى” (“ал-Мақолату-л-ула” – “Биринчи мақола”), (“المقالة الثانية” (“ал-Мақолату-ل-سания” – “Иккинчи мақола”), (“المقالة الثالثة” (“ал-Мақолату-л-سалиса” – “Учинчи мақола”), шу тарзда (“المقالة المئة” (“ал-Мақолату-л-миа” – “Юзинчи мақола”)) билан асар якунланган. Ҳар бир мақола остида муаллиф ўзи таъкидлаганидек, “олтинга тенг бўлган шодалар”ни бериб борган. Тошбосмада мақола сарлавҳаси нақшинкор қавслар ичida настаълиқ хатида жадвал ичida чизиқлар ёрдамида ажратиб берилган. Асар матни эса насх хатида келтирилган. Ҳатто жадвалнинг қуи қисмида берилган шарҳлар таркибида ҳам асар мақолама-мақола ажратилган. Шарҳлар таркибида ҳам бир мақоладаги сўз ёки иборанинг шарҳи тугаллангач, иккинчи мақола таркибининг шарҳига ўтишдан олдин қавс ичida мақола рақами қўрсатилган, масалан, “Учинчи мақола”, “Ўн олтинчи мақола” ва ҳоказо.

Асарнинг тошбосма нусхаси билан танишар эканмиз, айrim мақолалар ҳажм жиҳатидан қисқа, баъзилари эса каттароқ эканлигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, 2, 3, 12, 13, 72, 74, 78, 84 рақамли мақолалар бир ёки икки жумладангина иборат бўлса, 17, 31, 41, 42, 43, 57 рақамли мақолалар эса ҳажман бир бетга тенг бўлган мақолалар ҳисобланади.


Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Кўлёзмалар фондида асарнинг яна бир тошбосма нусхаси **18952** инвентарь рақам остида сақланади. У ҳижрий 1290/милодий 1873 йилда Мисрда чоп этилган. Тошбосма ўлчами 13x21 см, ҳажми 177 бетдан иборат. У бир неча бор таъмирланганлигига қарамай, ёмон ҳолатда.

Тошбосманинг ҳар бир саҳифасига жадвал чизилган. Жадвалдан ташқарида саҳифанинг юқори қисмига саҳифа рақами қўйилган. Асар Маҳмуд Замахшарийнинг муқаддимаси билан бошланган. Сўнг унинг Зеҳний томонидан амалга оширилган усмонлича таржимаси берилган. Шундан кейин асар мақолаларининг сарлавҳалари “المقالة الأولى” (“ал-Мақолату-л-ула” – “Биринчи мақола”), “المقالة الثالثة” (“ал-Мақолату-с-салиса” – “Учинчи мақола”), “المقالة الثانية عشرة” (“ал-Мақолату-с-сания ашара” – “Ўн иккинчи мақола”) нақшинкор қавслар ичидаги настълиқ хатида ажратиб берилган. Асар матни эса насх хатида тўлиқ ҳаракатлантирилган ҳолда келтирилган. Ҳар бир мақоладан кейин ундаги айрим грамматик масалаларнинг таҳлили берилган. Ундан кейин эса мақоланинг усмонлича маъноси келтирилган. Шу тарзда асарни ташкил этувчи юзта мақола грамматик жиҳатдан шарҳланиб, унинг усмонлидаги маъноси бериб борилган.

Маҳмуд Замахшарийнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Кўлёзмалар фондидаги сақланаётган “Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарининг ҳар уч тошбосмаси нодир тошбосмалар қаторига киради. Айрим жузъий камчиликларни ҳисобга олмагандан, улар тўлиқ нусхалар ҳисобланади. Улар ёрдамида асарни ҳар томонлама ўрганиш имкони мавжуд. Ва бу ўрганиш натижаси ёш авлодни баркамол шахс сифатида тарбиялаш учун муҳим дидактик манба вазифасини ўтайди.



“Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Кўлёзмалар фондида 18970 инвентарь рақамлар остида сақланаётган тошибосма нусхаси. Тошибосма 13x19 см ўлчамга эга, ҳажми 112 саҳифадан иборат. У ношир Муҳаммад Саид Роғиъ томонидан Мисрнинг Саодат босмахонасида чоп этилган. Тошибосма беешта асардан иборат бўлган мајсума бўлиб, Замахшарийнинг “Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асари тўртинчи асар сифатида берилган. Тошибосманинг титул варагида асарнинг номи, асар муаллифи ва унинг шарафли номлари келтирилган. Шу билан бирга, нусхада асар матни билан биргаликда ундаги айрим сўз ва ибораларнинг шарҳи ҳам мавжудлиги қайд этиб ўтилган.



“Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарининг
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний
номидаги Шарқшунослик институти Кўллётмалар фондида 18970
инвентарь ракамлар остида сақланаётган тошибосма нусхаси.
Тошибосма ношир Мұхаммад Саид Роғиъ томонидан ёзилган кириш
сўзи билан бошлиланган. Унда Замахшарий даҳоси, мазкур асарнинг
аҳамияти, уни нашир этишига бўлган зарурат борасида сўз юритилган.
Асар тили ўзига хос мураккабликка эга эканлиги, шу боис аксарият
ҳолларда ундаги сўз ва иборалар, жумлаларга шарҳлар берилганлиги,
бу эса ўқувчига хос кўмак вазифасини бажариши таъкидлаб
ўтмилган.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

اللَّهُمَّ إِنِّي أَحْمَدُكَ عَلَى مَا أَزَّلْتَ إِلَيَّ مِنْ نِعْمَتِكَ . وَعَلَى مَا
 أَزَّلْتَ تَعْنِي مِنْ نِعْمَتِكَ ^(١) . عَلَى أَنِّي لَمْ أَكُنْ أَهْلًا لِلْأُولَى .
 وَكُنْتُ بِالْأَنْيَةِ أَوْلَى . أَوْلَا فَضْلُّكَ سَابِقُ حَمْدِ الْحَامِدِ وَرَكْدَهُ
 يَقْطُفُ ^(٢) . وَإِنْ أَعْنَقْ فَكَانَهُ مَصْفُودٌ يَرْسُفُ ^(٣) . وَكَرَمٌ بَاسِقٌ
 شَكَرٌ أَنَّا كَرِيْبُونَ تَحْتَهُ بِجَاهِ مَرِيضٍ ^(٤) . وَإِنْ حَلَقَ فَكَانَهُ
 لَاصِقٌ بِالْحَصِّصِ ^(٥) . ثُمَّ إِنِّي أَحْمَدُكَ حَمْدًا بَعْدَ حَمْدٍ عَوْدًا عَلَى

“Атвоқу-з-захаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Кўлёзмалар фондидаги 18970 инвентарь рақам остида сақланаётган тошибосма нусхаси. Маҳмуд Замахшарий ўз асарини анъанавий усулдан фойдаланган ҳолда Аллоҳга ҳамд ҳамда пайгамбар Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) номига наът айтишидан бошлигар. Асарининг мазкур анъанавий муқаддима қисмидаги айрим сўз ва иборалар ҳам ношир Муҳаммад Саид Рофиъ томонидан шарҳлаб борилган.

وَكُنْتَ بِالْأَيْمَةِ أَوْلَىٰ، وَلَا فُضْلٌ مِّنْكَ سَابِقٌ حَمْدًا الْحَامِدُ وَرَاهِهُ
مُكْثٌ^(١)، وَلَنْ أَعْنَ فَكَانَهُ مَصْفُودٌ يَرْسُفُ^(٢)، وَكَرِمٌ يَكْسِي
بَكَرٌ الْأَنَّاكِرُ بِتَوْحِيدِهِ يَجْعَلُ مَوْضِعَ^(٣)، وَلَنْ حَلَقٌ فَكَانَهُ
لَا يَقُولُ بِالْعَيْنِينِ^(٤) ثُمَّ إِلَىٰ أَحْمَدِكَ حَمْدًا لِمَدِحِهِ عَوْدًا عَلَىٰ

(١) لَهُمْ يُبَأِلُهُ، أَنِ احْمَدُكَ أَنِي عَلَيْكَ مَطْبِلٌ، عَلَىٰ مَا أَرْكَتَ
أَنِ الْجَبَتِ^(٥) مَلَىٰ لَهُ أَكْنَىٰ إِلَيْهِ، يَقُولُ أَنِي احْمَدُكَ يَا أَنَّهُ عَلَىٰ مَا
وَهَنَتِي مِنْ لَهَمَتِكَ وَصَرَفْتِي مِنْ شَنَكِكَ مَعَ أَنِ لَتْ مَسْتَخْفَىٰ
الْحَسَدِ بَلْ كَيْتَ أَحْمَقُ بِالْمَهْمَةِ لَهُمْ الْبَهَادِي لَا وَرَكَ لَوْلَا فَكَدَكَ عَلَيْهِ^(٦)
وَلَغَفْرَانِي مِنْ قَفْتَهُ الْمَدَاهِي إِذَا مَشَتَ عَلَيْهِ^(٧)، وَلَنْ أَعْنَ مَوْنَهُ مِنْ

(٨) بِهَوَارِزِ الْخَلَافِي أَنِي بِأَخْلَاقِهِ الْمَوَازِفُو مِنْ اِشْفَافِ الصَّفَةِ الْمَوْسُوفِ
الْجَلَافِ مَعَ خَلَافِ بَكْسِرِ الْحَاءِ، وَهُوَ الْمَلَفَةُ كَائِنٌ يَالْمَرَأَةِ، وَالْمَوَازِفُ جَمِيعُ
الْمَوَازِفِ الْمُكَلَّبِ كَائِنٌ، وَالْمَغَازِرُ الْأَوَّلُ جَمِيعُ غَزَرَةِ وَهُوَ الْكَثِيرُ كَائِنُ، وَالْمَغَازِرُ
الْمُكَلَّبُ غَلَوْنَ الْكَلَافِي غَزَرَأً إِذَا نَفَسَ لَهُمْ، يَوْمَ ذَلِكَ أَنَّ اللَّهَ تَعَالَى طَبِّ
لَهُمْ جَهَنَّمَ مِنْ أَمْلَ النَّعَاجِيَةِ الْأَشْنَهِيَّةِ، عَلَىٰ اِنْتَهَىٰ^(٩)، اِنْتَهَىٰ^(١٠)

الْلَّا يَأْنِي عَنِ التَّرْكِ^(١)، وَتَرْضِيَتِي بِمَدِ الْمَذَرَةِ بِالْتَّرْكِ^(٢)، وَلَمَّا
أَفْزَحْتُ عَلَيْكَ الْأَسْبَابَ الْمَفْصِيَّةَ^(٣)، عَنِ الدَّارِ أَنَّهُ أَفْزَحَتِي
بِالْمَسْبَبَةِ^(٤)، عَطَّلَتِي عَلَيْهِ فِي ذَلِكَ عَطَّلَ حَقِيقَتِي^(٥)،
وَذَلِكَ كَتَبَ بِلْفِ خَنِي^(٦) فَاصْطَلَمْتَيِي بِالْتَّلِيلِ إِلَىٰ أَحْبَبِي بِلَادِكَ^(٧)
إِلَيْكَ، وَأَعْزَمْهَا وَأَكْرَمْهَا عَلَيْكَ^(٨)، وَحَلَّتِي بِالْمَلْجَ الْمَفْرَغِ^(٩)

(١) بِهَوَارِزِ الْخَلَافِي أَنِي بِأَخْلَاقِهِ الْمَوَازِفُو مِنْ اِشْفَافِ الصَّفَةِ الْمَوْسُوفِ
الْجَلَافِ مَعَ خَلَافِ بَكْسِرِ الْحَاءِ، وَهُوَ الْمَلَفَةُ كَائِنٌ يَالْمَرَأَةِ، وَالْمَوَازِفُ جَمِيعُ
الْمَوَازِفِ الْمُكَلَّبِ كَائِنٌ، وَالْمَغَازِرُ الْأَوَّلُ جَمِيعُ غَزَرَةِ وَهُوَ الْكَثِيرُ كَائِنُ، وَالْمَغَازِرُ
الْمُكَلَّبُ غَلَوْنَ الْكَلَافِي غَزَرَأً إِذَا نَفَسَ لَهُمْ، يَوْمَ ذَلِكَ أَنَّ اللَّهَ تَعَالَى طَبِّ
لَهُمْ جَهَنَّمَ مِنْ أَمْلَ النَّعَاجِيَةِ الْأَشْنَهِيَّةِ، عَلَىٰ اِنْتَهَىٰ^(١)، اِنْتَهَىٰ^(٢)

(١) بِهَوَارِزِ الْخَلَافِي أَنِي بِأَخْلَاقِهِ الْمَوَازِفُو مِنْ اِشْفَافِ الصَّفَةِ الْمَوْسُوفِ
الْجَلَافِ مَعَ خَلَافِ بَكْسِرِ الْحَاءِ، وَهُوَ الْمَلَفَةُ كَائِنٌ يَالْمَرَأَةِ، وَالْمَوَازِفُ جَمِيعُ
الْمَوَازِفِ الْمُكَلَّبِ كَائِنٌ، وَالْمَغَازِرُ الْأَوَّلُ جَمِيعُ غَزَرَةِ وَهُوَ الْكَثِيرُ كَائِنُ، وَالْمَغَازِرُ
الْمُكَلَّبُ غَلَوْنَ الْكَلَافِي غَزَرَأً إِذَا نَفَسَ لَهُمْ، يَوْمَ ذَلِكَ أَنَّ اللَّهَ تَعَالَى طَبِّ
لَهُمْ جَهَنَّمَ مِنْ أَمْلَ النَّعَاجِيَةِ الْأَشْنَهِيَّةِ، عَلَىٰ اِنْتَهَىٰ^(١)، اِنْتَهَىٰ^(٢)
أَنْ صَدَرَ غَلَوْنَ الْكَلَافِي غَزَرَأً إِذَا نَفَسَ لَهُمْ، يَوْمَ ذَلِكَ أَنَّ اللَّهَ تَعَالَى طَبِّ
لَهُمْ جَهَنَّمَ مِنْ أَمْلَ النَّعَاجِيَةِ الْأَشْنَهِيَّةِ، عَلَىٰ اِنْتَهَىٰ^(٣)، اِنْتَهَىٰ^(٤)
أَنْ صَدَرَ غَلَوْنَ الْكَلَافِي غَزَرَأً إِذَا نَفَسَ لَهُمْ، يَوْمَ ذَلِكَ أَنَّ اللَّهَ تَعَالَى طَبِّ
لَهُمْ جَهَنَّمَ مِنْ أَمْلَ النَّعَاجِيَةِ الْأَشْنَهِيَّةِ، عَلَىٰ اِنْتَهَىٰ^(٥)، اِنْتَهَىٰ^(٦)
أَنْ صَدَرَ غَلَوْنَ الْكَلَافِي غَزَرَأً إِذَا نَفَسَ لَهُمْ، يَوْمَ ذَلِكَ أَنَّ اللَّهَ تَعَالَى طَبِّ
لَهُمْ جَهَنَّمَ مِنْ أَمْلَ النَّعَاجِيَةِ الْأَشْنَهِيَّةِ، عَلَىٰ اِنْتَهَىٰ^(٧)، اِنْتَهَىٰ^(٨)
أَنْ صَدَرَ غَلَوْنَ الْكَلَافِي غَزَرَأً إِذَا نَفَسَ لَهُمْ، يَوْمَ ذَلِكَ أَنَّ اللَّهَ تَعَالَى طَبِّ
لَهُمْ جَهَنَّمَ مِنْ أَمْلَ النَّعَاجِيَةِ الْأَشْنَهِيَّةِ، عَلَىٰ اِنْتَهَىٰ^(٩)، اِنْتَهَىٰ^(١٠)

“Атвоқу-з-захаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарининг

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондидаги 18970


инвентарь рақамлар остида сақланадиган тошибосма нусхаси.

Жадвалнинг юқори қисмида асар матни йирикроқ ҳарфлар билан, қўйи қисмида унинг шарҳи майдароқ ҳарфлар билан берилган. Асар матни ва шарҳ чизиқча ёрдамида ҳам ажратилган. Асар матни


тўлиқ ҳаракатланган, бироқ тошибосманинг шарҳ қисмида

ҳаракатлар йўқ. Асарни шарҳлашда сноска усулидан фойдаланилган. Бунда изоҳланадиган сўз, ибора ёки жумла охирига қавс ичига рақам



қўйилган, қўйида эса ўша рақам остида белгиланган сўз, ибора ёки жумла шарҳланган.



“Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида 18970 инвентарь рақамлар остида сақланаётган тошибосма нусхаси. Асар юзта мақолага бўлинган. Тошибосмада мақола сарлавҳаси нақшинкор қавслар ичida настаълиқ хатида жадвал ичida чизиқлар ёрдамида ажратиб берилган. Асар матни эса насх хатида келтирилган. Ҳатто жадвалнинг қуий қисмида берилган шарҳлар таркибида ҳам асар мақолама-мақола ажратилган.




“Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарининг 18970 инвентарь рақамлар остида сақланаётган тошибосма нусхаси.
Шарҳлар таркибидаги ҳам бир мақоладаги сўз ёки иборанинг шарҳи тугаллангач, иккинчи мақола таркибининг шарҳига ўтишидан олдин қавс ичидаги мақола рақами кўрсатилган, масалан, “Учинчи мақола”, “Ўн олтинчи макола” ва хоказо.



“Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарининг
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний
номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондидаги 18970
инвентарь рақам остида сақланаётган тошибосма нусхаси.
Тошибосмада айрим мақолалар ҳажм жиҳатидан қисқа, баъзилари
эса каттароқ. Жумладан, 2, 3, 12, 13, 72, 74, 78, 84 рақамли
мақолалар бир ёки икки жумладангина иборат бўлса, 17, 31, 41, 42,
43, 57 рақамли мақолалар эса ҳажман бир бетга тенг бўлган
мақолалар ҳисобланади.



“Атвоку-з-захаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Кўлёзмалар фондидаги **18952** инвентарь рақам остида сақланаётган тошибосма нусхаси. У ҳижрий 1290/милодий 1873 йилда Мисрда чоп этилган. Тошибосма ўлчами **13x21 см**, ҳажми **177 бетдан** иборат. У бир неча бор таъмирланганиниң қарамай, ёмон ҳолатда. Асар муаллиф Маҳмуд Замахшарийнинг кириши қисми билан бошланган. Араб тилидаги матн тўлиқ ҳаракатлантирилган



“Атвоқу-з-захаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Кўлёзмалар фондидаги 18952 инвентарь рақам остида сақланаётган тошибосма нусхаси. Тошибосманинг ҳар бир саҳифасига жадвал чизилган. Жадвалдан ташқарида саҳифанинг юқори қисмига саҳифа рақами қўйилган. Шундан кейин асар мақолаларининг сарлавҳалари (“المقالة الاولى” (“ал-Мақолату-л-ула”) – “Биринчи мақола”), (“المقالة الثالثة” (“ал-Мақолату-с-салисا”) – “Учинчи мақола”), (“المقالة الثانية عشرة” (“ал-Мақолату-с-сания ашара”) – “Ўн иккинчи мақола”) нақшинкор қавслар ичida настаълиқ хатида ажратиб берилган. Асар матни эса насх хатида тўлиқ ҳаракатлантирилган ҳолда келтирилган.

» بعض مفرداتي «

(زج) طلب ایندی معناسته اولان رامن بجهول (الضم)
 ظ(با) بوز چوربک و تباعد اینک معناسته اولان «بو» دن
 قل ماضی (السرى) اصلی مر و نند کیمیه (سیم)
 رنج و محنتلو این تکاپ اینک معناسته اولان سومدن
 ماضی بجهول (الخفف) تخته و تابل (الزین)
 صاحب نیکین (العنی بعثة الحبل) حمل جالانی فو شامش
 کپک دیکمر (الوحشی) نهل اولیان خوان . خر کله کپی
 (الاشناق) خوف و مدر و اشلاقه من جمهه الاعراب مفعول لهدر
 فتأمل (بكلم) جرح معناسته اولان کامن هضارع بجهول
 (الأخذ) استخراج (الإبا) عطف تفسیری (العرق) طبر
 (الظرف) متن و قوت

» مک مصاله « ۱۱

آشین ذهن و ذكى الفؤاد و دوراندیش و احتباطهاد
 اولان مردم کا تمقاد نه خوایده پست رغفلت و نه
 غنوده استراحت اولوب دائم متغظ و دل آکله و متبیقظ
 عبر و آنباء او لهرق ادئی اشارکن استیاط عظه و نصیحت
 واوزاق او رزاق ایقلات و تسلیعاتمن اسهملاب عبرت ایلد
 ایندی سندیجی بثک دفعه یعنی هموان بدریعه الششم نظر
 ایندیکجه «ربنا ما خلقت هذا بطلًا» چشم عبریله تکران
 و جنازه و نعشه راست کلد کجه «الله» کثان مناز و کریان
 اول . معاونمک اولسوکه سنه دنی بارین کار بار ناسوی

“Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарининг

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Кўлёзмалар фондидаги 18952 инвентарь рақам остида сақланаётган тошбосма нусхаси. Ҳар бир мақоладан кейин ундаги айрим грамматик масалаларнинг таҳлили берилган. Ундан кейин эса мақоланинг усмонлича маъносига келтирилган. Шу тарзда асарни ташкил этувчи юзта мақола грамматик жиҳатдан шарҳланаб, унинг усмонлидаги маъносига берилган асарни араб тилидан усмонли туркчага таржимаси Зеҳний томонидан амалга оширилган.

ЗАМАХШАРИЙ АСАРЛАРИДА ИЛМ ВА ОЛИМ ТУШУНЧАЛАРИ ТАЛҚИНИ

Жамиятнинг ҳар томонлама ривожланиши ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти ёш авлоднинг ақлий ва ахлоқий тарбияси, эстетик маданияти ва маънавиятининг юксак даражада шаклланганлигига боғлиқ. Ёшларнинг ҳар томонлама камолга етиши, маънавиятли баркамол шахс сифатида шаклланиши ҳамда жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари бевосита уларга бериладиган мақсадли таълим ва тарбияга боғлиқ. Шу боис ёшларни бой маданий меросимиз ҳамда тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизими олдида турган долзарб масалалардан бири саналади. Зеро, бу илмий қадриятлар бизнинг ноёб бойлигимиз сифатида юксак малакали ва маънавиятли инсонларни тарбиялашда ўз аҳамиятини йўқотмаган. Комиллик, баркамоллик тушунчалари меҳр-оқибат, тўғрилик, виждон, ор-номус, ирода, сабр-матонат, жасорат каби кўплаб асл инсоний хислат ва фазилатлар мажмуасидир. Ана шу мажмуудан ўрин олган асосий жиҳат илм эгаллаш ва илмли бўлишдир.

Қадим аждодларимиз бизга ўлмас мерос сифатида қолдирган асарларида комил инсон тушунчаси ва баркамол шахс тарбиясида илм ва унинг фазилатлари, олимга хос гўзал сифатлар борасида ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтганлар. Жумладан, Махмуд Замахшарийнинг бу борадаги қарашлари билан унинг дидактик аҳамиятга эга “Навобиғу-л-калим” (“Нозик иборалар”) ва “Атвоқу-з-захаб” (“Олтин шодалар”) асарларида танишиш мумкин.

Ҳар қандай соҳада комилликка етишишни мақсад қилган инсон илм чўққиларини забт этмоғи даркор. Чунки инсоннинг фазлу камоли илм билангина ҳосил бўлади. Фаридиддин Аттор илму фанни йўлларни нурафшон этиб, ёритувчи машъалага қиёслаган ҳолда шундай дейди:

*Ул – илмдир, ростгўйлик мазмуни,
Чин²⁷да ҳам бўлса, бориб, ахтар уни²⁸.*

Илмли бўлиш фақат инсонгагина хос хусусият. Чунки инсонлардаги куч-қувват, шижаот, саховат, меҳр каби сифатлар бошқа жонзотларда ҳам бор. Лекин илмли бўлиш, илм эгаллаш фақат инсониятга берилган. Илм, энг аввало, инсоннинг ўзига, жамиятда мустаҳкам ўрнини топишига, авлодларни баркамол шахс сифатида тарбиялашга хизмат қиласди, шу билан бирга инсон ўз илми билан ватан равнақи ва мамлакат ривожида бевосита иштирок этади.

Маҳмуд Замахшарий ўзининг “Навобиғу-л-калим” асарида шундай дейди: “*Илмли бўлиши бир баланд тоққа чиқши каби кўп мاشаққатлидир, лекин ундан тушиши осондир, жоҳиллигу нодонлик булоги чуқур чашма мисоли бўлсада, бироқ у кўп қийинчилигу азобларга гирифтор қиласди*”²⁹. Дарҳақиқат, инсон камолот сари етакловчи илм чўққиларини эгаллашни истаса, дастлаб фидойилик қўрсата олиши, бу йўлда учрайдиган мешаққатларни ўз зиммасига олиши керак. Уламолар бежизга “Илмга барча нарсангни бермагунингча, у сенга ҳеч нарсасини бермайди”, дейишмаган. Ана шундагина илм ўз эшикларини очиб, инсон ҳақиқий илм соҳибига айланади, юксак даражаларга эришади. Зоро, бу олий мақсадга эришиш учун ҳар қанча заҳмат чекса арзиди киши. Боиси айнан илм нур мисоли дилга суур беғишлади. Маҳмуд Замахшарий таъкидлаганидек: “*Илм олиши оғир, аммо илмсизлик унданда оғир*”³⁰. Аллома ўз фикрини давом эттирган ҳолда: “*Ёки илмли бўл ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшиштадиган бўл, бироқ тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб ҳалок бўласан*”³¹.

²⁷ Чин – Хитой.

²⁸ Фаридиддин Аттор. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи Э.Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 47-б.

²⁹ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 63-б.

³⁰ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбеҳи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 98-б.

³¹ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 49-б.

Замахшарий ўз асарларида илмнинг камолоти олимнинг хушхатлиги биланлигига ишора қилган ҳолда: “*Илми бўлиш ўқиши, ўқитиши, ёзиш билан ҳосилу мукаммал бўладиган бир сабоқдир. Агар олим киши чиройли, хушихат ёзувга эга бўлса, бу унинг камолотга етганидан далолатдир*”³², дей таъкидлайди. Замахшарийнинг бу ўгитлари, айниқса, бугунги кунда янада долзарблашиб бормоқда. Чунки йилдан-йилга чиройли ёзув санъати бадхатлик билан алмашиб бормоқда. Айрим кишиларнинг хатини ўқиши мушқуллигини чиройли ёзув меъёрларига амал қилмаслик одатий ҳолга айланиб бораётганлиги билан изоҳланади. Замахшарий чиройли ёзувни инсон фазилати сифатида улуғлаб, ундан бошқа кишилар завқланиши лозимлигига ишора қиласди.

Қолаверса, Замахшарий олим киши қатор сифатлар соҳиби бўлиши лозимлигини уқтирган ҳолда: “*ҳақиқий олим ўз илмига амал қилиши лозим*”³³, дейди. Чунки билиб туриб амал қилинмаган илмдан фойда йўқ. Аллома ўзининг бу фикрини “Атвоқу-з-заҳаб” асарида янада батафсилоқ баён этади: “*Амал қилгувчи учун илм қурувчининг девор текислигини ўлчайдиган асбобига ўхшайди. Олим учун эса амал сув тортувчининг арқонига ўхшайди. Бас, қайси қурувчида ўша асбоб бўлмаса, биноси текис бўлмайди. Кимнинг сув тортадиган арқони бўлмаса, унинг чанқоги босилмайди. Ким комил бўлишини хоҳласа, албатта, амал қиладиган олим бўлсин*”³⁴. Замахшарий ўз фикрини давом эттирган ҳолда шундай дейди: “*Киши иккита кичик нарса – тили ва дили билан эмас, балки иккита катта нарса – амали ва иймони билан эр кишидир. Қачонки, кишига амали ва иймони хиёнат қилар экан, тилининг бурролиги юлбининг холислигидан фойда йўқ*”³⁵.

Махмуд Замахшарий ҳақиқий олим кишиларни осмоннинг зийнати бўлмиш юлдузларга тенглаштириб: “*Осмону фалакнинг зийнати юлдузлар билан бўлганидек, еру заминнинг кўркамлиги*

³² Абу-л-Қосим Махмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 63-б.

³³ Ўша асар. – 67-б.

³⁴ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 111-б.

³⁵ Ўша асар. – 107-б.

*олимлар биландир*³⁶, дейди ва “*ловиллаб ёнаётган оловни сув ўчиргани каби нодон одамлардан чиқаётган алангани ҳакиму оқил одамларгина сўндираплар*³⁷, деб уқтиради.

Юқорида келтирилган иқтибослардан аён бўладики, Замахшарий томонидан баён этилган инсонга хос фазилатлар ичида илм ва илмли бўлишга чорлов масаласи ҳам асосли тарзда талқин этилиб, илм комилликка элтувчи нур сифатида тараннум этилган.

ЗАМАХШАРИЙ АСАРЛАРИДА ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР ТАЛҚИНИ

Фазилат деганда, одатда, фақат инсонларга хос сифатлар тушунилади. Инсоний фазилатлар ичида биринчи навбатда, кечиримлилик қайд этилади. Чунки айрим кимсалар арзимас нарсаларни йиллар давомида хотирасида сақлаб, ўзини ҳам, атрофдагиларни ҳам ташвишга солиб юради. Бу омил, айниқса, таълим муассасаларида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, таълим жараёнидаги муносабатлардаги кўнгилсизликлар, уларни унутмаган ҳолда кек сақлаб юриш тўғри тарбиявий ишларни йўлга қўйиш учун жиддий тўсқинлик қиласи. Аслида бу муаммо кечагина юзага келган эмас. Шунинг учун ҳам алломаларимиз бу борада бир қатор фойдали тавсияларни бериб ўтганлар. Улар орасида, шубҳасиз, Маҳмуд Замахшарийнинг фикрлари алоҳида эътиборга молик. Замахшарий айтадики, “*Одамларнинг энг хотири кучлиси уларнинг ичидаги энг унутувчисидир, кўнгилларнинг энг юмшоги салобатлигию шафқатлисидир*³⁸”. Зеро, кечиримли бўлиш ақлли кишиларга хос фазилатdir. Шунинг учун ҳам Замахшарий “*Ақл чақиригига ҳаракат ижроси билан жавоб берган киши закийларнинг закийидир*³⁹”, -дейди.

³⁶ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 59-б.

³⁷ Ўша асар. 59-б.

³⁸ Ўша асар. 49-б.

³⁹ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 105-б.

Маҳмуд Замахшарий томонидан тилга олинган ҳамда инсоний фазилат сифатида эътироф этилган хислатлардан бири – эҳтиёткорлик. Чунки, ҳалқона тилда айтилганидек, “Етти ўлчаб бир кесиш”да, аввало, мулоҳазалилик, режалилик, бирор ишни аввалдан ўйлаб, катталар ва ҳаётни пасту баландини кўрган одамлар билан бамаслаҳат қилиш англанади. Бу сифат эса инсонларгагина хосдир. Шунинг учун ҳам Замахшарий “Эҳтиёт бўлиб иш тут, ғолиб бўласан”, деган шиорга амал қилган ҳолда “*Эҳтиёт билан иш тутувчи ҳар бир одам тўғри йўлдан бурилмас*” лигини⁴⁰ таъкидлайди.

Замахшарий инсоний фазилатлар ичида инсофли бўлишликни алоҳида ажратиб кўрсатади. Аллома айтадики, “*Инсофли одам биродарининг ҳақини ейшини ёмон кўргани учун уни эгасига беради*”⁴¹. Шунингдек, хулқ инсоний фазилатлар ичида зийнат эканлигига ишора қилиб, “*Хулқи тўғри киши ҳодисаларнинг ичига юради, аҳмоқ эса ундан сугурилиб чиқади*”⁴², дейди.

Замахшарий ўз асарларида инсонларга хос фазилатлар ичида биринчи ва иккинчи даражали, муҳим ва унча муҳим бўлмаган вазифаларни таснифлаб, уларни бажарилишига муайян мантиқий ёндашув асосида ақл, зийраклик ва мулоҳазалилик билан киришиш муҳим аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратади. Бу муҳимлик барчага – мактаб ўқувчисига ҳам, олий таълим муассасаси талабасига ҳам, мутахассис ходимларга ҳам тааллуқлидир. Зеро, ишнинг пировард натижада режадагидек якунланиши айнан шу омилга боғлиқ. Шунинг учун ҳам ўсиб келаётган ёш авлодда шу каби фазилатларни шакллантириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Маҳмуд Замахшарий бу борада ҳам ибратли фикрларни баён этган. Чунончи, аллома айтадики, “*Ақл-идрок ва шариатга амал қилиб иш тутган банда асл ва иккинчи даражали мақсаду матлабларини*

⁴⁰ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 99-б.

⁴¹ Ўша асар. 95-б.

⁴² Ўша асар. 76-б.

*жам қилиши мұқаррардир*⁴³. “Зийрак, мұлоҳазали, сабрли киши дүнё ва охиратда фойдаси бор ишда ҳеч тұхтамас”⁴⁴.

Инсоният ҳаёти шундай яратилғанки, унда ғалаба билан мағлубият доимо ёнма-ён юради. Халқымиз буни образли қилиб, “Нур борки соя бор” деб айтади. Қийинчиликтарга нисбатан бардошли, матонатли бўлиш эса инсонларга хос, яъни вақтинчалик кўнгилсизлик, мағлубиятлардан тушкунликка тушмасдан уларни мардоновор енгиб ўтиш яхши инсоний фазилатларнинг яна бир хислатларидан биридир. Замахшарий таъбири билан айтганда, “Мардонавор киши мағлуб бўлгани билан унинг мартабаси паст бўлмас, машаққату ташвишга гирифтор бўлса-да, хор бўлмас”⁴⁵.

Инсонларга хос яхши фазилатлар сирасиға, шубҳасиз, ростгўйликни киритиш ўринли бўлади. Чунки жуда кўп кўнгилсизликларнинг асосида рост гапни айтиш жасоратининг етишмаслиги, ёлғончилик ётади. Бу ҳолатни Замахшарий табиат ҳодисасига қиёслаган ҳолда шундай таърифлайди: “*Момақалдиrokли ёмғирнинг ёғиши ростгўй (ҳақгўй) кишининг ваъдасига вафо қилиши мисоли ёқимлидир*”⁴⁶. Демак, рост гапириш, берилган сўзнинг устидан чиқиш инсонларга болалик ҷоғидан сингдириб борилиши лозим. Шундагина баркамол авлод тарбиясининг иморатига яна битта мустаҳкам ғишт қўйган бўламиз. Шунинг учун ҳам Замахшарий томонидан инсонларга хос яхши фазилатлар ичида ваъдага вафо, бу борада ҳалол бўлишга чорловчи қатор даъватларни қўришимиз мумкин. Унинг “*Ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бирорвга хиёнату ёмонлик қиласиган киши эса ҳалокатга гирифтordanir*”⁴⁷.

Айни пайтда таъкидлаш жоизки, ўз табиатига кўра барча кишилар бирдек комиллик алматларига эга бўлавермайди. Одатда, жамоа ичида, жамиятда бошқалардан кўра ўқтамроқ, оқилрок

⁴³ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шархлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 65-б.

⁴⁴ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбеҳи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 91-б.

⁴⁵ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шархлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 55-б.

⁴⁶ Ўша асар. 55-б.

⁴⁷ Ўша асар. 52-б.

кишилар бўлади. Уларнинг вазифаси ўзларидағи доноликдан атрофдагиларни имкон қадар кўпроқ баҳраманд қилиш бўлса, атрофдагиларнинг вазифаси эса ундан (оқил кимсадан) кўпроқ сабоқ олиб, унга хос яхши фазилатларни ўзлаштириш, фаолиятларига татбиқ этишдан иборат. Замахшарийнинг бу борадаги фикрлари ҳам ибратлидир. Алломанинг айтишича, “*Олижаноб ва шариф киши шундай кишики, у ҳозир бўлмай гойиб бўлганида унинг сухбатини хоҳлаб, мулоқотини орзу қиласидар, башарти у (сухбатга) келиб қолса, унинг ҳайбатидан сергакланиб ҳушёр тортадилар*”⁴⁸. Замахшарийнинг “*Мард ва олижаноб кишининг энг гўзал фазилатларидан бири ўз биродарининг айбларини беркитиб, унинг барча ишларини бамисоли ўзининг ишлари ўрнида кўриб иш тутишидири*”⁴⁹, деган сўzlари юқоридаги фикрнинг яна бир исботидир. Комилликка элтувчи йўлда амал қилинадиган қоидалар мажмууда “Яхшига ёндошсанг – етарсан муродга” дейилади. Замахшарий бу қоидани шундай таърифлайди: “*Кимки баҳтиқболли, солиҳ кишиларнинг этагига ёпишса, у албатта муроду мақсадига эришиб, хайру барака топар*”⁵⁰.

Инсон шундай яралганки, зийрак кишилар унинг хулқидаги, дунёқарашидаги, қисқа қилиб айтганда, феъл-авторидаги жиҳатларни пайқаши мумкин. Айниқса, замонавий психология фанида бу омил маҳсус ўрганилиб, бир қанча илмий холосалар чиқарилган. Замахшарийнинг инсонларга хос яхши фазилатлар ҳақидаги фикрлари шуниси билан аҳамиятлики, у инсонлар руҳиятини чукур ўрганган ҳолда муайян фикрни баён этган. Шу жиҳати билан унинг қарашлари бугунги кунда ҳам ўзининг илмий-амалий нуфузини йўқотмаган ва баркамол авлод тарбиясида алломанинг илмий меросидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Замахшарий инсоннинг феъли аслига далолатлигига ишора қилиб шундай дейди: “*Карамли инсон зулмга рўбарў қилинса, тийилади. Шариф инсонга хорлик исталса, юз буради. Ҳилм ишларидан ўзига суюнч ясаган*

⁴⁸ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалақ, 1992. – 60-б.

⁴⁹ Ўша асар. 73-б.

⁵⁰ Ўша асар. 73-б.

*виқор эгаси зулмдан хавфсирайди, хуркиб қочади, токи у панжаса уриб ташланмасин, ўткир тирнокларини ботириб жароҳат етказмасин. Зулмдан бундай тийилиши ва юз ўгириши ота-боболари шариф бўлганлардан ўзгаларда кам учрайди. Асли тоза бўлмаган кишида хайр йўқ. Итнинг думи на эт бўлишга, на ёғ бўлишга ярайди*⁵¹.

Халқимизда аждодларимиз томонидан топиб айтилган ҳамда бугунги кунда ҳам зиёлилар томонидан эслатиб туриладиган бир ибора қўлланилади, яъни “Ё аслинг каби кўрин ё кўринганингдек бўл”. Бу қоида Замахшарий тилидан шундай таърифланган: “*Одамнинг сиртию ботини (ичи) тўғри, саломат ва тузук бўлса, унинг зоҳири (ташқариси) ҳам сахий ва салим бўлур*”⁵². Бу билан иккиюзламачи, сохта, сўзи билан қилаётган иши муштарак бўлмаган кишиларнинг амалларини қоралайди.

Дарҳақиқат, сиртию ботини бир хил одамларда улуғворлик, ўзига хос виқор сезилиб туради. Чунки улар одамлар қаршисида қандай бўлсалар, шундайликларича намоён бўладилар. Улар маънавий гўзал инсон намунаси сифатида тараннум этилади. Замахшарийда ҳам комилликнинг бу сифатига ўзига хос таъриф мавжуд: “*Сиймонг гўзаллиги ва юзинг чиройи ойнинг тулув (чиқиши) кечасидан бир белги каби дилу кўнгилларга шодлик баҳи этар*”⁵³.

Барча замонларда ночорларга мадад бўлиш инсонларнинг яхши фазилатларидан бири эканлиги эътироф этилади. Алломанинг “*Мурувват бир сифатки, Оллоҳнинг розилигига лойик. Саховат бир табиатки, у ҳақда қанча гапирилса, шунча муносиб*”⁵⁴ деган қарашлари юқоридаги фикрларни яна бир бор мустаҳкамлайди.

⁵¹ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 34-б.

⁵² Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалақ, 1992. – 52-б.

⁵³ Ўша асар. 53-б.

⁵⁴ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 39-б.

Замахшарийнинг комил кишига берган таърифида сахийликка ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, аллома “... *сахий, карим киши ҳар жойда иззату икромда бўл*” ишини⁵⁵ алоҳида таъкидлайди.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, қадимги аллома аждодларимиз билим истаб турли ўлкаларга саёҳат қилганлар. Бунинг учун имом Бухорий ва Маҳмуд Замахшарийларнинг ҳаётини мисол қилиб келтиришнинг ўзи кифоя. Бу саёҳатлар давомида улар нафақат илм ўргангандар, балки ўзга юртлардаги одамларнинг ҳаёт тарзини, руҳиятини, дунёқарашидаги хусусиятларни, улар амал қиласидиган ҳаётий қонуниятларни мақсадли тарзда ўргангандар. Шунинг учун ҳам улар саёҳатни илм ўрганиш, оламни англаш воситаси сифатида қабул қилганлар. Маҳмуд Замахшарий бу хусусда шундай дейди: “*Баланд тоғларга кўтарилиб ва пастликларга тушиб сафар қилиши уйда, деворлар ичида, машаққатлар орасида оч ўтиришидан авлодир (хайрлидир)*”⁵⁶. Бу фикрнинг давоми, яъни саёҳат инсонларнинг комилликка эришиш омили эканлиги ҳақида Замахшарий шундай фикр билдиради: “*Кимки денгиз тўлқинларини бошидан кечириб сафар қилмаса, турли-туман ташвишу машаққатларнинг сувидан ичмаса, инсон (ҳақиқий) роҳату фарогатга мұяссар бўла олмас*”⁵⁷.

Комил инсонга хос фазилатлардан бири, шубҳасиз, одамларнинг дардига шерик бўла олиш билан белгиланади. Чунки одамнинг бошида яхши ва ёмон кунлар ёнма-ён юради. Яхши кунларида мададкор, шодлигини баҳам кўрувчига эҳтиёж унчалик сезилмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам яхши одам айнан қайғули, изтиробли кунларда яқинларининг дардига шерик бўлиб, уларнинг оғирини енгил қилиши, ташвишдан фориғ бўлишларида ҳамдард бўлиши лозим. Замахшарий инсонлардаги бу сифатни “*Одамларнинг энг азиз ва хурматилари қайғу-ҳасрату ташвишили дамларда билинур...*”⁵⁸ тарзида таърифлайди.

⁵⁵ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 68-б.

⁵⁶ Ўша асар. 61-б.

⁵⁷ Ўша асар. 72-б.

⁵⁸ Ўша асар. 53-б.

Табиатан шундай одамлар борки, улар хато, баъзан гуноҳ иш қилган бўлсалар ҳам, айблариға иқрор бўлмасдан, тавба қилмасдан, такаббурлик билан умр кечирадилар. Аслида уларни ички бир туйғу кемириб боради. Шунинг учун Замахшарий айтганидек, “*Тавба қилган киши умрининг ниҳояси (хотимаси) умрининг боши деганидек (яъни, онадан тугилган куни каби гуноҳсиздир), унинг ишлари Аллоҳ таоло наздида айбли бўлмайди*”⁵⁹.

Бу дунё ибрат макони, дейди донишмандлар. Фақат уни кўрмоқ, англамоқ даркор. Бунинг учун у мудроқ эмас, балки уйғоқ, зийрак бўлиши талаб этилади. Шу маънода комилликка интилувчи ҳар бир шахс атрофдаги ибратли ҳолатлар, вазиятлар, ҳаракатларни таҳлил қилиш, англаш, хулоса чиқариш ва уни ўз фаолиятига татбиқ этиш кўниқмаларига эга бўлиши лозим. Бу борада Маҳмуд Замахшарийнинг “*Зийрак, фикр увадаларидан узоқ, гариб ва назари тийрак қалбни уйқу элитмайди. Магар у доим уйғоқ, зикрда. Битта гизли, маҳфий нигоҳдан насиҳат излайди, топади. Сўнгсиз ва узоқ тикилган нигоҳдан ибрат олади. Осмонга тикилиб, гуж-гуж юлдузларни кўтар экан, ибратланади*”⁶⁰, – деган фикрлари ғоят таъсирлидир. Шундагина инсон комил шахс сифатида тан олиниши ва бу мураккаб дунёда ўз ўрнига эга бўлиши мумкин. Буни Замахшарий шундай таърифлайди: “*Ишларда жиддийлик, енгни шимарии, фикрнинг пишиб, маромига етиши, ортиқча илтифот ва тилёгламаликни тарк қилиши, аниқ ва мустаҳкам билиши, муҳим нарсани илгашибаги тезлик ва алам етказувчи нарсалардан ҳимояланишида кенг қадам босиши – шундай майдонки, у майдонда юқоридаги сифатларнинг биттасига фарзанд бўлган киши (яъни мазкур сифатларнинг ҳар бирини “она” десак, шу оналардан биттасига фарзанд бўлган киши) бу майдонда чопа олади*”⁶¹.

Жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида кузатилаётганидек, замонавий Ўзбекистонда хукуматимиз томонидан тадбиркорликка катта эътибор қаратиб келинмоқда. Аслида ҳам бу соҳа замоннинг

⁵⁹ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 62-б.

⁶⁰ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 28-б.

⁶¹ Ўша асар. 76-б.

зайли, бугунги куннинг иқтисодий-ижтимоий талаби сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам замонавий одамларнинг комиллиги унинг тадбиркорлиги билан ҳам белгиланади. Бу борада Замахшарий айтади: “*Тадбиркорликда саъй-ҳаракат кўрсатиш тақдиру қисматларда голибликка олиб келиши демакдир*”⁶². Мұхими, Замахшарий уқтирганидек, ниятнинг яхшилиги, унинг ҳар бир одимининг пухта ўйланганлиги ва режалаштирилганлигидадир. Қолаверса, бу ҳаракатлар қанчалик эрта бошланса, бу жараёнда инсон ўзининг маънавий етуклигини намоён этса, шунчалик яхшидир. Зоро, Замахшарий таъкидлаганидек, “*Узоқ умри давомида саъй-ҳаракат ва одоб-ахлоқ билан ҳаёт кечирган одам кейин одобга томон дастлабки қадам ташлаган кимса билан баробар эмас*”⁶³. Шу боис алломанинг “*Ният қилинган ишлар пишмаган гўшит мисоли, бинобарин ҳар қандай ишини комил ният-у, қаттиқ ихлос билан қилиши лозим*”лиги⁶⁴ ҳақидаги даъвати бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Халқимизда Она ер тушунчаси муқаддас ҳисобланади. Зоро, инсон ернинг фарзанди. Ер унга ризқ беради, ҳаётини фаровон бўлиши учун ўз бағрини очади. Замахшарийнинг эътиборидан бу жиҳат ҳам четда қолмаган. Бу борада алломанинг “*Деҳқончилик қилиб зироат экиши фойдаю хайр-барака бирла муштаракдир, ўз халқини беҳад кўп хайр-баракага буркайдир*”⁶⁵, деган фикрлари ғоят ибратлидир.

Замахшарий таърифлаган инсоний фазилатлар ичида тўғрилик, ҳақ йўлида событқадамлик билан ҳаракат қилишга ҳам муҳим сифат тариқасида қаралган. Алломанинг “*Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан кўра ҳам ҳайбатлироқдир*”⁶⁶, деган фикри инсон томонидан танланадиган тўғри йўлни нақадар муҳимлигига бир ишора ҳисобланади. Бу фикрга қўшимча тарзда у “*Кўпчилик одамлар ҳақиқатдан йироқдир, уларнинг талааб ва*

⁶² Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шархлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 75-б.

⁶³ Ўша асар. 74-б.

⁶⁴ Ўша асар. 51-б.

⁶⁵ Ўша асар. 64-б.

⁶⁶ Ўша асар. 52-б.

даъволари ёлғону бўҳтондир, сўзларию ишлари ўзларига мувофиқ” лилигини⁶⁷ алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, Замахшарийнингadolat ва ҳақиқат тўғрисидаги “*Куёши нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чирогини ҳам сўндириб бўлмас*”⁶⁸, “*Адолат сувига тўлиб-тошган булоқ сайқалланган кўзгудан софроқ, сўзни мўлжалга урадиган балиғ (мукаммал, етук) тилдан ўткирроқдир*”⁶⁹ каби фикрлари унинг бу борадаги қарашлари нақадар асосли эканлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам Замахшарий инсонларни комиллик йўлида “*Адолат билан бирга бўлиб, зулмдан чекин*” ишга⁷⁰ даъват этади.

Замахшарийнинг инсоний фазилатлар ҳақидаги қарашлари қўйидаги афоризм билан муштараклик касб этади: “*Адолат ҳақиқатни айтиши ва тинглашдан бошланади*”. Бу сифат инсон маънавиятининг муҳим кўрсатгичи, комиллик белгисидир.

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ АСАРЛАРИДА

ҲАЁ – ШАҲС КАМОЛОТИНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

Инсоният тамаддуни тарихида муҳим давр – Шарқ Уйғониш даври саналган VIII-XV асрлар барча фанлар кенг ривож топган давр сифатида аҳамиятлидир. Айнан шу даврларда Шарқда илм-фан, маданият ва санъат юксак даражада ривож топди ҳамда жаҳон маданияти ва санъати, илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган мутафаккир олимлар етишиб чиқди. Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Мирзо Улуғбек каби буюк алломалар ўзларининг маънавий интилиши, илмий фаолиятининг йўналиши жиҳатидан бир-бирига узвий боғлиқ

⁶⁷ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 53-б.

⁶⁸ Ўша асар. 60-б.

⁶⁹ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 95-б.

⁷⁰ Ўша асар. 83-б.

бўлиб, улар жаҳон цивилизацияси тарихида, жумладан, Шарқ маданияти тараққиётида муҳим ўрин эгалловчи шахслар саналади. Бу узвийликни, аввало, одамийлик ва ахлоқий фазилатларда кўриш мумкин. Зеро, ҳам олим бўлиш, ҳам одам бўлиш юқорида номлари зикр этилган алломаларнинг зийнатлари саналган. Уларнинг илмий меросида инсон маънавияти ва ахлоқ-одобига оид нодир битиклар мавжуд. Улар қолдирган нодир меросга ворислик биз учун қанчалик ифтихор бўлса, шунчалик масъулият ҳамдир.

Олимларнинг эътирофига кўра, XXI аср цивилизациясини Ғарбнинг техник тараққиёти ва Шарқнинг ахлоқий тараққиётининг қўшилиш омили таъминлайди. Бу фактнинг ўзи шарқий ахлоқ-одоб, қоида ва тамойилларнинг ўзига хос эътироф этилишидир. Демак, бугунги кунда баркамол шахс тушунчаси билан бевосита боғлиқ бўлган ватанпарварлик, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабртоқат, адолат, эркинлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, биродарлик, маърифат туйғулари ўз вақтида ўтмиш мутафаккирлари томонидан ҳам юксак даражада ривожлантирилган.

Шахс камолотини белгилаб берувчи қатор омиллар мавжуд, бироқ уларнинг орасидан бирламчиларини ажратиб олиш қийин эмас. Шахснинг энг юксак ахлоқларидан бири бу ҳаё бўлиб, у ўз соҳибини доимо яхшилиқ қилишга ва ёмонликдан четланишга ундан турувчи қудратли ва таъсирчан воситадир.

Ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган мазкур сўзнинг луғавий маъноларини билиш мақсадида икки тилли луғатларга мурожаат этадиган бўлсак, “ҳаё” сўзи “уят”, “номус”, “камтарлик”, “камсуқумлик” каби маъноларни англатади⁷¹. Аслида ҳам “ҳаё” сўзини у англатган маънолардан айри ҳолда тасаввур этиш қийин. Чунки айнан ҳаёли инсондагина уят, номус, камтарлик, камсуқумлик каби фазилатлар мужассам бўлади. Бу борада хоразмлик аллома Маҳмуд Замахшарийнинг ахлоқшуносликка оид асарлари алоҳида аҳамиятга эга. У ўзининг нодир асарларида ҳам айнан ҳаё одобига доир қатор фикрлар билдирилган. Жумладан, Замахшарий ўзининг “Олтин шодалар” асарида инсондаги ҳаё нақадар гўзал фазилат

⁷¹ Аҳ-На‘им. Арабча-ўзбекча луғат. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 2003. – 209-б.

эканлигига ургу берган ҳолда “... уялган, қимтинган ҳолатда пешонадан тошиб чиққан терлар кўтарилган буруннинг “кўрк”идан чиройлироқдир”⁷², дейди.

Дарҳақиқат, ҳаё одоби бежизга пайғамбарлардан қолган мерос сифатида қадрланмайди. Сабаби пайғамбарларнинг ўз умматлариға айтган гаплари ичида то бугунги инсонларгача етиб келган меросларидан бири ҳам ҳаёдир. Зоро, Пайғамбаримиз ҳазрати Мұхаммад Мұстафо(с.а.в.)нинг ҳадиси шарифларида айтилганидек: “Ҳаё иймон шохчаларидан биридир”. Расулуллоҳ (с.а.в.) беҳаёлик инсон учун ҳалокат экани тўғрисида хабар бериб: “Аллоҳ агар бир бандани ҳалок қилишини истаса, ундан ҳаёни суғуриб олади”, деб уқтиради, яъни ушбу ҳадиси шарифда ҳаё тирикликнинг мухим шартларидан бири сифатида эътироф этилади.

Гўзал хулқ рамзи бўлган ҳаёning ҳар қандай молдан яхшироқ эканлигини бот-бот такрорлаган ҳолда Замахшарий шундай дейди: “Гарчи мешингда бир қултум сувинг бўлмаса ҳам ор-номусингни бутун бўлиши – юздаги ҳаёning бир парчасидан маҳрум бўлиб, бутун денгизни кўлга киритганингдан яхшироқдир”⁷³. Донишмандларнинг “Агар ҳаё қилмасанг, хоҳлаган ишингни қил”, деган иборалари бежизга айтилмаган. Ҳаё борки, инсон ўзини нотўғри, ножўя ва ёмон ишлардан тияди.

Замахшарий бобомиз ўзининг “Нозик иборалар” асарида айтганидек, “Гўзал сифат ва ҳусни хулқ сийратлари безамаган кишини ҳеч қандай чиройли кийимлар кўркам қилолмас”⁷⁴. Чунки зоҳирий гўзаллик ботиний гўзалликсиз мавжуд бўла олмайди. Зоҳирий гўзаллик умрининг қисқа ёки узун бўлиши ҳам айнан ботиний гўзалликка боғлиқ. Аллома Замахшарий таърифлари билан айтганда “Ҳеч кимсанинг гўзал ҳайъат суврати (юз-кўзию ташқи қиёфаси) унга иззат-икрому обрў-эътибор олиб келмас, аксинча, кўп ночор, камсуқум кўринишили-ю, эски кийимдаги кимсалар ўз фазилатлари билан улардан (кўркам кўринадиганлардан) устун

⁷² Фозил Зоҳид. Замахшар тасбеҳи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 36-б.

⁷³ Ўша асар. 36-б.

⁷⁴ Ўша асар. 74-б.

*келур*⁷⁵. Шунингдек, аллома ўз асарларида яна бир фикрни илгари суради: “*Одамнинг сиртию ботини тўғри, саломат ва тузук бўлсагина, унинг зоҳири ҳам сахий ва салим (тўғри) бўлур*⁷⁶.

Махмуд Замахшарийни ўз устози сифатида эътироф этган буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳам ўз назмий сатрларида инсондаги иймон биноси уч қисмдан иборат бўлади, дейди ҳамда уларнинг биринчиси сифатида ҳаёни тилга олади:

“Уч қисм ила иймонга бино фаҳм айла,
Аввалгисини анинг ҳаё фаҳм айла,
Иккинчиси даги вафо фаҳм айла,
Учинчини билмасанг, сахо фаҳм айла”

Тўртликда айтилганидек, адабнинг энг биринчи шарти – ҳаё, ўзини иймонли сановчи инсон қалбидаги ҳаё, вафо ва сахийлик каби гўзал фазилатлар жо бўлиши лозим. Зоро, айнан ҳаё инсон поклигининг илк белгиси, унинг камолотини белгиловчи мезони ҳисобланади. Қолган яхшиликлар ундан униб чиқади.

ЗАМАХШАРИЙ АСАРЛАРИДА САБР ВА ҚАНОАТ ТУШУНЧАЛАРИ ТАЛҚИНИ

Сабрни сен ўзингга айла тортиқ,
Сенга сармоя йўқдир андин ортиқ.
Фаридиддин Аттор⁷⁷

Барча замонларда сабр ва қаноат инсоний фазилатларнинг энг қадрлиси сифатида эъзозланиб келинган. Шунинг учун ҳам қўплаб алломалар инсонларда тарбияланадиган бу фазилат ҳақида классик мақомдаги асарлар яратганлар. Кайковус, Форобий, Саъдий,

⁷⁵ Абу-л-Қосим Махмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 72-б.

⁷⁶ Ўша асар. 52-б.

⁷⁷ Фаридиддин Аттор. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Эргаш Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 147-б.

Авлонийлар томонидан яратилган асарлар шулар жумласидандир. Айниқса, аллома Махмуд Замахшарийнинг сабр ва қаноат ҳақидаги қарашлари бугунги кунда ҳам ўзининг маънавий-маърифий аҳамиятини йўқотган эмас. Зеро Замахшарийнинг таъбирича, “*рутбаларнинг юксаги қаноатдир*”.

Дарҳақиқат, “*Сабрнинг таги сариқ олтин*”, “*Сабр қиласанг, ғўрадан ҳалво битади*” каби ўзбек ҳалқ мақоллари асрлар давомида сабр ва қаноатнинг нафакат у ёки бу кишининг шахсиятида, бутун инсониятнинг тарихий қадрияти сифатида шаклланган. Шунинг учун ҳам Махмуд Замахшарий ўзининг дидактик аҳамият касб этувчи “Атвоқу-з-заҳаб” (“Олтин шодалар”) номли асарида “*Қаноат юксак чўққига кўтарилишинг сабаби*”⁷⁸ эканлигини таъкидлайди.

Инсоннинг моддий ҳолати қандай бўлишидан қатъи назар Махмуд Замахшарийнинг айтишича, “*Қашишоқнинг қаноати, гарчи унинг (қашишоқнинг) юзлари тупроққа беланиб, йиртиқ-ямоқ кийимда бўлса ҳам, уни сенинг кўзингга шоҳона либосда кўрсатади. Бойнинг ўлгудай очкўзлиги эса, гарчи у олдингда зар кийимларда турган бўлса ҳам, уни сенинг кўзингга бечора, увадаси чиққан ҳолда кўрсатади*”⁷⁹. Бу фикрлар билан Замахшарий, аввало, меҳнатни, меҳнат кишисини қадрлаш ғоясини илгари сурган бўлса, иккинчи навбатда, бойлик орттиришга нисбатан нопок ҳаракатлар туфайли бой кишининг “зар кийимлар”и “увадаси чиққан”дек кўринишига ишора қилиб, одамларни сабр-қаноатли бўлишга чақиради.

Замахшарий томонидан тавсифланган сабр ва қаноат фазилатлари кейинчалик ҳам фозилу алломалар томонидан кўп бора тилга олинган. Жумладан, Махтумқули ҳам ўз шеъриятида шу масалага оид қарашларини баён этган. Унинг

*Ўз ризқига ҳеч қаноат этмаган,
Термулар, киши ошига зор бўлар...*

каби мисралари фикримизнинг далилидир.

⁷⁸ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 104-б.

⁷⁹ Ўша асар. 104-б.

Замахшарий ўзининг дидактик қарашларида инсон руҳиятида мавжуд бўлиб, унинг фаолиятини “бошқарадиган”, турли хатти-харакатларга йўналтирувчи иллатлар айнан сабри, қаноати заиф кимсалардагина содир бўлиши мумкинлигини уқтиради. Шундай иллатлардан бири енгил-елпи ҳаёт кечиравчиларга нисбатан унинг “*Ўйин-кулгуни улфат тутадиган кимса ҳеч қачон машаққатларга сабр қилувчи кишидек бўлмас*”⁸⁰, – деган фикри ғоят ибратлидир.

Маҳмуд Замахшарий сабр-қаноат ҳақида фикр билдиран экан, бу фазилатнинг мазмуни ва моҳиятига, сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Зеро, фақат сабр ёки қаноат билангина инсон ҳаёти фаровон бўлиб қолмайди, сабрли киши фақат шу фазилати учунгина комил бўлиб қолмайди. Маҳмуд Замахшарий ҳақли равишда “*Зийрак, мулоҳазали, сабрли киши дунё ва охиратда фойдаси бор ишда ҳеч тўхтамас*”⁸¹ лигини уқтириб ўтади.

Ҳақиқатан ҳам сабрли киши атрофдаги воқеа ва ҳодисаларни диққат билан кузатиб, жараёнларга зийраклик билан баҳо бериб, мантиқий мулоҳаза юритибгина, нафақат ўз манфаати, аввало, ўз оиласи, қолаверса, жамият учун нафи тегиши мумкин бўлган хulosага келиши, қарор қабул қилиши мумкин.

Барча замонларда инсонлар бир-бирлари билан, кенг маънода миллатлар, мамлакатлар, диний эътиқодларга кўра бир-биридан фарқланувчилар дўстона муносабатда бўлишларига катта эътибор қаратилган. Зеро, мамлакатлар, минтақалар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш тараққиётнинг муҳим шартларидан биридир. Шунинг учун ҳам ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол шахс сифатида шаклланиши учун бир қатор ижобий сифатлар қатори сабр ва қаноат ҳам унинг маънавиятининг муҳим компоненти саналади. Шу маънода ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим муассасасаларида дўстона муҳитни яратишга йўналтирилган дастурлари диққатга сазовордир.

Бугунги глобаллашув ва интеграциялашув жараёнида сабр ва қаноатга асосланган дўстлик ва дўстона муносабат тараққиётнинг

⁸⁰ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 91-б.

⁸¹ Ўша асар. 91-б.

муҳим омилларидан бирига айланди. Айрим ҳолларда дўстининг душмани билан мулоқотини кўрган кишилар душманлари сафига яна бир душманни, яъни ўша дўстини ҳам қўшилишига сабрсизлиги, вазиятни мулоҳаза билан баҳолашга қодир эмаслиги билан сабабчи бўладилар. Бу борада Маҳмуд Замахшарий шундай дейди: “*Душмани ҳам дўстининг ёнидан жой олган киши одамларнинг энг тоқатлиси*dir. Энг тоқатли инсон душманини сўкмайди, маломат қилмайди, балки унинг жазосини гуноҳига ҳавола қилиб қўяди, озорларини елкасида кўтаради. У шундай кишики, Оллоҳ унинг қалбини кек-гинадан саклаган, балки соғлом аҳду паймонни унга жойлаган”⁸². Айтилганлардан англаш мумкинки, маънавиятли кишилар сабр-тоқатли, кечиримли бўладилар. Ўзаро гина-кудуратларни авж олишига, уни ёру биродарлар, қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар ўртасида газак олишига йўл қўймайдилар, сабр ва қаноат билан муроса чораларини излайдилар. Бугунги кунда Миллий телерадиокомпаниянинг турли каналларида берилаётган ижтимоий муаммолар яқинлар билан муносабат ва мулоқотда айнан сабр-тоқат, кечиримлилик каби сифатлар танқислиги натижасида юзага келмоқда.

Дунёning айрим ҳудудларида содир бўлаётган баъзи нохуш воқеликлар, урушларнинг сабаби ҳам, аввало, инсонлар, миллатлар ва мамлакатларнинг ўзаро дўстона муҳит тенденцияларига амал қилмаслик, бошқаларда кузатилаётган, аслида ўткинчи ҳамда маълум вақт ўтгач ижобий ечим топадиган айрим жиҳатларга нисбатан сабр ва тоқатли бўла олмаслик оқибатида содир бўлмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёsat биз тилга олган концепция асосига қурилганлигини, бу борада тарихий тажриба ва қадриятларга, аждодларимиз томонидан баён этилган, жумладан, Маҳмуд Замахшарий илгари сурган ғоялар асосида олиб борилаётганлигини эътироф этиш алломанинг нақадар донишманд бўлганлигидан далолат беради.

Маҳмуд Замахшарийнинг сабр ва қаноат борасидаги қарашлари, айниқса, аҳмок ва тоқатсиз кишиларга ибратлидир.

⁸² Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 38-б.

Аллома айтадики, “*Табиати тоза ва тўгри, қадри баланд ва беозор бўлган оқил ҳар қандай ҳолатда балога сабр қиласди, ахмок эса балога тоқатсизлигини турли баҳоналар билан оқламоқ истайди*”⁸³, яъни қадри баланд инсонларнинг сабру қаноат борасидаги ибратли хатти-ҳаракатлари сабрсизларга намуна бўлишини эътироф этади.

Махмуд Замахшарийнинг сабр ва қаноат ҳақидаги қарашларига ҳамоҳанг тарзда бошқа алломаларнинг битиклари ҳам диққатга сазовордир. Хусусан, бу ғоя Мир Алишер Навоий ҳазратлари томонидан ҳам гўзал мисраларда ривожлантирилган. Навоий бобомиз айтадики:

*Сабр била боғлиғ иши очилур,
Ишда ошуққон кўп тойилур,
Кўп тойилғон кўп ииқилур.*

Ўзбек адабиёти тарихида ўзининг масалчилик асарлари билан ўчмас из қолдирган Гулханий ҳам Замахшарий ўгитларидан илҳомланиб, сабр ва қаноат ҳақида кўплаб асарлар битган. Ўз асарларининг бирида Гулханий шундай дейди:

*Сабр била баста эшикдир күшод,
Сабр била топди эронлар мурод,
Сабр сенинг дардингга дармон бўлур,
Шўра замин богила бўстон бўлур.*

Сабр ва қаноат инсонларнинг ҳаёт тарзига айланиши бу ҳақда турли ривоятлар ва мақоллар тўқилишига сабаб бўлган. Зоро, ривоятлар ва мақолларнинг асл мақсади инсонларни эзгуликка чорлаш, маънавиятни тарғибот қилишдан иборат. Шу маънода

*Тоқатлига тоғлар эгар бошини,
Тоқатсизнинг итлар еяр ошини*

тарзидаги ўзбек халқ мақоли Махмуд Замахшарийнинг сабр ва қаноат ҳақидаги панд-насиҳатлари асосида юзага келган бўлиши мумкин.

⁸³ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 76-б.

Ислом дини тарихида, унинг фалсафасида диний ва дунёвий билимларни муштаракликда эгаллаш комилликка етакловчи энг ишончли йўл сифатида кўрсатилади. Шу маънода Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларидан ҳам сабр ва қаноатнинг мазмуни, моҳияти, таърифи, талқини ва тавсифларига оид ноёб мерос қолди. Олим ўзининг 36 жуз(жилд)лик “Ҳадис ва ҳаёт” асарида ислом динида илгари сурилган, буюк муҳаддис имом Ислом Бухорий томонидан тизимлаштирилган ҳадисларга янгича талқин ва тавсиф бериб, унда сабр ва қаноатга алоҳида тўхталиб ўтган. Шайх ҳазратлари кишилар томонидан сабр талабларига амал қилиш учун инсон ўзини тутиши лозим бўлган ҳолатлар ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этиб, сабрнинг таърифида айтилган қўйидаги фикрларни келтириб ўтади:

- *Сабр нафсни қайғу ва аччиқланишдан, тилни шикоятдан, аъзоларни ташвишдан тутиб туришидир.*
- *Сабр нафснинг фозил ахлоқларидан бири бўлиб, қилиниши яхши ва гўзал бўлмаган нарсалардан сақланишдан иборатдир.*
- *Сабр бало етганда гўзал одоб ила туришидир.*
- *Сабр изтироб пайтида қалбнинг собит туришидир*⁸⁴.

Кези келганда алоҳида таъкидлаш жоизки, айримлар сабр ва қаноат фақат йўқчиликда, ночорликда, ташвишли кунлардагина керак бўлади, деган фикрда бўладилар. Юзаки қараганда шундай туюлади ҳам. Бироқ сабр ва қаноат инсониятнинг барча қатламлари учун керак бўлган фазилатдир. Бунга ҳаётда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Биргина мисол, бой-бадавлат оиласда вояга етган ҳамма фарзандлар ҳам оқил бўлавермайди. Бунга, аввало, бевосита ота-оналарнинг, болаларнинг зийраклиги, мулоҳазалилигидаи нуқсонлар, кенг маънода уларнинг педагогик компетентлилиги пастлиги, ўзига хос қунт, сабр билан бу борадаги билимларини оширишга ҳаракат қилмаслиги, натижада уларнинг болалари борига сабр, шукр қилиш ҳиссидан бебахра бўлиб, ортиқча ҳаваслар оқибатида ёмон йўлга кириб кетиш ҳолатлари кузатилади. Демак, “*сабр доим керак.*

⁸⁴ Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 34-жуз. Яхшилик ва ахлоқ китоби. – Т.: Шарқ, 2012. – 280-б.

*Яхшилик етганида ҳам, ёмонлик етганида ҳам, зарар-камчилик пайтида ҳам, фойда-борчилек пайтида ҳам. Йўқчиликка сабр қилиш осон. Аммо борчилек, тўқчиликка ҳамма ҳам сабр қила олмайди. Аслида эса банда оғир пайтда бардош билан, неъмат етганида эса шукр ва яхшилик билан сабр қилиши керак*⁸⁵. Шунинг учун ҳам халқимиз сабр-қаноат тарбиясида “Сабрнинг таги сариқ олтин”, деган нақлга амал қиласди.

Яна бир мулоҳаза: сабрни фақат ижобий фазилат тариқасида талқин этиш билан кифояланиб бўлмайди. Сабрнинг замирида муайян мақсадларга интилиш, ҳаёт тарзини яхшилашга ҳаракат қилиш каби маъно мавжудлигини англамоқ лозим, яъни “*сабр ҳам, кўпчилик хаёл қилганидек, салбий маънода, яъни нима бўлса ҳам сабр қиляпман, деб жум, ҳаракатсиз туриши эмас, балки Аллоҳнинг айтганини бажарии жараёнида дуч келадиган машаққатларни енгишдаги сабрdir*

⁸⁶. Айримлар “Куним ўтаяптику”, – деб, билаги кучга тўлган йигитлар эса “Отам топгани етиб турибдику”, – деб юришлари асло сабрга кирмайди. Буни танбаллик, ишёқмаслик, дангасалик каби таърифлар билан талқин қилинса тўғри бўлади.

Махмуд Замахшарийнинг сабр ва қаноат ҳақидаги қарашларини таҳлил қиласар эканмиз, аллома ўз ғояларида шу йўсиндаги мазмунни илгари сурганини гувоҳи бўламиз. Шу маънода замонавий таълим тизимида баркамол авлод тарбиясида Махмуд Замахшарийнинг илмий меросини комилликка етакловчи тизимнинг концептуал асосининг таркибий қисмларидан бири сифатида эътироф этиш ўринли. Қолаверса, бу асос шу йўналишда амал қилиниши лозим бўлган ишончли ёндашув ҳисобланади.

Тарихдан маълумки, Махмуд Замахшарий Куръони карим тафсирини мукаммал талқин этган муфассирлар учлигидан ўрин олган ҳамда буюк муфассир сифатида бой илмий-маънавий мерос қолдирган. Шунинг учун ҳам унинг қарашлари ислом таълимотида илгари сурилган ғоялар билан муштаракдир. Зоро, “*Куръони каримда*

⁸⁵ Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 34-жуз. Яхшилик ва ахлоқ китоби. – Т.: Шарқ, 2012. – 284-б.

⁸⁶ Ўша асар. 285-б.

*сабрга даъват кўп тақрорланади. Чунки Аллоҳга тоатда ҳам, гуноҳдан сақланиши, йўлдаги тўсиқларни енгиш учун ҳам, заифлик келиб қолганда ҳам, ҳавои нафсни жиловлаш учун ҳам сабр керак*⁸⁷ лиги ислом таълимотининг ҳеч эскирмайдиган, инсоният, жамият борки барча замонларда, шу жумладан, бугунги кунда ҳам ўзининг тарбиявий аҳамиятини йўқотмайдиган қадрият сифатида эътиборлидир.

Қуръони каримдаги даъватларга муштарак тарзда ҳадиси шарифларда ҳам сабр ва қаноат хусусида ибратли фикрлар баён этилган, уларда айтилишича, “Ҳеч кимга сабрдан кўра яхшироқ ва кенгроқ ато берилмаган”.

“Сабр Аллоҳ таоло томонидан бандага инъом этилган энг катта ва кенг ато ҳисобланади. Сабрли киши ризқнинг озига ҳам, ўйқучиликка ҳам чидаб, ўзини хор қилмай, бошини тик тутиб кун кўради. Сабр неъматидан бебаҳра банда эса дунёning ярмига эга бўлса ҳам, тийиннинг устида ўмбалоқ ошиб, ўзини хор қиласди, очкўзлигини билдириб қўяди. Мусулмон одам унга Аллоҳ томонидан берилган етарли ризққа сабр қилиб, қаноатли бўлиб ўтса, дунёдаги энг катта нажотга эришган шахс бўлади. Ҳақиқий бойлик молу дунёning кўплигига эмас, нафснинг тўқлигига”⁸⁸. Бу сифат баркамол шахс тарбиясининг энг эътиборли жиҳатларидан биридир. Зоро, сабрсиз инсон ҳаётда бир нарсага эришиши жуда қийин. Шу сабаб ҳам сабр инсон ҳаётида улкан зарурият ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрларнинг таҳлиллари асосида қўйидаги хulosаларни илгари суриш мумкин.

1. Сабр ва қаноат кишилик жамиятининг барча даврларида эъзозланиб келинган ҳамда фақат ҳақиқий инсонларгагина хос фазилат ҳисобланади.

2. Сабр ва қаноат маънавияти юксак инсонларнинг шахсиятини тавсифловчи, уларни кўркам кишилар қилиб танитувчи ноёб фазилат бўлгани учун тарихий аждодларимиз, шу жумладан,

⁸⁷ Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 34-жуз. Яхшилик ва ахлоқ китоби. – Т.: Шарқ, 2012. – 286-б.

⁸⁸ Ўша асар. 286-б.

буюк аллома Маҳмуд Замахшарий ҳам ўз асарларида одамларни сабрли ва қаноатли бўлишга даъват этган. Бу борада ўзининг мушоҳадаси, ҳаётий тажрибасига асосланган ҳолда бугунги кунда ҳам ўзининг дидактик аҳамиятини йўқотмаган панд-насиҳатлардан иборат ўлмас илмий-маънавий мерос қолдирган. Улардан жамиятнинг замонавий таълим-тарбия талаб ва эҳтиёжлари асосида янгича ёндашув ва талқинларда оқилона фойдаланиш баркамол авлод тарбиясининг тарихий-миллий негизини мустахкамлашга хизмат қиласди.

3. Сабр ва қаноат тушунчаларига баркамол шахс тарбиясининг ҳам диний, ҳам дунёвий илмларига асосланган манбаи сифатида қаралиши лозим. Зоро, Қуръони каримда, ҳадисларда ҳамда бошқа тарихий манбаларда инсонларни сабр ва қаноатга даъват этувчи ғоялар бисёрлигини эътироф этиш жоиз.

4. Сабр ва қаноатни фақат ижобий сифат тариқасида қабул қилиб, уни дангасалик, танбалликни оқловчи чорлов, йўқчиликка қарши иродани ишга солган ҳолда ҳаракат қилишга интилмасликни биз илгари сураётган сабр ва қаноат ҳақидаги ғоялар билан бир хил маъно ва моҳият касб этишини англамоқ керак эмас. Кўп бора таъкидлаганимиздек, сабр ва қаноатни кенг маънода қабул қилмоқ лозим.



ЗАМАХШАРИЙ АСАРЛАРИДА ЯХШИЛИК ТУШУНЧАСИ



*Яхшилик қил, айла беминнат уни,
Роҳатинг тунларда тарк этмас сени.
Фаридиддин Аттор⁸⁹*

Инсоният тарихидаги энг қадими тушунча, таъбир жоиз бўлса, энг қадими зиддият яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги

⁸⁹ Фаридиддин Аттор. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Эргаш Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 158-б.

кураш шаклида яшаб келмоқда. Тарихий воқеликлар яна шундан далолат берадики, барча замонларда яхшилик ёмонликни енгиг келган. Бунга маълум маънода алломаларнинг, замонанинг илғор фикрли кишиларининг инсонларни яхшиликка чорловчи даъватлари ҳам муайян аҳамиятга эга бўлган. Замахшарийнинг “Навобиғу-л-қалим” ва “Атвоқу-з-захаб” асарларида ўз аксини топган ахлоқий қарашларида ибратомуз тарзда одамларни комилликка, яхшиликка, эзгуликка ундовчи фикрлар баён этилган. Унинг “Хайру эзгуликдан боишқа инсонга кўркамлик берадиган ҳеч нарса йўқдир”⁹⁰, – деган гаплари фикримизнинг яққол далилидир. Халқимиизда образли тарзда яхшилик қилган одам, албатта, унинг мевасидан манфаат кўриши хақида “Нимани эксанг, шуни ўрасан”, дейилади. Ўзининг дидактик мазмундаги асарлари билан жаҳон адабиётининг забардаст намояндлари қаторига кирган Фаридиддин Аттор ҳам ўзининг “Асрорнома” асарида бу борадаги қарашларини назмий тарзда қўйидагича баён этган:

*Бугун оз-оздин эккил яхшилик, бас,
Ёмон деб эртага номинг таралмас*⁹¹.

Маҳмуд Замахшарий ўзининг яхшилик хақидаги қарашларида шунчаки уларнинг турлари ва тавсифларигагина тўхталмаган, балки уларнинг мазмуни ва инсонлар ҳаётидаги ўрни ҳақида ҳам ибратли фикрларни билдирган. Шу маънода алломанинг “Кимники ҳимматию муруввами қанчалик кўп бўлса, шунга яраша одамлар унинг қайғусига шерик бўлар (ҳамдардлик билдирап)”⁹², – деган фикри эътиборга лойикдир.

Ўзгаларга яхшилик қилиш нафақат ўша кишига, балки унинг фарзандларига, кенг маънода жамиятга, инсониятга наф келтириши ҳақида фикр билдирап экан, Замахшарий шундай дейди: “Хайр-саховат ва фазилат соҳибининг фарзанди ҳурмат ва шону

⁹⁰ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шархлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 75-б.

⁹¹ Фаридиддин Аттор. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Эргаш Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 141-б.

⁹² Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шархлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 76-б.

*шарафга сазовор ва муносибдир, чунончи дур (инжу) садафга қараганда юқори дарајсададир*⁹³. Шунинг учун Замахшарий одамларни яхшилик қилишга, эзгуликка даъват этиб, “*Эзгулик, хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиларман, деган ўйлардан воз кеч, шайтон йўлдан урадиган шошма-шошарлик билан эмас, тафаккур ва идрок билан иштум*

⁹⁴, дейди.

Халқимизда “Бугунги ишни эртага қўйма”, деган нақл бор. Бу даъват фақат эзгу ишларга нисбатан айтилган. Бу барча ёшдагиларга тааллуқлидир, яъни ўқувчи дарсини вақтида қилиши, талаба берилган вазифаларни вақтида топшириши, ишчи ва хизматчилар вақтида малакали хизмат кўрсатишлари ва ҳ.к. Маҳмуд Замахшарий яна шуни эслатадики, бу ишларни шунчаки вақтида бажариш эмас, уларга масъулият билан ёндашган ҳолда сифатли бажариш лозимлигини ҳам уқтиради. Бу даъват ҳам диний, ҳам дунёвий таълимотда бирдек аҳамиятлидир. Дарҳақиқат, муқаддас динимиз Ислом динида ҳам яхшиликка буюриш ҳар бир мусулмон эр ва муслима аёлга фарз қилинган. Вақтида қилинган яхшилик инсонни ҳаётлигига ҳам, ундан кейин ҳам унга зийнат бўлиб қолиши уқтирилади. Шунинг учун марҳумларни зиёрат қилганда, уларнинг тириклиқ даврларида қилган яхши амалларидан ҳосил бўлган савоблар ўзларига йўлдош бўлишини тилаб дуо қилинади. Бунга ишора тариқасида Замахшарий шундай дейди: “*Ҳар бир тирик кимса вақти келиб вафот этади, бас шундай экан, энг яхши савоб ва солиҳ ишларни қилиш ўлаётган киши учун ўта савобдир*

⁹⁵.

Дарҳақиқат, алломанинг фикрларида катта маъно бор. Ҳадисларда ҳам яхшиликнинг катта-кичиғи бўлмаслиги такрор ва такрор айтилади. Жумладан, “*Яхшиликни ҳеч қачон арзимас деб ҳисоблама. Гарчи у биродарингни юзига табассум билан қарашиб бўлса ҳам*”. Замахшарийнинг фикрини яна бир ҳадиси шариф билан давом эттириш мумкин: “*Инсонларга ёмонлик қилишидан ўзингни тиясан. Бу*

⁹³ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалақ, 1992. – 76-б.

⁹⁴ Ўша асар. 63-б.

⁹⁵ Ўша асар. 67-б.

ҳам сендан садақадир”. Дарҳақиқат, инсонларга ёмонлик қилмаслик ҳам яхшилиkdir.

Маҳмуд Замахшарийнинг яхшилиknинг катта-кичиғи бўлмаслигига ишора қилиб, эзгуликни муттасил қилиш, улар йиғилиб-йиғилиб, катта бир хайр, яъни яхшилик булогига айланиши ҳақида гапириб шундай дейди: “*Аввал қилиб келган хайрлигу эзгуликларингизга кейин ҳам (яъни доимо) эзгулик қўшаверинг, чунончи қушнинг қанотидаги кичик патлари катта патларига мададкордир*”⁹⁶.

Замахшарий инсоният руҳиятидаги яхшилик қилиш (ёки унинг акси) йўлидаги иродавий жиҳатларни ҳам нозиклик билан илғайди ва бу фикрларни образли тарзда шундай ифодалайди: “*Хабар берайнми сенга, баҳтли, билаги нусрат билан тўйинган, яхшилиги ёмғирдек ёғилган жаноб ҳақида. Бу зотнинг маслаги мол тўплаб, қадрини топтаган кимсанинг йўлига хилофдир. У шундай жанобки, мол-дунёни қадрига қалқон қиласи ва хазина бонига: ҳожжатларни раво эт, тўхтама, дейди. Тарозибонига: оғир қилиб, мўл-кўл бер, дейди. У шундай инсонки, тоқати тоқ бўлиб, жазавага тушаётган нафсига: ўрнингда тур, мақталасан, изингдагиларга йўл бер, ардоқли инсонга айланасан, дейди*”⁹⁷.

Маҳмуд Замахшарий айни пайтда яхши фазиларлар борасида панду насиҳатлар бериш билан бирга ёмон иллатли одамлар ҳақида ҳам ўз фикрларини баён этади. Хусусан, аллома яхшилик ва эзгу ишларга қодир бўлмаган кимсаларга таъриф берар экан, “*Кимни кўлидан хайр-баракали ва пурҳикмат ишлар келмаса, унинг насабининг шарифлиги-ю, улуғлиги фойда келтирмас*”⁹⁸ лигига ишора қиласи.

Замахшарийнинг яхшилик ва эзгулик ҳақидаги фикрлари яна шуни англатадики, яхшилик beminnat, таъмасиз бўлмоғи лозим. Таъма билан қилингандай яхшилик юқмаслигига ишора қиласи ва

⁹⁶ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шархлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 50-б.

⁹⁷ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 26-б.

⁹⁸ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шархлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 73-б.

шундай дейди: “*Ёмонликка боғланган қалбда яхшилик турмайды, худди ёз томган вараққа сиёҳ юқмагани каби*”⁹⁹. Бу фикрнинг мантиқий давоми сифатида алломанинг “*Можаро билан кўрсатилган мурувват(яхшилик)да хайрлик йўқдир, гарчанд у (яъни яхшилик) чеълаклаб қўйган ёмгир мисоли кўп бўлса ҳам*”¹⁰⁰, - деган фикри ғоят ибратлидир. Шунингдек, унинг “*Ёмон, норасо эътиқод билан қилинган эзгу иши – сароб ва кул каби ҳеч қандай фойда бермайди*”¹⁰¹, деган фикри ҳам яхшилик беминнат қилиниши лозимлигини англаади.

Вақтида яхшилик қилишни билмаганларга нисбатан эса Замахшарий “*Солих амаллар қилмаган киши уругсиз экувчига ўхшайди, чунки (вақтида) экин экканларнинг омборлари тўла бўлур, экмаганники бўши бўлур (бунинг маъноси шуки, қиёматда ҳам, бу дунёда ҳам эзгу иши қилганлар ажр ва савоб олар, солих амали йўқ кишининг қўли бўши қолар)*”¹⁰², дейди. Шунингдек, яхшиликни ўрнида ва вақтида қилишнинг муҳимлигига ишора тариқасида қўйидаги фикрни билдиради: “*Ўз вақтидан кечикиб берилган инъом-эҳсон маҳкам тортилган занжир мисоли қаттиқ бўгувчиидир*”¹⁰³.

Замахшарийнинг нафақат яхшилик қилиш, балки ёмонликлардан йироқ юриш ҳам муҳим инсоний фазилат эканлиги ҳақидаги қарашлари эътиборга молик. Бу борада унинг “*Яхшиликни иродга қилувчи ҳар бир муттақий хайрни танлайди. Хира ранглардан очиқ рангларни афзал билади (яъни ҳалол ва ҳаромнинг чегараси аниқ ва очиқ экан, шубҳали амалларга яқин йўламайди), тутаб ётган ўтдан ўзини олиб қочади*”¹⁰⁴, деган фикри одамларни хушёрликка чорловчи даъват сифатида бугунги кунда ҳам муҳим маънавий-тарбиявий аҳамият касб этмоқда.

⁹⁹ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 38-б.

¹⁰⁰ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 77-б.

¹⁰¹ Ўша асар. 63-б.

¹⁰² Ўша асар. 74-б.

¹⁰³ Ўша асар. 61-б.

¹⁰⁴ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 99-б.

Маҳмуд Замахшарийнинг яхшилик ва эзгулик ҳақидаги яна бир фикрини алоҳида қайд этиш лозим. Унда аллома инсон, биринчи навбатда, ўз яқинларига – ота онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, қолаверса, қариндош уруғларига ёрдам кўрсатиш лозимлигини таъкидлайди. Ва аллома айтади: “*Баъзи одамлар ўз яқин қавм-қариндошлирига хайру эзгулик кўрсатмай, яқин(қариндош)лиги бўлмаганларга эҳсон қиласур – туяқуш ўз тухумларини ташлаб, боишқалар тухумларини босиб ётгани мисоли. Яъни, баъзи телба одамлар борки, ўз қариндош-уругининг ёрдамга муҳтожслигини кўра туриб, унга ёрдам қилмай, беҳуда ёту бегоналарга эҳсон қиласди*”¹⁰⁵. Имконияти бор кимсалар эса эзгулик ишларини кенг миқёсда қилишлари лозимлигини уқтириб, Замахшарий шундай дейди: “*Ҳоким(хўжас)нинг қулига, бой-бадавлат кишининг фақир бечорага хайру эҳсондан бошқа ҳеч бир фазилати йўқдир*”¹⁰⁶.

Фикримиз якунида Замахшарий қарашларига асосланган ҳолда яхшилик факат шоду хуррамлик келтиришини эътироф этган ҳолда алломанинг қуидаги фикрларини келтиришни жоиз билдик: “*Шод-хуррамлик ва ярамаслик эзгулик ва ёвузликка муқорана қилинди, яъни шод-хуррамлик эзгуликка, ярамаслик ёвузлигу қайгу ҳасратга муқорин (баробар) бўлди*”¹⁰⁷

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ ДЎСТЛИК ВА БИРОДАРЛИК ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

*Дўстлик соябонга ўхшайди,
ёмғир кучайгани сари унга эҳтиёж ортиб боради.*
Афоризм

Аллома Замахшарий ахлоқий қарашлари туфайли ҳаётлик давридаёқ бошқа бир қанча унвонлари қатори “Каъбату-л-адаб”, яъни “Адаб аҳли учун бамисоли Каъба” унвонига лойик деб топилган.

¹⁰⁵ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 58-б.

¹⁰⁶ Ўша асар. 77-б.

¹⁰⁷ Ўша асар. 66-б.

Шунингдек, юртимизда “маънавий етуклиқ тимсоли” сифатида қадр топган буюк олим сифатида эъзозланиб келинади.

Замахшарийнинг инсоний фазилатлар ҳақидаги қарашлари ҳали ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаган. Аксинча, дунё ҳамжамиятининг интеграциялашуви, глобаллашув шароитида нафақат алоҳида инсонлар, балки миллат ва элатлар, давлатлар, минтақалар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик муаммоси бугунги тинчлик-фаровонлик, тараққиётнинг муҳим омилларидан бири сифатида қадрланмоқда. Қолаверса, мамлакатимизда ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ буюк тарихий аждодларимизнинг асрлар давомида яратилган илмий, маънавий, маданий ва маърифий меросни ўрганиш ҳамда тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган аждодларимиз миллий бойлигимиз ва ифтихоримиздир. Шу маънода Маҳмуд Замахшарийнинг ахлоқий қарашларини ўрганиш, таҳлил қилиш, кундалик ҳаётимизга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Аллома Замахшарийнинг илмий меросига назар ташлар эканмиз, уни ташкил этувчи ҳар бир асар, у фаннинг қайси соҳасига мансуб бўлмасин, ахлоқ-одоб масалаларидан четда эмас. Сабаби Замахшарий ўз асарларининг муқаддима қисмида, албатта, турли йўналишдаги ахлоқий қарашларини баён этиб боради. Замахшарий ўзининг дидактик мазмундаги асарларида дўстлик ва биродарлик борасидаги ўз қарашларини ҳам ёзиб қолдирган. Масалан, аллома ўзининг “Атвоқу-з-заҳаб” номли асарининг 20-мақоласида биродарлик фазилатини шундай таърифлайди: “*Фақат саҳоват аҳлигина биродарликни мустаҳкамлайди. Улар билан хаста диллар тузалади, синган суяклар ямалади. Неъматлар узоқлашганда, улар шабада бўлиб, неъматларни сен томон ҳайдайди, чорлайди. Азобу уқубатлар тўп-тўп бўлиб ётирилганда, уларни сендан узоққа қувади, ҳайдайди*”¹⁰⁸. Аллома ўз фикрини давом эттирган ҳолда шундай дейди: “*Дўстлик ва биродарлик даъвосида бўлувчиларнинг тарозиси шундай нарсаки, у шиддатли,*

¹⁰⁸ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 39-б.

машаққатли бир ҳол бўлиб, ҳар қандай фарогату кенглиқдан холидир^{”109}. Дарҳақиқат, донишмандларнинг фикрича, ота – хазина, ака-ука – таянч, дўст эса ҳар икковидир.

Аллома дўстлик ва биродарлик каби фазилатларни шунчаки таърифлаш билан чекланмайди, балки унга амал қилишга чорлаб, ўзига хос усулда тавсия беради, насиҳат қиласди. Жумладан, “*То мұхаббат ҳалқалари мустаҳкам экан, дўстлик арқонини маҳкам тут. Бирор киши сенга нисбатан биродарона муносабатда событқадам экан, сен ҳам унга нисбатан биродарлик риштасини маҳкам тутган ҳолда боравер. Ҳаққа бўйсунгани, ҳаққа дўстни дўст тут. Айниқса, у ҳақиқатга ёндошадиган ваadolat учун ёру дўстлари билан курашадиган бўлса, ундан ажрама. Лекин борди-ю унинг сўзларидан фақат ноҳақликка ёндошии аломатлари сезилиб турса, у ҳолда ундаи дўстлардан узоқлаши. Зоро, ёмон улфат заҳри қотилдан ҳам ёмонроқдир*^{”110}.

Дўстлик ва биродарлик тушунчалари ҳадиси шарифларда ҳам улуғланган ва шарафланган. Зоро, дўстни кечириш ва уни ғойибона дуо қилиш, ундан узр сўраш, унга нисбатан ёмон гумонда бўлмаслиқ, йўқлигига обрўсини сақлаш дўстга берилиши мумкин бўлган энг муносиб ҳадядир, каби ҳикматга ҳамоҳанг тарзда Замахшарийнинг “*Ўз биродарингни янчилган мушкдан кўра ҳам хушибўй сўзлар билан мақтаб ёд эт, гарчанд у сендан узоқ шаҳарда бўлса ҳам*”¹¹¹, деган фикри ибратлидир.

Замахшарий ўзининг дўстлик ва биродарлик ҳақидаги қарашларида бу сифат дўстнинг фақат яхши томонларини қадрлаш, ундан манфаатдор бўлишдангина иборат эмас, балки ундаги айrim салбий ҳолатларни яшириш, вақти келганда муроса қилиш лозимлигини таъкидлаб, қуйидаги фикрни айтади: “*Мард ва олийжсаноб кишининг энг гўзал фазилатларидан бири ўз биродарининг айбларини бекитиб, унинг барча ишларини*

¹⁰⁹ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 73-б.

¹¹⁰ Фозил Заҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 27-б.

¹¹¹ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 50-б.

бамисоли ўзининг ишлари ўрнида кўриб иш тутшишидир”¹¹². Шунингдек, “*Ўз биродаринг сўзини сукут сақлаб тинглаб, унинг ҳурматини ўрнига кўй, гарчи уни эшишишга разбатинг ва майлинг йўқ бўлса ҳам*”¹¹³.

Аллома дўстлик ҳақидаги фикрларини давом эттирган ҳолда “*Аниқки, қийналган биродарингга ёрдам қўлини чўздинг – бамисоли чанқоқдан ёрилган лабга сув тутдинг, бамисоли иссиқда қовжираётган майсазорга тошқин булоқ сувини очдинг. Бу хайрнинг* (яъни сен қилишинг мумкин бўлган яхшиликнинг – Н.С.) *энг аълоси ва шарафлисиdir. Бу бардавом бўлишга, бир-бировга тавсия этишига лойик феълди*”¹¹⁴. Бу фикрлари билан Замахшарий дўстлик, биродарлик ҳақини адo этиш ҳар бир инсоннинг бурчи, имкон топиб унинг ҳожатини раво қилишга уринмоқ даркорлигига ишора қилади. Зеро, аллома айтганидек, “*Дўстларига энг ҳалим киши одамларнинг гаму ташвиш юкларига энг тоқатли кишиди*”¹¹⁵. Аслида кўнгли очиқ кимсаларгина чин дўстга сазовор бўла олади.

Шунингдек, аллома ўз асарларида таъкидлайдики, дўстликка хиёнат инсоният тарихида ҳам кўп бора учраган. Бу салбий ҳолатдан ҳеч ким ҳимояланмаганлигига, комил инсонларга хос ҳушёр бўлишга ишора сифатида Замахшарий инсонларни зийракликка чорлайди. “*Агар сенга нисбатан ўз биродаринг бирор хиёнат қилса, унга яқинлашишдан ўзингни тий, унинг макру ҳийласидан ўзингни мухофаза этишига ҳаракат қил*”¹¹⁶. Дўстлик қанчалик забардаст туйғу, инсоний фазилат бўлмасин, унинг ҳам ўз кушандаси бўлади ва хиёнат Замахшарийнинг талқинида шундай иллат сифатида қораланади. Шунинг учун ҳам халқлар ўртасида “*Дўстлик қоядир, уни фақат хиёнат парчалай олади*”, – деган афоризм қадрланади. Қолаверса, оқил кишигина доно, олижаноб ва ростгўйга дўст бўлади,

¹¹² Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 73-б.

¹¹³ Ўша китоб. 52-б.

¹¹⁴ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 29-б.

¹¹⁵ Ўша китоб. 38-б.

¹¹⁶ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 50-б.

ёлғончи, хиёнаткор ва фосиқдан қочади. Олийжаноб кишини ёмон иллатли кишидан ажрата олиш ҳам дононинг фазилатидир.

Замахшарий ўз қарашларида уқтирадики, синалмаган инсонлар билан дўстлашиб хатардан холи бўлмаслиги мумкин. Шунга ишора сифатида “*Кимлиги, ҳолати номаълум бўлса, идишидан ботил тўкилса, у дўстдан кеч. Ёмонга яқинлик ҳалокатли заҳардан ҳам зарарлироқдир*”¹¹⁷ эканлигини уқтиради. Бу фикрнинг мантиқий давоми сифатида аллома ўзининг “Нозик иборалар” асарида “*Агар ёмон йўлдошга эргаиссанг, унинг огуси билан заҳарланасан, яхиси унинг душманлари жумласидан бўл, шунда унинг огусию заҳматидан қутуласан*”¹¹⁸, деб насиҳат қиласди. Бу фикрнинг ибратли эканлиги халқ афоризмларида ҳам ўз аксини топган. Унда айтилишича, ким сенга ёмонлик қилишингда ёрдам берадиган бўлса, у сенинг душманингдир.

Махмуд Замахшарийнинг дўстлик борасидаги панду насиҳатлари орасида қуйидаги фикрни ҳам ўқиш мумкин “*Сизлар бир-бирингиз билан дўстсиз ва бир-бирингизга азизсиз, ваҳоланки бу бошингизга бирор бир ҳасталик, очлик ва бошқа баъзи мусибатлар тушибмаган пайтададир*”¹¹⁹. Алломанинг бу фикрларини Абу Али ибн Сино қарашлари билан давом эттириш мумкин: “*Агар дўстлик савдо-сотиқча ўхшаб, эҳтиёжсга қараб ахтарилса, зарурат туғилмаган чөгда дўстни назарга илмай, ташлаб кетилса, бу қандай дўстлик бўлди экан!*”.

Замахшарийнинг дўстлик ва биродарлик ҳақидаги қарашларида дўст бўлмаган кишиларни ўз дўстлари сафига қўшишга интилиш, соғлом муҳит, муносабат ила эзгуликка чорлаш каби ғоялари ҳам ўрин олган. Унинг фикрича, “*Дўстларига энг ҳалим киши одамларнинг гаму ташвиши юкларига энг тоқатли кишидир. Балки душмани ҳам дўстининг ёнидан жой олган киши одамларнинг энг тоқатлисидир. Энг тоқатли инсон душманини сўкмайди, маломат қилмайди, балки унинг жазосини гуноҳига ҳавола қилиб*

¹¹⁷ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 27-б.

¹¹⁸ Абу-л-Қосим Махмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 51-б.

¹¹⁹ Ўша асар. 53-б.

*қўяди, озорларига елкасида кўтариади. У шундай кишики, Оллоҳ унинг қалбини кек-гинадан сақлаган, балки соглом аҳду паймонни унга жойлаган*¹²⁰. Дарҳақиқат, инсон душманини дўстга айлантиришни истаб, қалбида душманликка жой қолдирмаслиги керак.

ЗАМАХШАРИЙ ТИЛ ҲАҚИДА

*Агар сўз сўзлассанг, хуши сўзла доим,
Ки, андин яхшилик бўлгуси қоим.
Фаридиддин Аттор*¹²¹.

Миллатни миллатлигини белгиловчи асосий кўрсатгич, шубҳасиз, унинг тилидир. Шу маънода ўзбек адабий тили дунёдаги энг бой тиллардан бири сифатида эътироф этилади. Унинг шевалар бўйича ранг-баранглиги ўзбек тилига алоҳида жозибадорлик, гўзаллик бахш этади. Ҳазрати Алишер Навоий ўзбек адабий тилини туркий тиллар ичидаги, “жаҳон тиллари сахнаси”даги нуфузини ўз асарлари билан исботлаб берди. Бироқ тилнинг мажозий маъноси ҳам борки, қайсики, жисм каби ишлатилувчи аъзомизга нисбатан қўлланиладиган бу атама кишиларнинг сўзлашув одобига алоқадорлик тариқасида талқин этилади. Бу борада аждодларимиз қатори хоразмлик аллома Махмуд Замахшарий ҳам ўз асарларида вақтида сўзлаш, вақтида одоб сақлаб, тилни тия билиш ҳақида бир қатор ибратли фикрлар билдирган. Жумладан, вақтида ва ўрнида гапириш ҳақида фикр билдириб, “*Кимки икки жаги орасидаги нарсани (яъни тилини) тиймаса, доим аттангда бўлади. У тилини вақтида сақлай олмагани учун гоҳ у ёнига, гоҳ бу ёнига ағдарилиб, тунларини уйқусиз ўтказади. Агар тили маҳзун (жисм) бўлганида эди, қалби маҳзун бўлмас эди. Тилни соқов қилишини*

¹²⁰ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 38-б.

¹²¹ Фаридиддин Аттор. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Эргаш Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 173-б.

*билмаган одамнинг жонини сақлаши узоққа бормайди*¹²². Бугунги кун нуқтаи назаридан айтадиган бўлсак, баркамолликнинг муҳим кўрсатгичларидан бири сўзлашиш одоби, яъни қачон, қайси сўз(гап)ни кимга, қандай қилиб айтиш лозимлигини билишдадир. Чунки сўзлашишнинг тармоқлари ва воситалари кенгайиб бориши баробарида (оммавий ахборот воситалари, интернет, мобил алоқа воситалари, виртуал оламнинг бошқа каналлари), биринчидан, тил меъёрларига амал қилиш, иккинчидан, сўзлашиш одоби, маданиятига бўлган эътибор кун сайин ортиб бормоғи лозим. Бироқ биз ишонч билан бу талаблар бажарилаётганлигини эътироф эта олмаймиз. Аксинча, тил меъёрларининг қўпол тарзда бузилиши миллий адабий тилимизнинг бузилишига олиб келаётганини, шеваларнинг аралашуви натижасида тушунарсиз сўзлашув амалиётлари юзага келаётганлигини кўришимиз мумкин. Шунинг учун ҳам баркамол шахс тарбиясида бу омилга жиддий эътибор қаратиш, айниқса, ўқувчи-ёшларнинг сўзлашув одоби ва маданиятини тарбиялашда тарихий қадриятларимиз, жумладан, Маҳмуд Замахшарийнинг тил ҳақидаги ўгитларидан ўринли фойдаланиш тавсия этилади.

Маҳмуд Замахшарий тилни тийиш ҳақида гапирав экан, бу нарсани бошқара олмаслик оқибатини шундай талқин қиласди: “*Агар тилингнинг ортиқча сўзлашига эга бўла олмасанг, унда тизгининг жиловини шайтонга топширган бўласан*”¹²³. Шунинг учун ҳам халқимизда “оз ва соз сўзлаш” ҳақида ибратли нақл мавжуд. Қолаверса, Замахшарийнинг таъбири билан айтганда, “*Кўп ортиқча сўзлашув эшитувчини ранжистар*”¹²⁴. Замахшарийнинг бу фикрини хитой файласуфи Лао Цзи “*Кўп гапирувчи киши кўп муваффақиятсизликка учрайди*” тарзида талқин этади.

Замахшарийнинг тил ҳақидаги ўгитларида ҳар бир сўзнинг мазмуни ва моҳиятини англаш, сўзлашдан олдин унинг маъносини сўзлашув мавзусига қанчалик монандлигига диққатни қаратмоқ лозимлигини эътироф этади. Чунки ўзбек тилидаги айрим сўзлар бир

¹²² Фозил Зоҳид. Замахшар тасбеҳи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 72-б.

¹²³ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 52-б.

¹²⁴ Ўша асар. 70-б.

нече маъно касб этиб, уларнинг мазмуни ва моҳияти гап (сўзлашув) контекстига кўра турлича талқин этилиши мумкин. Шу маънода Замахшарийнинг “*Кўп сўз-иборалар борки, одамларга улар фасоҳатли кўринса-да, Аллоҳ наздида улар номақбулдир, сўзловчини ҳам, эши тувшини ҳам мулзам қилур*”¹²⁵, деган гаплари ибратлидир. Зоро, ноўрин ишлатилган сўз туфайли ўзгаларга озор етказиш мумкин. Бу озор, маънавий жароҳатнинг асоратлари йиллар давомида сақланиши, айрим ҳолатларда умрбод унутилмаслиги мумкин. Бу борада Замахшарий шундай дейди: “*Кўпинча тил билан етказилган жароҳат қилич билан етказилган жароҳатдан оғирроқдир*”¹²⁶.

Махмуд Замахшарийнинг бу фикрлари ўзбек халқ мақолларида ҳам ўзига хос тарзда талқин этилган, яъни унда айтилишича, “*Қиличининг заҳри кетса ҳам сўзниңг заҳри кетмас*”. Шунинг учун ҳам халқимиизда тилни тийиш, ёмон сўз билан ўзгаларнинг дилига озор етказмаслик, сўзларнинг мағзини яхшилаб чақишга даъватлар мавжуд. Бу ҳолат ҳам Замахшарий эътиборидан четда қолмаган. Яъни аллома “*Кўп сўзлар борки, улар сени жсангу жадалга солиб, ҳалокатга гирифтор қиласди ёки улардан қайтарса ҳам елка чуқурингни гул каби қизарган ҳолга келтиргандан кейин қайтаради (яъни кўп машаққатлардан кейин)*”¹²⁷, деган ўгити билан инсонларни тилга нисбатан эҳтиёткор, эътиборли бўлишга чақиради.

Тил шундай қудратли қуролки, бу қуролни одамлар бутун ҳаёти давомида “елкаларида кўтариб юрадилар”. Ундан қандай фойдаланиш эса эгасининг одоби, маданияти ва маънавиятига боғлиқ. Бу ҳақда Замахшарий “*Қанча қуроллар бор, ўзларини кўтариб юрганларга: тушир мени (кўлингдан келмаса, нима қиласан мени кўтариб юриб), дейди. Қанча сўзлар бор, уларни айттаётганларга: кўй мени (эплолмасанг нима қиласан гапириб)*”¹²⁸, дейди.

¹²⁵ Абу-л-Қосим Махмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 58-б.

¹²⁶ Ўша асар. 58-б.

¹²⁷ Ўша асар. 58-б.

¹²⁸ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 109-б.

Махмуд Замахшарийнинг тил ҳақидаги фикрларида ундан ёмон ниятда фойдаланувчиларга нисбатан қатъий тарзда айтилганлари ҳам мавжуд. Аллома бу тоифадагиларга нисбатан “*Мисвоклар (тиш тозалагичлар) билан оғзингни тозаладинг, кошки энди бундан кейин сен оғзингни (яъни тилингни) бўхтон, ёлғон, гийбат сўзларни айтиши билан булгамассанг*”¹²⁹, дейди.

Яна бир мулоҳаза: ҳамма нарсада меъёр, ўлчов бўлади. Шунга кўра Замахшарий образли қилиб шундай фикрни баён этган: “*Тилнинг яхиси бежо сўздан тийилгани, гапнинг яхиси тарозида тортилгани*”¹³⁰. Аслида сўз тарозига қўйиладиган буюм бўлмасада, аллома унинг вазни нақадар салмоқли эканлигига ишора қилган ҳолда шундай фикрни илгари сурган. Шунингдек, Замахшарийнинг асарларида тилни тийишга даъват этувчи “*Олдин ўйла, кейин сўйла*”, “*Эй бўтам, тилингни ёмон сўзлардан сақла*”¹³¹ каби панду насиҳатларни ҳам учратиш мумкин. Аллома ўз асарларида, айниқса, ёлғон сўзлаш иллатини қаттиқ қоралайди. Шунга ишора тариқасида унинг “*Нима ҳақда ва нима учун гапираётганингнинг тадбирини қилмагунча оғзингдан бирор сўз чиқмасин*”¹³², деган гапи ёлғон ёки ножӯя сўзлашдан сақланишининг “рецепти” сифатида қаралиши мумкин.

Замахшарийнинг бу фикрига ҳамоҳанг тарзда Фаридиддин Атторнинг “Асрорнома” асаридаги тилни тийиш ҳақидаги ўгитлари ичида унинг

*Ёмон сўз айтма, ёлғон сўзлама, боқ,
Гуноҳ бўлгайму бундан ҳам ёмонроқ?*¹³³

*Тилингга бермагил эрк, ушла тилни,
Чу ўттиз тишила сен тишила тилни*¹³⁴.

¹²⁹ Абу-л-Қосим Махмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 62-б.

¹³⁰ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 102-б.

¹³¹ Абу-л-Қосим Махмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 79-б.

¹³² Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 109-б.

¹³³ Фаридиддин Аттор. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Эргаш Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 172-б.

¹³⁴ Ўша асар. 173-б.

*Фикр, андиша аввалдир, кейин сўз,
Савол кўп берма, камроқ сўзлагин сўз¹³⁵.*

қабилидаги гаплари хоразмлик аллома асарларида илгари сурилганидек, баркамол авлод тарбиясининг муҳим дидактик манбаи сифатида эътиборлидир.

Замахшарийнинг тилни ўрнида, белгиланган тартиб асосида ишлатиш ҳақидаги ғоялари кейинги асрлар давомида ўзбек халқининг энг илғор қатламлари, олимлари, ёзувчи ва шоирлари учун ҳам дастуруламал вазифасини ўтаб келган. Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий тил(сўз)дан ўринли фойдаланишнинг заргарона тавсифини бериб Замахшарий ғояларини ривожлантирган. Абдулла Қодирий айтадики, “*Йўсингиз равишда хотирага келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат саналмайдир, сўз – қолип, фикр эса унинг ичига қўйилган гишт бўлсин*”. Бу фикрлар бугунга келиб ўзининг аҳамиятини икки хисса оширди, дейиш мумкин. Чунки баркамол шахс тарбиясида ҳар бир омилни жиддий эътиборга олиш талаб этилади. Чунки оммавий ахборот воситаларининг тури ва тармоғи кескин ошиб бораётган бугунги кунда тил меъёрларига амал қилиш, Қодирий бобомиз таъкидлаганидек, тилни ўрнида ишлатиш борасида барча ишларимиз рисоладагидек деб айта олмаймиз. Бу омил баркамол авлод, айниқса, таъсирчан ўсмир ёшидаги ўғилқизларнинг тарбиясига салбий таъсир ўтказади.

Айrim оммавий ахборот воситалари, айниқса, радио ва телевидение бошловчиларининг сўздан фойдаланишларидаги нуқсонлар яққол кузатилаётган ҳозирги даврда Махмуд Замахшарийнинг юқорида тилга олинган “*Эй бўтам, тилингни ёмон сўзлардан сақла*”¹³⁶ каби насиҳатларини такрор ва такрор эслатиш фойдадан холи эмас.

Турли замонларда алломаларимиз кўп сўзлаш одобдан эмаслиги ҳақида ўз асарларида, дидактик қарашларида ишора

¹³⁵ Фаридиддин Аттор. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Эргаш Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 173-б.

¹³⁶ Абу-л-Қосим Махмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шархлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 79-б.

қилганлар. Айниқса, давраларда сўзлашиш ўзига хос меъёр ва одобни талаб этади. Шу маънода Маҳмуд Замахшарийнинг қуидаги фикрлари ибратлидир: “*Гапинг жимлиқдан афзал бўлса гапир*”¹³⁷, яъни аллома бу фикри акс ҳолда сукут саклаш ўша гапдан афзаллигига ишора қиласди. Шу фикрни давом эттирас экан, Замахшарий Аристотелнинг ибратомуз гапларини мантиқан ривожлантирган. Яъни Аристотелнинг “*Ақли калта кишининг, одатда, тили жуда узун бўлади*” шаклидаги гапини Замахшарий “*Гапнинг енгил-елни бўлиши ақлнинг озлигидан дарак*”¹³⁸ лигини уқтириб ўтади.

Баркамоллик сифатлари орасида тил ва дил бирлиги муҳим фазилат саналади. Замахшарий бу масалада ҳам маънодор фикрларни ёзиб қолдирган. Унинг “*Тилию дили тўғри ва ҳақгўй бўлган одамнинг хатою нуқсони кам бўлур*”¹³⁹, деган гаплари фикримизнинг далилидир. Дарҳақиқат, айрим кимсалар дилида бошқа мақсад муддао бўлса-да, тилида мутлақо бошқа гапларни айтади, ёлғон гапни ўзларининг нодонликларини яшириш, атрофдагиларни чалғитиш қуроли сифатида қўллайдилар. Бу ҳолат, шубҳасиз, атроф-муҳитда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан зийрак, муҳими яхшига ҳам, ёмонга ҳам тақлид қилувчи ёшлар дунёқарashi, ҳулқига таъсир ўтказмай қолмайди. Бу эса баркамол шахс тарбиясининг кемтик нуқтаси сифатида шаклланиб қолиш хавфи мажуд.

Шундай тоифа одамлар борки, улар ўз сўзларини саралаб, босиқлик ва вазминлик билан сўзлайдилар. Замахшарий бундай кимсаларни ақлли ва билимли кишилар санайди ва “*Гапирувчига ҳеч нарса вазминлик ва босиқликдек зийнат бўлолмайди*”¹⁴⁰, яъни аллома вазмин сўзлашни кишининг зийнати сифатида қадрлайди.

Педагогик тажрибаларимиз шуни кўрсатадики, назаримизда ўқувчи-ёшларнинг сўзлашув амалиётида айнан мана шу вазминлик,

¹³⁷ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 102-б.

¹³⁸ Ўша асар. 102-б.

¹³⁹ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 71-б.

¹⁴⁰ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 102-б.

босиқлик етишмаётгандек. Шошма-шошарлик билан, ўринсиз, муҳими ўзбек тилига ёт бўлган сўзлардан гап тузиш (баъзилар ишлатаётган айрим сўзларнинг маъносини билмайди) оқибатида сухбатдоши, атрофдагиларнинг дилини оғритиб қўйиш эҳтимоли мавжуд. Бу борада, яъни олдин ўйлаб кейин сўзлаш ҳақида Замахшарий айтадики, “*Тил шу дараҷада ўткирки, у наиза ўтмаган жойга ўтади, наиза санчилмаган жойга санчилади*”¹⁴¹.

Тил ва сўзлашув одоби ҳақида Замахшарий қанчалик ҳақ эканлиги кейинги даврларда ҳам кўп бора тилга олинган. Хусусан, Фаридиддин Аттор ўзининг “Асрорнома” асарида шундай дейди:

*Сўзинг гар илму донишга қовушгай,
Кўнгилга нури осоийи етгай*¹⁴².

Бу фикрни қозоқ маърифатпарвар шоири Абай талқинида ҳам кўриш мумкин. Абай айтади, “*Сўзни чертиб сўзлассанг, ҳар ким сийлар*”. Ёки Ларошфуконинг “*Катта ақлнинг фарқий белгиси оз сўз билан кўп нарсани айтишидир, калтафаҳм эса, аксинча, кўп гапириш ва ҳеч нарса айтолмаслик қобилиятига эга*”, деган фикрлари Замахшарийнинг ғоялари накадар ибратлилигини, улардан замонавий шароитда баркамол авлод тарбиясида ўринли тарзда фойдаланиш муҳим дидактик вазифа эканлигини англаради. Замахшарий бу ҳолатни шундай таърифлайди: “*Кўркам ҳаётнинг ҳосил бўлиб давом этишига сабаб бўлган нарса узоқ муддат сукут сақлашини ихтиёр қилишидир*”¹⁴³. Бунда сукут сақлаш деганда кераксиз сўзни айтишдан тийилиш назарда тутиляпти. Бу ҳам, бир неча бор таъкидлаганимиздек, баркамолликнинг муҳим сифати ҳисобланади.

Тарихий манбаларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, Замахшарийнинг тил ва ундан ўринли фойдаланиш ҳақидаги қарашлари бошқа манбаларда ҳам қайд этилган. Жумладан, ҳадиси шарифда ҳам “яхши гап сўзлаш ёки сукут сақлаш” сифати амаллар

¹⁴¹ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Муҳаррир, 2011. – 109-б.

¹⁴² Фаридиддин Аттор. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Эргаш Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 136-б.

¹⁴³ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шархлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 74-б.

ичида энг муҳими ҳисобланиши бот-бот тақорорланади. Дарҳақиқат, инсон қанча кўп гапирса, шунча кўп хато қиласди. Кўп гапирган одам ғийбат, ёлғон ва ҳатто тухматга ҳам ўтиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда айтилган фикрни инсон ҳар бир гапини ўйлаб кўриши ва уни яхши деб топса, кейин тилига чиқармоғи, аксинча бўлса, индамай туриши даркор, деб тушуниш мумкин.

Аллома Замахшарийнинг сукут сақлаш борасидаги фикрларининг давоми сифатида қуидаги ривоятни келтириш мумкин. Луқмони Ҳаким Довуд алайҳиссалом ҳузурига кирганида у зот совут тикаётган эди. Луқмони Ҳаким бундан олдин совут кўрмаган эди. Шу сабаб кўрганларидан таажжубга тушди. Бу ҳақда сўрашни ирова қилди, аммо ҳикматлари бундан тўсди ва ўзини тийиб, бу нарса нима эканлиги ҳақида сўрамади. Довуд алайҳиссалом ишларини тугатиб, совутни кийди ва Луқмони Ҳакимга қараб: “Совут уруш учундир”, деди. Шунда Луқмони Ҳаким ўзига-ўзи: “Сукут ҳикматдир”, деб уқтириди.

Донишманд Мавлиқ Ажлий деди: “Бир иш бор, мен йигирма йилдан бери унинг талабидаман. Лекин қодир бўлолмайман. Аммо унинг талабини ташламайман”. “Нима у”, деб сўрашди. “Ўзимга аҳамияти йўқ нарсадан сукут қилмоқ”, дея жавоб қилди. Бу борада Фаридиддин Атторнинг “Панднома” асарида айтилган гаплар ҳам ибратлидир, яъни у айтади:

*Кимки кўп сўйлар, гапи бисёр эмиш,
Кўксида қалби аниңг бемор эмиш¹⁴⁴.*

Фикримизнинг хотимасида Замахшарийнинг тилни меъёрида ишлатиш борасидаги қуидаги фикрини келтириб ўтиш ўринлидир: “*Ақдли, гофил кишининг (сукут сақлаб) жсим туриши ҳолати жоҳил, парицион кишининг узридан афзалдир*”¹⁴⁵. Шунингдек, тилдан чиққан маъноли ва ёқимли сўзларга ҳам Замахшарий томонидан жуда гўзал таъриф берилган: “**Тилингдан чиққан садақа**

¹⁴⁴ Фаридиддин Аттор. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Эргаш Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 201-б.

¹⁴⁵ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 55-б.

(яъни панду насиҳатинг ва мавъизаю ҳасананг) баъзан қўлингдан (мол-дунёнгдан) чиққан садақангдан кўра хайрлироқдир^{”¹⁴⁶}.

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ ОДАМЛАРДАГИ ИЛЛАТЛАР ҲАҚИДА

Тирик мавжудодлар ичида одамлар ҳам яхши фазилат, ҳам ёмон иллатга эгалиги билан ажралиб турди. Шунинг учун ҳам барча замонларда яхшилик билан ёмонлик қураши инсоният ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб келган. Бу қурашнинг келиб чиқиш сабаблари, уларга қарши қурашишга оид қарашлар барча замонларнинг илғор фикрловчи тараққийпарвар алломаларини ҳам ўйлантириб келган. Хоразмлик аллома Маҳмуд Замахшарийнинг “Навобигу-л-калим” ва “Атвоқу-з-захаб” номли дидактик асарларида айнан шу каби иллатлар борасида қатор фикрлар билдирилган. Мазкур асарларида аллома одамлардаги иллатларнинг энг ёмонлари сифатида ҳирс, тубанлик, хасислик, баҳиллик, миннат, риё, такаббурлик, ҳasad, адоват, хусумат, пасткашлик, зулм, фисқу фужур, бўхтон, ёлғон, ғийбат кабиларни айтиб ўтади. Бу иллатлар ичида ҳирсни биринчи ўринга қўяр экан, унинг мазмун жиҳатидан турли-туманлигини таърифлайди. Ҳирснинг қисқача таърифи Замахшарий тилидан “Ҳирс ҳарис(очкўз)ларнинг терисини емиради, номусларни қайчи қирққандек қирқади”¹⁴⁷ тарзида талқин этилади. Дарҳақиқат, “Ҳирс энг тубан тамаънинг энг яқинидир”¹⁴⁸. Ҳирс инсон номига номуносиб иллатлигини таъкидлаб, ундан фориғ бўлиш даъват ҳам Замахшарий асарларида қайд этилган. Жумладан, унинг “Номусли ҳирс ва тамаъдан поклаш уни ҳар қандай кир ва ёмон табиатдан сақлашдан кўра ҳам яхшироқдир”¹⁴⁹, деган фикри ибратлидир.

¹⁴⁶ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 57-б.

¹⁴⁷ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 104-б.

¹⁴⁸ Ўша асар. 104-б.

¹⁴⁹ Ўша асар. 104-б.

Дарҳақиқат, одамларни ўз исканжасига оладиган ҳирснинг кўлами кенг. Шу маънода Замахшарийнинг очкўзлик тарзида намоён бўлувчи ҳирс тўғрисида “*Таомга ортиқ дараҷада ҳирс қўйшилиқ худбину пасткаши кишиларнинг ахлоқларидандир*”¹⁵⁰, деб уқтиради.

Бу фикрни ривожлантириб Замахшарий яна айтади: “*Тубанлик ва хорлик эвазига топилган ором аччиқдир. Бўш қўйиб юборилган нафс шундай оромни излайди, очкўзлик билан унга ташланади, сира тўймайди*”¹⁵¹. “*Кимки ўз нафси балоси-ю, орзу-ҳаваси домига (исканжасига) тушиб қолса, у бешак ўзини-ўзи чуқур қаърига ташлагани муқаррардир*”¹⁵².

Одамларда учрайдиган иллатлар ичида хасислик ва пасткашлиқ ҳам жирканч иллатлар сирасига киради. Бу иллатлар ҳам Замахшарий томонидан қаттиқ қораланади. Унинг фикрича, “*Одамлар ичида энг ярамаси хасисидир, уларнинг ичидағи энг ялқови – пасткаши*”дир¹⁵³. Айниқса, алломанинг “*Ярамас ва хасис кишининг эшигини тақиллатишида сахий ва мўътабар кишининг озиқ тишини сугуриши билан баробар ранжу изза бордир. Яъни, сахий киши иши тушиб заруратдан хасис одамнинг эшигини қоқса, у буни ўзининг озиқ тишини сугуртиргандек озору азият чеккан ҳолда қиласи*”¹⁵⁴, деган гаплари хасис кишиларга берилган жуда ўринли таърифdir.

Сахий билан хасисни қарама-қарши қўяр экан, Замахшарий бу ҳолатни шундай таърифлайди: “*Ёмон, хасис киши ҳар бир тилда лаънатланади (маломат эшигади), сахий, карим киши ҳар жойда иззату икромда бўлади*”¹⁵⁵. “*Бахилу хасиснинг қўли оқармас, яъни бирор нарса беришига очилмас – токи тил билан қаттиқ сўз сўзланмагунча, тогдаги мавжуд бойликларни чиқариб бўлмас – токи лўм билан кучли зарба урилмагунча*”¹⁵⁶.

¹⁵⁰ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 60 б.

¹⁵¹ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 33-б.

¹⁵² Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 72 б.

¹⁵³ Ўша асар. 52 б.

¹⁵⁴ Ўша асар. 64 б.

¹⁵⁵ Ўша асар. 68 б.

¹⁵⁶ Ўша асар. 79 б.

Хасислик ва миннат ҳам одамларда учрайдиган иллатлар ҳисобланади. Шунинг учун Замахшарий ўз асарларида бу иллатнинг таърифига ҳам эътибор қаратган, яъни у айтадики, “*Икки нарса бир дарахтнинг бутогидир, яъни иккаласи ҳам бир хилдир: бирор нарса сўраганга (тилаганга) берса-ю, аммо кейин уни миннат қиласа, иккинчиси, ўзининг инъом-эҳсонини аяб, хасислик қиласа, чунончи Аллоҳ таоло наздида миннат билан бир нарса бериши ва хасислик қилиб бермаслик қабоҳатда баробар ҳисобланади*”¹⁵⁷. Зоро, ночорга бўлса-да, миннат билан берилган инъом тотли бўлмаслигига ишора қиласа экан, аллома “*Аллоҳ таоло ато этган турли неъматларнинг лаззати қудрат ҳолвасидан тотлироқдир. Аммо миннат бўлган ҳолатда эса закум (жашаннам дарахти) мевасининг ачигига қараганда ҳам аччик*”¹⁵⁸ лигини эътироф этади. Миннатнинг юки нақадар оғирлигини Замахшарий шундай таърифлайди: “*Тоғ тепасидаги қояларни кўчириши миннат эшиши юкларига нисбатан енгилроқдир*”¹⁵⁹. Шунингдек, миннат билан қилинган яхшилик, у ҳарчанд кўп бўлмасин, яхшилик саналмайди. Буни Замахшарийнинг “*Можаро билан кўрсатилган мурувват(яхшилик)да хайрлик йўқдир, гарчанд у (яъни мурувват, яхшилик) чеялакла қўйган ёмғир мисоли кўп бўлса ҳам*”¹⁶⁰, деган фикрлари ҳам исботлайди.

Замахшарийнинг одамлардаги ёмон иллатлардан риё ва такаббурликка қарши курашишга чорловчи даъватлари ҳам ибратлидир. Аллома айтадики, “*Риё бор ҳар қандай ишда раволигу зиё йўқ*”¹⁶¹. “*Мутакаббир одамнинг давоси димогидаги тақаббурликни йўқотиши билан ва кибру ҳавога ундовчи шайтонни бурун тарновидан кеткизиши билан бўлади. Бу ҳол шундайки, мутакаббир кишини ҳақорат қилиши, хўрлаш бирла бўлур, чунки шайтон унинг бурни олдида тақаббурликка ундар ва уни (шайтонни) қувлаб чиқариши бирла бу кулфатдан қутулар ва*

¹⁵⁷ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 61 б.

¹⁵⁸ Ўша асар. 62 б.

¹⁵⁹ Ўша асар. 75 б.

¹⁶⁰ Ўша асар. 77 б.

¹⁶¹ Ўша асар. 63 б.

шифо топар, башарти такаббурлиги кетмаса, унда ҳалок бўлиши мұқаррар”¹⁶².

Замахшарий одамлардаги ёмон иллатларни йўқотишда илму маърифат ва унинг эгаларининг ўрни муҳимлиги ҳақидаги фикрини қуидагича изоҳлайди: “*Илму маърифатли одам такаббурлик қилувчи доимо нодон кимсаларнинг бурнини тўзон-тупроққа тўлдирур*”¹⁶³. “*Такаббурлик ҳеч бир кимсанинг қадр-қиммати ва улугворлигини зиёда қилмайди, у бор-йўги довул ичидаги шамолдан бошқа нарса эмас*”¹⁶⁴.

Замахшарийнинг бу фикрлари Фаридиддин Атторнинг “Асрорнома” асарида шундай таърифланади:

*Эрурсен бир ҳовуч хоку тагайюр¹⁶⁵,
Тафаккур айлагил, бўлма такаббур¹⁶⁶.*

*Такаббурлик этиб, ҳаддингдин ошиб,
Юрарсен тўғри йўллардин адошиб¹⁶⁷.*

*Такаббурликни қўй, фикр айлагил, ҳай,
Бу йўлда эртага ҳолинг не бўлгай?* ¹⁶⁸

Такаббурлик ёмон якун топишини Замахшарий қуидагича изоҳлайди: “*Ўлим қанчадан-қанча такаббур одамлар бошларини чуқурга, яъни қабрга улоқтирган*”¹⁶⁹. “*Такаббурликни қанчалик хурсандлигу шодликка томон айлантиришига уринсанг ҳам асли лой бўлгандан кейин фаххар (кулол) сингари яна тупроқ (лой) ишиларига қайтиши мұқаррар*”¹⁷⁰.

¹⁶² Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 56-б.

¹⁶³ Ўша асар. 74-б.

¹⁶⁴ Ўша асар. 75-б.

¹⁶⁵ “*Тагайюр*” арабча сўз бўлиб, “ўзгариши”, “бошқа тусга кириши” деган маъноларни англаатади.

¹⁶⁶ Фаридиддин Аттор. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Эргаш Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 158-б.

¹⁶⁷ Ўша асар. 158-б.

¹⁶⁸ Ўша асар. 194-б.

¹⁶⁹ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 67-б.

¹⁷⁰ Ўша асар. 68-б.

Замахшарий кибрга берилган одамларга мурожаат этар экан, “*Эй, кибр соҳиби! Қимматбахо тошлиардан азизроқ бўлсанг-да, ҳақиқий инсонларга лойиқ бўлган ишларни бажо келтиргин*”¹⁷¹. “*Сенда икки ярамас одат мавжуддир: бири кибрлилик ва қалондимоглик бўлса, иккинчиси хасисликдир. Сен юрганингда тақаббурлик қилиб юрасан, муҳтож киши сендан бир нарса сўраса, йўқ, дейсан*”¹⁷², – деган даъватни илгари суради. Ҳасад шундай жирканч иллатки, у тўғри одамлар учун ҳам ташвиш келтиришига ишора тарзида Замахшарий айтади: “*Олийжаноб ва ҳимматли одамнинг гўштини ҳасад аҳли ейди, гўё қуртқумурсқалар арслон боласини егани мисоли*”¹⁷³. Аллома Замахшарийга ҳамфикр бўлиб, Фаридиддин Аттор ҳам бу ҳақда қўйидаги мисраларда қарашларини баён этади:

*Ҳасадга берма йўл, куйдиргуси ул,
Кўнгилни жонидин тўйдиргуси ул*¹⁷⁴.

Биз ким нима экса, шуни ўради, деган фикрга юқорида мурожаат этган эдик. Бу иборани Замахшарий таъбири билан айтганда, “*Кимки адовату хусуматни экса, албатта у ташвишу машаққат ўради*”¹⁷⁵.

Замахшарий одамларда учрайдиган иллатлардан ҳоли бўлиш йўллари ҳақида ҳам ҳикматли фикрларни айтиб ўтган. Унинг қўйидаги гаплари фикримизнинг исботидир: “*Ботилдан ва хусуматдан қўлингни торт. Жиддийликка қучоқ очиб, кенг ва равон йўлга талпин. Билгинки, Оллоҳ таоло сени улуғ ишлар учун яратди, бекорга эмас. Сени асл ва пок яратди, бузуқ ва ифлос эмас. Кошки бузуқ нафсинг асл ва пок фитратингни ўзининг ёмонликлари, кирлари билан булгамаганида! Қилмаслигинг керак бўлган ишларда тизгинингни қўйиб юбординг, суюнсанг сенга*

¹⁷¹ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 79-б.

¹⁷² Ўша асар. 75-б.

¹⁷³ Ўша асар. 68-б.

¹⁷⁴ Фаридиддин Аттор. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Эргаш Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 172-б.

¹⁷⁵ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 71-б.

*ајерлар ёғиладиган ишлардан юз ўғирдинг, ҳалокатга қўл чўзиб, энг ҳалокатли кунда асқотадиган улущингни зое қилдинг*¹⁷⁶.

Замахшарий одамларни гўзал хулқли бўлишга чорлаб, пасткашликини қоралайди ва “*Пасткашилик каби ёмонликка лойикроқ сифатни кўрмадим*”¹⁷⁷, – дейди. Дарҳақиқат, пасткашилик одамларда кузатиладиган иллатлар ичида энг жирканчларидан биридир. Зоро, аллома айтганидек, “*Пасткаши кимсанинг ўз насл-насабини мақтаб, у билан фахрланиши, чанқоқ кишининг сув шуъласи(сароби)ни кўриб алдангани кабидир*”¹⁷⁸.

Махмуд Замахшарий танбаллик ва дангасалик, отасининг молу дунёси билан мақтанувчи, отасининг топгани билан кун кечиравчи фарзандларни ҳам қаттиқ танқид қиласи ва уларни ўз меҳнати билан ота-онасининг давлатига давлат қўшишга чорлаб қуйидагича фикр билдиради: “*Кечаги иззат-шарафга қаноатланма, у отангнинг топгани. Сен унга янгисини қўши, шунда икки шарафга эга бўласан. Модомики, ўз обрўйингни кўз-кўз қилмаётган экансан, отанг топган обрў билан ҳам ғурурланма. Чунки ўзингда улуғлик ҳосил этмаган экансан, отангнинг улуғлигидан сенга фойда йўқ. Сенинг топган шарафинг отанг топган шараф ўртасидаги фарқ – бугунги ризқинг билан кечаги ризқинг ўртасидаги фарқ мисолидир. Кечаги ризқ бугунги очликни кетказадими? Ҳеч ҳам кетказмайди*

¹⁷⁹. “*Ўзи сазовор бўлмаган ҳамду саною мақтovларни талаб қилиши уятсиз, телба одамларнинг одатларидандир*”¹⁸⁰.

Замахшарий бирор бир мартабага эришиш учун ўзини таҳқирланишига ҳам тайёр бўлган кимсалар хусусида ҳам фикр билдириб, улар “*Шараф илинжида чопганларнинг қанчаси хўрлик ичида, мавқе-мартаба учун ҳар қандай машаққатга тайёр. Унга яхшилик ва ёмонлик баробар, у қувончдан яйраган юз билан хўмрайган башиарани ажратмайди. Қанча кишилар бор – бўйнини*

¹⁷⁶ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 42-б.

¹⁷⁷ Ўша асар. 39-б.

¹⁷⁸ Абу-л-Қосим Махмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 50-б.

¹⁷⁹ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 57-б.

¹⁸⁰ Абу-л-Қосим Махмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 62-б.

*тарсаки учун эгган, зора, таҳқирланиб бўлса ҳам ором топса. Буларнинг бор ҳиммати ўз лаззатига етишдан бошқасига ярамайди, қорни тўйса бас, яна не керак, ор-номуси топталса ҳам парвойи фалак*¹⁸¹ одамлар эканлигини уқтиради.

Замахшарий томонидан тилган олинган иллатлар ичida бошқаларга зулм ўтказиш каби жиҳатлар ҳам алломанинг эътиборидан четда қолмаган. У айтадики, “*Зулм – отларнинг туёғидан-да топтагувчироқ, ўзанидан тошиб, атрофларни йиқиб, ҳароб қиласиган селдан-да бузгунчироқ*. Зулм – ҳосилларни қовжиратиб, қақшатиб кетадиган гармсел шамоллардан-да қурутгувчироқ, қаҳатчилик йилларидан-да заарлироқ. Зулм – дуо калималарини кўкка юксалишдан, кўкдан ёгаётган баракани ерга тушишидан тўсади. Сен бу жабру ситам шаҳрига киришдан ўзингни сақла, гарчи бу шаҳарнинг энг хурматли, мол-дунё ва фарзандлари кўплиги билан фахрланадиган энг насибадор кишиларидан бўлсанг-да. Бас, сен кут, ҳали замон бу шаҳарни ўлаксахўр қушлар эгаллайди, чақмоқлар чақилиб, зилзилалар қўпади, ҳали замон бу шаҳар аҳлини ер ютади”¹⁸². Зулмнинг ўзини тавсифини эса “*Зулмнинг чиқадиган жойи сассиқ қора балчиқдан кўра лойқароқ, узоққа чўзилган ваъдадан кўра аччикроқдир*”¹⁸³ тарзида таърифлайди. Зулм қилувчи золим кишига таъриф берар экан, Замахшарий бундай кимсаларни “*Золим киши бироннинг ҳақига ишқибоз бўлгани учун уни эгасига қолдирмасдан еб қўяди*”¹⁸⁴ган одам деб атайди. Ундай кишиларнинг зулмига чидаб яшагандан кўра “*Ўткир қиличнинг бошга тушадиган зарбаси баъзи нодонларнинг ҳукми остида муте (итоатда) бўлиб юришдан афзалдир*”¹⁸⁵, дейди.

Шундай тоифа одамлар борки, уларнинг кийиниши, ётиб туриши покликдан йироқ бўлади. Улардан тарқаётган бадбўй ҳид атрофдагиларни безовта қилса-да, улар шу йўсинда яшашда давом

¹⁸¹ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 33-б.

¹⁸² Ўша асар. 54-б.

¹⁸³ Ўша асар. 95-б.

¹⁸⁴ Ўша асар. 95-б.

¹⁸⁵ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шархлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 77-б.

этаверадилар. Бу иллат ҳам Замахшарий томонидан тилга олинган, яъни аллома айтадики, “*Бир тоифа одамлар борки, уларнинг тўшаклари гафлат бешикларига обдон белангандир. Уларнинг кўзларида бедорлик (уйқусизлик) оз (кам) бўладики, бамисоли қоплонлар сингари*”¹⁸⁶.

Замахшарий таълимотида одамлар руҳиятидаги ўзгарувчанлик ва уларнинг салбий мазмун касб этиши, яъни иллатлигига ишора ҳолатларини ҳам кўриш мумкин. Вазиятга қараб ўзгарувчан одамларга нисбатан аллома шундай таъриф беради: “*Бошингизга муикул иш ва ташвиши тушганда муnis бўлиб, одамларга меҳр-муҳаббатлироқ бўласиз, аммо давлату неъматларга эришганингизда бағритошликка мойил бўласиз*”¹⁸⁷. Шунингдек, аҳмоқликнинг элементлари қўплигига ишора сифатида “*Аҳмоқ киши ҳикмат лаззатини билмайди, бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмагандек*”¹⁸⁸ тарзида таъриф келтиради.

Ҳар бир одамга ақл-фаросат берилади. Бироқ уни ҳар ким ҳам ишлата билмайди. Замахшарий бундай иллатга эга бўлган одамларни ҳам қаттиқ қоралайди ва бу ҳақда қисқагина қилиб шундай фикр айтади: “*Ақл чақиригига ўткинчи ҳою ҳаваслари боис танбаллик билан жавоб берган киши ожизларнинг ожизидир*”¹⁸⁹. Шунингдек, одамлардаги иллатлар қатори хиёнаткорликни поклик фонида таърифлаб, “*Ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бирорга хиёнату ёмонлик қиласиган киши эса ҳалокатга гирифтордир*”¹⁹⁰, дейди.

Махмуд Замахшарийнинг фикрича ёмонлик бирор бир ҳаракат туфайлигина содир этилмайди, балки хаёлда кечадиган ёмон фикрлар ҳам аслида ёмонлик эканлигини таъкидлаб, “*Ёмон фикр соҳиблари*

¹⁸⁶ Абу-л-Қосим Махмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шархлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 48-б.

¹⁸⁷ Ўша асар. 50-б.

¹⁸⁸ Ўша асар. 51-б.

¹⁸⁹ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 105-б.

¹⁹⁰ Абу-л-Қосим Махмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шархлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 52-б.

ҳам, куфр неъмат қилувчилар ҳам ёввойи қобонлар мисоли Аллоҳ таолонинг мағфиратидан йироқдирлар”¹⁹¹, дейди.

Ёмонликнинг сийратиу суратига таъриф берар экан, Замахшарий бу иллатни ҳеч нарса, ҳатто шоҳона кийимлар ҳам беркита олмаслигини уқтириб ўтади. Бу фикрини у қуйидагича баён этади: “Гўзал сифат ва ҳусни хулқ сийратлари безамаган кишини ҳеч қандай чиройли кийимлар кўркам қилолмас, гуноҳ ва ҳатолардан сакланмаган кимсанинг қалби сира айбдан фориз бўлмас”¹⁹². “Қабоҳатли суврат, чиркин юзнинг ва ёмон чехранинг орқасида ярамас хулқдан бошқа нарса йўқдир”¹⁹³.

Одатда, яхши хулқ-атвор, комиллик фазилатлари, аввало, таълим-тарбия билан, қолаверса ибрат ва муҳит таъсирида шакллантирилади. Бироқ шундай тоифа одамлар борки, улардаги иллатларни тарбия билан ҳам бартараф этиб бўлмайди. Бундайлар ҳақида Замахшарий “Виждон азобиу таънадан тўғри бўлмаган одамни таълим-тарбия ва қийнаши ҳам тўғрилаши амримаҳол”¹⁹⁴ эканлигини таъкидлайди.

Халқимизда “Бекорчидан худо безор”, деган ибора бор. Дарҳақиқат, бекорчиликдан ғийбат, ёшлар ўртасида безорилик каби иллатлар макон топади. Шунинг учун одам боласи ҳар доим хайрли ишлар билан банд бўлиши, ўз фаолиятида комилликка интилиб яшashi лозим. Акс ҳолда Замахшарий айтганидек, “Ҳайвонга яшишилик қилсанг севинади, ҳайвон севинса, эгасини тепади. Одам боласи ҳам мана шунга ўхшаши, агар у ташвиши машаққатдан холи қолиб, ўзини эркин сезса, фисқу фужсурга ружсуъ қўйиб, яқинларини қийнаб, азоб келтирур”¹⁹⁵. Фисқу фасод тарқатувчилар ўзлари тўқиётган ғийбатларни тўғри деб даъво қилсаларда, охир-оқибат улар ноҳақ эканликлари аён бўлади, яъни Замахшарий айтадики, “Кўпинча фисқу фасод қилувчилар бир нарсани гумон қилиб, уни ҳақиқат деб ҳисоблар, ҳолбуки пировардида унинг нотўғри эканлиги равшан

¹⁹¹ Абу-л-Қосим Махмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 54-б.

¹⁹² Ўша асар. 74-б.

¹⁹³ Ўша асар. 70-б.

¹⁹⁴ Ўша асар. 71-б.

¹⁹⁵ Ўша асар. 56-б.

бўлар”¹⁹⁶. Ачинарлиси, бундай одамларни бу йўлдан қайтариш чоралари ҳам камлигига ишора тарзида “*Калтафаҳм ва бетавфиқ одамни фисқу фасоддан қайтарувчи нарса йўқ. Унинг жиловини (тизгинини) ўз ҳолига қўйиб юбориши уни янада баттар қилади*”¹⁹⁷.

Жамиятда яна шундай кимсалар борки, улар учун очкўзлик ҳаёт тарзига айланиб қолган. Бундайлар Замахшарий томонидан “*Хабар берайнми сенга, шундай бадбахт, кимсасиз, тарк этилган, моллар йигиб тўплаган, қадрини топтаган кимса ҳақида. У шундай кимсаки, мол-мулки саломат бўлса бас, гарчи янчилса ҳам боши. Гарчи бола-чақаси очликдан қирилса ҳам, хазинаси тўлса, ҳамёнининг қорни тўйса бас*” тарзида баҳоланади. Яна шундай тоифа кимсалар борки уларга яхши гаплардан кўра бўхтон ҳақидаги гапларни эшитиши ёқимлироқ туюлади. Уларни Замахшарий “*Агар бўхтон(ёлгон)чи гудурлагандা сен ҳаммадан кўра ҳам кўп эшифтгувчисан, ҳақ гап сўйланса, сен гўё эшифтмагандай бўласан*”¹⁹⁸, деб таърифланади.

Одамларда учрайдиган иллатлардан ёлғончилик, ваъдабозлик ҳам Замахшарий томонидан қораланиб, аллома уларга нисбатан шундай фикрларни баён этган: “*Ёлғончининг қасами бор (ҳақиқий) илмининг ҳам сохталигини оширади*”¹⁹⁹. “*Вақти соати ўтгандан сўнг ижро бўладиган ваъдадан ҳеч бир хайрлик бўлmas*”²⁰⁰. “*Ўз ваъдасида турмагандада турли-туман ваяж-карсонлар кўрсатувчи кимса ҳеч қачон мард ва ҳимматли инсон бўлолмайди*”²⁰¹. Аксинча, ваъдасига вафо қилувчи кишиларнинг ишини маъқуллаб: “*Момақалдироқли ёмғирнинг ёғиши ростгўй (ҳақгўй) кишининг ваъдасига вафо қилиши мисоли ёқимлидир*”²⁰², дейди.

Ўзбек халқида ҳазил-мутойибага мойиллик, шу орқали ҳаётни қизиқарлироқ қилишга интилиш ҳисси кузатилади. Айниқса, асия

¹⁹⁶ Абу-л-Қосим Махмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 57-б.

¹⁹⁷ Ўша асар. 74-б.

¹⁹⁸ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 26-б.

¹⁹⁹ Абу-л-Қосим Махмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 63-б.

²⁰⁰ Ўша асар. 78-б.

²⁰¹ Ўша асар. 73-б.

²⁰² Ўша асар. 55-б.

санъати ЮНЕСКО томонидан номоддий мөрөс сифатида эътироф этилган. Бироқ бу соҳада ҳам меъёр бўлиши талаб этилади. Шунинг учун ҳам меъёрдан ошган ҳазилга нисбатан “Ҳазилнинг таги зил”, дейилади. Айримлар эса ҳазилдан кимнидир мазах қилиши, масхаралаш қуроли сифатида фойдаланади, айтган гаплари фақат кулгуга сабаб бўлади. Бундай иллатли кишиларга нисбатан Замахшарий айтадики, “*Мазаху масхара қилишга берилган кишида жиiddийлик, тўғри мулоҳаза бўлиши мумкинми? Ҳайҳот, жиiddийлик билан ҳазилнинг ораси узок, жуда узок*”²⁰³. “*Гаплари фақат кулгуга сабаб бўлишининг шармандали иш экани ҳеч кимга сир эмас. Бу аҳмоқларнинг сифатидир*”²⁰⁴.

Ўзбекларда яна бир ибора бор: “Кўча хандон, уй зиндан”, яъни айримлар ўз қарамоғидаги бола-чақасининг фаровонлиги, соғлом ва маънавиятли вояга етиши учун моддий ва маънавий шароит яратишдан кўра кўча-куйда улфатчилик қилиб юришни афзал биладилар. Улар Замахшарий таъбири билан айтганда, “*Ўйин-кулгуни улфат тутадиган кимса ҳеч қачон машаққатларга сабр қилувчи кишидек бўлмас*”²⁰⁵, яъни қийинчилик эвазига келадиган фаровонликдан кўра енгил-елпи ҳайётни, улфатчиликни афзал қўрадилар. Бу ҳеч нарса билан оқлаб бўлмас иллат ҳисобланади.

Одамларга хос яна бир иллат бор. Уни порахўрлик, деб атаймиз. Тарихий манбалар, алломаларнинг мероси, бадиий адабиётда қайд этилишича, бу анчайин қадимиј иллат ҳисобланади. Уни таг томири билан ўпирраб ташлаш имконияти йўқдек. Аслида порахўрликка қарши барча замонларда курашиб келинган. Ҳуқуқий-демократик жамиятларда унга қарши қонунлар жорий қилинган. Лекин порахўрлик иллати нафс йўриғига юрувчиларни оҳанрабодек ўзига тортаверади. Ҳаттоқи айнан порахўрлиги туфайли жазолангандикимсалар ҳам тавба қилмай, шу қилмишларини яна қайтаришлари кузатилади.

²⁰³ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 74-б.

²⁰⁴ Ўша асар. 74-б.

²⁰⁵ Ўша асар. 91-б.

Бу йўналишда пора оловчи ҳам, пора берувчи ҳам баравар айбдор саналади. Замахшарий айтадики, “*Пора фақат ноҳақлигу золимларга ёрдам бергувчиидир*”²⁰⁶. Бу фикрни давом эттирар экан, аллома дин қоидаларига асосланган ҳолда ёзади: “*Ислом динида икки “шин” ҳарфлари катта айблардандир, бири – ҳокимларга ришиват (яъни пора) бериш ва олиш, иккинчиси – айблиларга шафоат қилиши (яъни кечириши)*”. Гап шундаки, пайғамбар алайҳиссаломдан: “Лаъна оллоҳу ар-роший ва-л-мурташий”, яъни “ришват (пора) оловчига ҳам, берувчига ҳам Аллоҳ таолонинг лаънати бўлсин”, деган ҳадиси шариф содир бўлгандир”²⁰⁷.

Пора бериш ва уни олиш йўл-йўриқларини таҳлил этар экан, Замахшарий ўзига хос зийраклик билан таъкидлайдики, “*Сархушилик арақҳўрни қандай элитиб маст қилса, пора қозига ундан-да бадтарроқ таъсир қиласди. Қачон унга пора беришса, у маст бўлади, берувчига майл билан боқиб, хушчақчақ бўлиб кетади. Агар пора беришмаса, дод-вой солиб, даъвогарга уруши эълон қиласди. Гўё поранинг ҳаром эканини эшишмагандек ва “сухт” (яъни “ҳалок қилиши”) сўзи “сахт” (яъни “ҳаром”) сўзидан олинганини билмагандек. Пора еювчи киши Оллоҳ унинг азоблари билан ҳалок қиласидиган, Оллоҳ уни уқубатлари билан йўнадиган киши жумласидандир*”²⁰⁸.

Ҳазил-мутойиба ҳақидаги фикрларимизни баён этишда меъёр ҳақида тўхталган эдик. Дарҳақиқат, меъёр нафақат инсониятни, балки бутун оламни сақлаб турувчи тарози кабидур. Биз йиллар давомида табиатни, унинг бойликларини меъёридан ортиқ ўзлаштириш эвазига бир қатор экологик муаммоларни орттириб олдик. Демак, меъёр ҳар жабхада, ҳар ерда керак. Унга амал қилмаслик одамларга нисбатан иллат тариқасида баҳоланади. Бу ҳолатга ҳам Замахшарийнинг қисқа ва лўнда таърифи мавжуд: “*Кўп вақтда зиёдалик, ортиқлик зиён келтиради. Масалан, бир қўлда олтита бармоқ бўлса, бу камчилик*

²⁰⁶ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 53-б.

²⁰⁷ Ўша асар. 60-б.

²⁰⁸ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 64-б.

(нуқсон) ҳисобланади”²⁰⁹. Замахшарий меъёрни сақлаш борасида одамларга шундай насиҳат қилади: “*Ишларнинг ўртачасини лозим бил. Ҳаддан ошиб кетиш ва ҳадга етмай қолишини ўртачаликка ҳавола қил. Имконингни охиригача сарф этиб қўйма. Акс ҳолда, тоқатинг тугаб, ундан уёғига зерикиш бошлиданади*”²¹⁰. Зеро, ҳадиси шарифда ҳам “*Ишларда ўрта йўлни танланг, доимо тўғри нарсанинг изидан боринг*”, дейилган.

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ

ПАНДУ НАСИҲАТЛАРИ ВА АФОРИЗМЛАРИ

Авлодлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган маънавий қадриятлар ичида алломаларнинг доно фикрлари ҳаёт фалсафасининг олтин қоидалари каби барча замонларда инсонларни комилликка элтувчи хазина сифатида қадрланиб келган. Улар шу даражада сайқалланиб, маъно жиҳатидан такомилига етганки, илмий тилда уларни афоризмлар, деб атаймиз. Улар шакл жиҳатидан ихчам бўлсада, ниҳоятда чуқур мазмунга эгалиги билан ҳикмат даражасида қабул қилинади. Ўзбек халқининг буюк алломалари имом Бухорий, Абу Наср Форобий каби олимларимиздан шундай афоризмлар мерос бўлиб қолган. Хоразмлик буюк аллома Маҳмуд Замахшарийдан ҳам афоризмлар шодаси қолганки, улар афористик ибора сифатида мукаммал маънога эгалиги билан ажралиб туради. Замахшарийнинг буюклиги ибораларнинг нозиклигига намоён бўлади. Куйида алломанинг афоризмлари ва панду насиҳатларидан иборат шода тузишга ҳаракат қилдик. Баҳо бериш сиз ўқувчиларга ҳавола.

- *Мол-мулкни беҳуда исроф қилиши қуфрони “неъматдир”, ўйламасдан бойлигини сарфлаш тўлиқ таназзулга олиб келади.*

²⁰⁹ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 57-б.

²¹⁰ Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Мухаррир, 2011. – 83-б.

- Ўз нафсингга асир бўлмасанг, уни ўз ҳукмингда тутасан, акс ҳолда ундан голиб чиқиб, ушлаб тура олмайсан.
- Төгнинг энг тенасига (чўққисига) чиққан киши ундан ийқилувдан гоят кўп огоҳ бўлмоғи лозим.
- Худо кўрсатмасин, агар сени оғир қайғу-ҳасратларнинг кучли еллари ўраб олса, унда дод-фарёду физонларинг фойда бермас.
- Огоҳ бўлингизки, карим ва ҳурматли, вафодор одамларни йўқотиши эр кишига вафотдан кўра ҳам оғирроқдир.
- Низо қилиши ҳақида сенга фатво берсалар-да, тажрибадан ўтиб синалган киши билан низо, баҳс ва мунозара қилишидан сақлан.
- Агар иффат ва викор соҳибларидан бўлмасанг, хору зорлик, таҳқику тубанликка мудом гирифтурсан.
- Низо ва нифоқ мавжуд жойда нохушилик бўлар, қайғу-ҳасрату фақирликка тушилур.
- Ўзингга мерос қолдириладиган мол-мулкдан узоқда бўл, чунки у мол-мулкнинг гуноҳи-ю, барча машаққатлари сенга келади.
- Ҳалол томчилаб ёғади, ҳаром селдек қуюлади.
- Ризқнинг оз бўлса ҳам сози, мўл-кўл бўлган расвосидан яшироқдир.
- Ўтган умрингни мулоҳаза этиб тавба қилишига шошилгин, чунки ажал етса, уни кечиктириши ҳеч кимнинг қўлидан келмас.
- Токи ҳаёт экансан, тақво эгаси бўлишига интил. Фақат тақво эгасигина ҳақиқий саодатманд бўлур. Тақвоси йўқ киши ҳақиқий бадбахтдир. Токи тирик экансан, соч-соқолинг оқармасидан олдин, белларинг буқчайиб, териларинг тиришииб қолишидан бурун, хотиранг заифлашиб, миянг лойқаланишидан илгари, қаддингни тиклолмасдан, қадамларинг огиrlашиб, оёқда туришига ярамай, бўғимлар қақшааб, аъзои баданингни титроқ эгаллаб олишидан аввал

тақволи бўлишга тириши. Токи тирик экансан, ҳозир қодир бўлган ишингни эплолмай қолишингдан олдин, ҳозир боиши бўлаётган ишингга боиши бўлолмай қолишингдан илгари тақволи бўлишга шошил.

- *Ўз дининг ва шарафингни сақлайдиган нарсаларни қаттиқ тут (яъни ол), ўзинг учун қулайроқ, енгилроқ бўлган нарсани олма, бинобарин мاشаққатига яраша савоби ҳам бўлади.*
- *Ўзини сахий, мард ва ҳиммати баланд кўрсатиб, аслида хору зор, ҳақир ва қадри тубан бўлган одамлардан қўрқ, токи бир кун ўзларининг хасисликлари бирла онгсизликдан мард одамни тузоқларига туширгайлар.*
- *Сени касоду инкисорга учрашдан огоҳ қилувчи кишига лутф билан муомалада бўл, “қўрқма, зарари йўқ, зиёни йўқ”, деб юпатувчилардан узоқроқда бўл.*
- *Бу дунё ибратли ишлар-у, панд-насиҳатларга тўладур, айни вақтда кўз ёшлиарига ҳам сероб.*
- *Барча ишлардан огоҳ – Аллоҳ таолони ҳеч бир ишингда назарингдан қочириб унумтма, ҳар бир тасарруфингда одил бўлиб, бирорвга зулм қилма.*
- *Кўпинча вақтида ишлатилган ҳийлаю тадбиркорлик кучу қувватдан голиб келур.*
- *Арслон нафақат чуқур қазии билан овланиб қолмай, кўпинча у ҳийла билан ҳам овланади (қўлга туширилади).*
- *От учун ҳар доим қамчи лозимдур. У гарчанд елиб-югурадиган тулпор бўлса ҳам.*
- *Қанча одамлару қавмлар борки, сизга гўё ип каби эшилиб мулизамат қиласидилар, лекин улар пайт пойлаб фасод чиқаршига интиладилар, гафлатга тушиб шундайларга сира алданмангизлар.*

- Сотиб олинган нарсангда алданиб, молиявий зарар кўрувинг сен бундан келгусида кўрадиган зиёнларингдан анча енгилроқ ва осонроқдир.
- Агар бирорни айблаб итоб қилмоқчи бўлсанг, зинҳор ёзма тариқада (қозоз, хат билан) қил, чунки бирор-бирорга қарши бўлиб, айблаш кам ақллилар ва телбалар шишидир, шунингдек, бу ҳолда кўнгилни сиёҳ қилишига сабаб бўлувчи сўзлар ҳисобсиз айтилишиши муқаррар, аммо хат ёзилганда, эмин-эркин ўйлаб, фикр-мулоҳаза билан ёзилади.
- Баъзан яқин кишинг – ога-ининг сенга гўё соқчи ва назоратчи каби бўлиб ўлимингни, яқин вақтда сенинг қабрга қўйилишингни истарлар, боланг – мол-дунё- менга мерос қолади, дейди, тужишган ога-ининг эса ўғлинг борлиги учун меросдан маҳрум бўлгани сабабидан сен учун астойдил жон куйдирмайди. Хулласи калом, сен ғафлатда бўлма – ҳеч бир қариндош-уругдан ва яқинлардан фойда йўқ, ўғлинг юрагинг бўлаги бўла туриб, сенинг тезроқ ўлишингни кутиб, меросга эгалик қилиши орзусида бўлгандан кейин бошқалардан не умид бўлгай?
- Агар бирор қайгу алам юз бергани ёки таъзияли жойни эшиитсанг, дарҳол у ерга бор, агар зиёфату меҳмондорчилликка чақирилсанг, унда ўзинг ўйлаб иши тут (ўзинг биласан).
- Бирор масалада фикр-мулоҳаза қила бошлаганингда ҳеч бир ошикма (шошма-шошарлик билан иши тутма – Н.С.), ҳар томонлама ўйлаб, обдон фикрлаб иши тутгин.
- Ўзингга зарур бўлган ҳар қандай керак нарсани сотиб ол – бу эркак кишининг мурувватини, қудратини, эрлигини кўрсатади. Чунки ўша нарсани бирордан сўрасанг, у сен сўраганни эмас, бошқачарогини беради (инсоннинг табиати шундай), сотиб олганингда эса сен ўзингга керагини танлаб оласан.
- Ота-онасига меҳрибон кишига Оллоҳнинг раҳмати ёғилсин.

- *Отага нисбат бошқага нисбатан шарафлироқ ва машҳурроқ, яъни фалончининг ўғли деб аталар, аммо Она эса доимо шафқатли ва матлаблироқдир.*
- *Баъзи одамлар ўз яқин қавм-қариндошларига хайру эзгулик кўрсатмай, яқин(қариндош)лиги бўлмаганларга эҳсон қиласадур – туяқуш ўз тухумларини ташлаб, бошқалар тухумларини босиб ётгани мисоли. Яъни, баъзи телба одамлар борки, ўз қариндош-уруғининг ёрдамга муҳтожслигини кўра туриб, унга ёрдам қилмай, беҳуда ёту бегоналарга эҳсон қиласади.*
- *Хусумати ва адовати билан танилган энг ёмон қариндошига ҳам ҳар қандай ҳолатда меҳр-шафқатли бўлган киши Оллоҳнинг раҳматига сазовордир. Унга Оллоҳнинг марҳамати бўлсин, қариндошлари унга қанчалик машаққат тугдирмасин, қанчалик душманлик қилишимасин, токи унинг орқасидан тош отишларини тарқ этмагунларича, улардан юз ўғирмайди, улар билан кўришишидан чекинмайди. Огоҳ бўлинг, қариндош-уруғлар билан дўстона муносабатни давом эттириши қийин иш. Озод, ҳур киши, худди касал ҳайвонни согидан ажратиб, алоҳида қилингани каби ёмонроқ қариндошидан ўзини четга тортмайди, балки уларга аралашиб, барчасини бирдек ҳимоя қиласади.*
- *Менинг кўзим факат сизнинг яқин бўлишингиздан қарор ва тинчлик топадур, чунки ошиқ ва муҳиб ўз маъшуқасига яқин бўлмаса, роҳат олиб шод бўлмайди.*

ЗАМАХШАРИЙ БЎСТОНИДАН БИР ШИНГИЛ

(Сўнгсўз ўрнида)

Тарих, шарқшуносликдан хабардор кишилар хоразмлик буюк аллома Маҳмуд Замахшарийни, асосан, тилшунос, луғатшунос сифатида биладилар. Бироқ бу серқирра олим ўзидан буюк мерос қолдирган. Унинг буюклиги ҳақида нафақат мамлакатимиз олимлари, балки дунё олимлари ҳам тадқиқотлар олиб борганлар. Замахшарий Хоразмдан Арабистонга бориб, араб тили грамматикасини мукаммал ишлаб чиққанки, унинг бу илмий асари ҳаттоқи араб давлатларида ҳам асосий қўлланма сифатида фойдаланиб келинади. Маҳмуд Замахшарий қомусий олим сифатида илм-фанинг кўплаб соҳаларида фундаментал илмий асарлар яратди. Замахшарийнинг илмий мероси ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Чунки аллома юрт кезиб, ҳаётни ўрганди, кузатди, таҳлил қилди, хулоса чиқарди. Шу тариқа илмий-маънавий жиҳатдан комиллик мақомига эришди. Маънавий етуклиқ эса бевосита таълим ва тарбия маҳсулидир. Замахшарийнинг илмий-маънавий мероси бу борада мисоли улкан хазина.

Кейинги йилларда мамлакатимизда замахшарийшунослик борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаётганлигини ифтихор билан эътироф этиш жоиз. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, авваллари Замахшарий меросини ўрганиш, асосан, тилшунослар, манбашунослар томонидан амалга оширилган бўлса, эндиликда бу соҳада янги шаҳобчага – кенг маънода инсоншунослик, тарбияшунослик йўналишига асос солинмоқда. Мазкур асар шундай фикр билдиришга асос бўла олади. Зеро, унда муаллиф аллома Замахшарий асарларида баён этилган инсоний фазилатлар ва иллатлар ҳақидаги фикрларни янгича талқин билан китобхонга тақдим этган. Хусусан, биродарлик, босиқлиқ, вақтни қадрига этиш, яъни умр лаҳзаларини беҳуда сарфламаслик, зийраклик, дўстлик, мулоҳазали бўлиш, мурувват, олимлик (илмга интилиш ва унга амал

қилиш), ота билан фахрланиш, сабр-қаноат, саҳоват, тилни тийиш, қаноат, ҳалимлик, ҳалоллик каби фазилатлар улуғланган. Инсонни улугловчи, комилликка етакловчи фазилатлар билан бирга айрим одамларда учрайдиган бадбахтлик, бемаънилик, дангасалик, зиқналик, зулм, кек-гина сақлаш, кибр, манманлик, нафс, пасткашлиқ, тубанлик, хусумат каби иллатлар қораланиб, улардан инсон бошига тушадиган жабр ҳақида ибратомуз пандлар Замахшарий асарларида кўплаб учрайди. Шунинг учун ҳам китобнинг қимматини оширувчи омиллар сифатида унда асосий эътибор Замахшарий меросида инсоний фазилатлар ҳамда ёмон иллатлар талқинининг замонавий интерпретацияси, аллома меросидан замонавий таълим ва тарбия амалиётида фойдаланишга оид тавсиялар берилганлигида ҳам кўриш мумкин. Шу ўринда филология фанлари доктори Нурбой Жабборовнинг Замахшарий маънавий-ахлоқий мероси хусусида билдирган фикрларини келтириш ўринли. Олим бу ҳақда шундай дейди: “Улуғ аллома Маҳмуд Замахшарийнинг ... ҳикматлари – бамисоли ойна. Бу ойнага қараган одам унда ўзининг малоҳатини ҳам, қабоҳатини ҳам кўради. Бу ойнани оддий кўзгудан фарқи шундаки, у инсонга нуқсонларини намойиш қилиш билангина чекланмайди, улардан қутулуш, нажот топиш йўлларини ҳам кўрсатади”²¹¹.

Замонавий педагогика ва психологияда шахснинг ривожланганлик кўламини, интеллектуал салоҳиятини белгилашда идрок этиш, англаш, баҳолаш, воқеликка нисбатан асосли муносабат билдириш даражаларига асосланилади. Замахшарийда бу қонуният ўқиш, уқиш, мушоҳада қилиш тарзида берилган. Бу алломанинг инсоншунослик илмининг билимдони бўлганлигидан далолат беради. Монографиядаги фикрлар аллома томонидан илгари сурилган тарбия назариясига оид қарашларни янгича талқинлар билан бойитган.

Монографияда келтирилишича, Замахшарий инсонларни юксакликка кўтарувчи омил унинг илми эканлигига алоҳида урғу беради ва илмни отага қиёслаб, уни (ilmni) дунёни танитувчи, тўғриликка йўлловчи, йиқилганда суюб тургувчи, хасталикда малҳам

²¹¹Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи. – Т.: Муҳаррир, 2011. – 137-б.

бўлгувчи манбага қиёслайди. Бу фикрни замонавий талқин билан изоҳлайдиган бўлсак, бизнинг миллий таълим ва тарбия тизимимиз бамисоли мустаҳкам тарихий илдизга эга бўлган серҳосил ва улкан дарахтдир.

Мамлакатимиз иқтисодиёти, унинг дунё ҳамжамиятидаги сиёсий, иқтисодий ва маънавий мавқеини оширишга ижобий таъсир этаётган глобаллашув, интеграциялашув жараёнлари айни пайтда миллий мафкурамизга ёт бўлган ғояларни кириб келишига йўл очиб бермоқда. Шунинг учун ҳам асрлар синовидан ўтган маънавий-маърифий қадриятларимиздан оқилона фойдаланишимиз лозим бўлади. Шу маънода мазкур китобда берилган Маҳмуд Замахшарийнинг ахлоқий қарашлари, панду насиҳатларидан ўқувчини баҳраманд қилиш миллий маънавиятимиз, тарбияшунослик назариясини бойитишга хизмат қилишидан умидвормиз.

**Асқарали СУЛАЙМОНОВ,
педагогика фанлари номзоди,
катта илмий ходим**

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
6. Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У. Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 80 б.
7. Арабско-русский словарь. Т.1. – Т.: Камалак, 1994. – 456 с.
8. Арабско-русский словарь. Т.2. – Т.: Камалак, 1994. – 484 с.
9. Буюк сиймолар, алломалар. Ўрта осиёлик машҳур мутафаккир ва донишмандлар. Нашрга тайёрловчи М. М. Хайруллаев. К. 1. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. – 104 б.
10. Ал-Бухорий. Ҳадис. Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ. К. 1. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. – 560 б.
11. Замахшарий илмий мероси ва истиқлол мағкураси. Илмий-амалий анжуман маъruzаларининг тезислари. – Урганч: Хоразм, 2000. – 40 б.
12. Замахшарий – буюк филолог олим. – Урганч: УрДУ, 1996. – 70 б.
13. Ирисов А., Носиров А., Низомиддинов И. Ўрта осиёлик қирқ олим. – Т.: Ўзфанакаднашр, 1961. – 102 б.
14. Islam ansiklopedisi. 13-gilt. – Istanbul: Milli egitim basimevi, 1986. – 663 s.

15. Кайковус. Қобуснома. Форсчадан Мұхаммад Ризо Оғаҳий таржимаси. Нашрға тайёрловчилар С.Долимов, У.Долимов – Т.: Ўқитувчи, 2011. – 208 б.
16. Миллий истиқлол ғояси: асосий түшүнчә ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
17. Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 34-жуз. Яхшилик ва ахлоқ китоби. – Т.: Шарқ, 2012. – 448 б.
18. Ан-На‘им. Арабча-ўзбекча луғат. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. – 960 б.
19. Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971. – 32 б.
20. Русча-ўзбекча луғат. Т. 1. – Т.: ЎзСЭ, 1984. – 808 б.
21. Русча-ўзбекча луғат. Т. 2. – Т.: ЎзСЭ, 1984. – 800 б.
22. Сўфи Оллоёр. Саботу-л-ожизин. – Т.: Меҳнат, 1991. – 209 б.
23. Уватов У. Маҳмуд Замахшарий. – Т.:А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти,1995. – 72 б.
24. Уватов У. Доңолардан сабоқлар. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти,1994. – 94 б.
25. Фаридиддин Аттор. Ҳикматлар. Нашрға тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Эргаш Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 256 б.
26. Фозил Зоҳид. Замахшар тасбехи.– Т.: Мухаррир, 2011. – 144 б.
27. Хоразмлик буюк аллома. – Т.: Фан, 1998. – 171 б.
28. Шермуҳамедов П. Яхшилар баҳори ёхуд Маҳмуд Замахшарий даҳоси.– Т.: Ношир, 2009. – 278 б.
29. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. З-жилд. Тахрир ҳайати: М. Аминов, Б. Аҳмедов ва б. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002.
30. Ўрта асрлар шарқининг машҳур олим ва мутафаккирлари: китоб-альбом. Ш.Салихов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 156 б.
31. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур; тахрир ҳайати: Абдурашид қори Баҳромов, Раҳматуллоҳ қори Обидов, Н. Иброҳимов ва бошқ.; Масъул мұхаррир: З. Ҳусниддинов. – Т.: Тошкент ислом университети, 2004. – 624 б.

Араб ва форс тилларидаги адабиётлар

32. ابن خلkan. وفيات الأعيان. - مصر: ١٨٨١ ج. ١. - ٥٢٧ ص.
33. بطرس البستانى. محيط المحيط اى قاموس مطول للغة العربية. ج. ١. - بيروت: مكتبة لبنان, ١٩٦٩. - ١١٥١ ص.
34. بطرس البستانى. محيط المحيط اى قاموس مطول للغة العربية. ج. ٢. - بيروت: مكتبة لبنان, ١٩٦٩. - ٢٣٠٨ ص.
35. دائرة المعارف الإسلامية. ج. ١. - مصر: مركز الشارقة لابداع الفكرى, ١٩٩٨. - ٣٤٨ ص.
36. الزمخشري. اساس البلاغة. تحقيق محمد باسل عيون السود. ج. ١. - بيروت - لبنان: دار الكتب العلمية, ١٩٩٨. - ٧١٩ ص.
37. الزمخشري. اساس البلاغة. تحقيق محمد باسل عيون السود. ج. ٢. - بيروت - لبنان: دار الكتب العلمية, ١٩٩٨. - ٦٦٩ ص.
38. الزمخشري. الفائق في غريب الحديث. - ج. ١. - القاهرة: دار الإحياء الكتب العربية, ١٩٤٥. - ٥٤٧ ص.
39. السبيوطى جلال الدين عبد الرحمن. بغية الوعاه في الطبقات اللغويين و النحاة. - مصر: دار السعادت, ١٩٠٨. - ٤٦١ ص.
40. المعجم المفهرس لألفاظ القرآن الكريم. وضعه محمد فؤاد عبد الباقي. الطبعة الرابعة. - بيروت - لبنان: دار المعرفة, ١٩٩٤. - ٩٨٠ ص.
41. المنجد في اللغة والأعلام. - بيروت - لبنان: دار المشرق, ١٩٨٧. - ٧٤٩ ص.
42. حاجى خليفة. كشف الظنون عن اسامى الكتب و الفنون. ج. ١. - مصر: دار السعادت, ١٨٩٤. - ٥٩١ ص.
43. حاجى خليفة. كشف الظنون عن اسامى الكتب و الفنون. ج. ٢. - مصر: دار السعادت, ١٨٩٤. - ٦٦٢ ص.

44. شمس الدين سامي. قاموس الأعلام. ج. ٤. – استنبول: مهران، ١٨٩٤. – ٢٤٠٣ – ٣٢٠٠ ص.
45. على اكبر دهخدا. لغت نامه. ج. ١٠. – تهران: دانشکاه تهران، ١٦٥٨. – ١٠٨٢٧ – ١٢٣٧٨ ص.
46. هند طه حسين. الأدب العربي في إقليم خوارزم. – بغداد: دار الحرية للطباعة، ١٩٧٦. – ٥١٧ ص.
47. ياقوت حموي. كتاب معجم البلدان. – مصر: مطبعة السعادة، ١٩٠٦. – ٤٢٧ ص.

Интернет сайatlари

48. <http://assalam.dgu.ru/html/15/a/15-1.Html>
49. <http://britishmuseum-orientalmanuscriptsfundcatalogue>
50. <http://vostlit.narod.ru//texts/rus/Halabi/primtext2.htm>
51. <http://iph.ras.ru/orient/win/publictn/ls/biobibl.htm>
52. <http://oltinmeros.freenet.uz/nasledie.html>
53. <http://kosichka2.sitecity.ru/ltext-0407233553.htm>
54. <http://islam.boom.ru/doctrine/3b.htm>
55. <http://exlibris.ng.ru//printed/orient/2001-02-08/4-petit.html>
56. <http://www.krugosvtv.ru/articles/56/1005625a1.htm>
57. <http://ikhlass.by.ru/quran.Htm>
58. <http://markaz.tiu.uz>. Исломов З. “Атвоқу-з-заҳаб” анъанасидаги асарларнинг ислом манбашунослигидаги ўрни.
59. <http://www.buxoriy.uz>. Маънавий мерос ва бағрикенглик.
60. <http://fikr.uz>. Махмуд Замахшарийнинг икки тахаллуси ҳақида.
61. <http://e-tarix.uz>. Махмуд аз-Замахшарий.
62. <http://www.bukhari.uz>. Исаев Й. Махмуд Замахшарийнинг “Атвоқу-з-заҳаб” асари.
63. <http://old.ziyonet.uz>. Замахшарий.
64. <http://kamolon.uz>. Баркамол инсон камолоти ва унинг ривожланишида тарбиянинг ўрни

М У Н Д А Р И Ж А

Сўзбоши.....	3
Баркамол шахс тарбияси тушунчаси.....	6
Маҳмуд Замахшарий илмий меросига бир назар.....	9
Маҳмуд Замахшарийнинг ахлоқшуносликка оид асарлари.....	22
“Навобиғу-л-калим” (“Нозик иборалар”) асари ва унинг Ўзбекистонда мавжуд нусхалари.....	22
“Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” (“Мавъиза ва хутбаларда олтин шодалар”) асари ва унинг Ўзбекистонда мавжуд нусхалари.....	32
Маҳмуд Замахшарий асарларида илм ва олим тушунчалари талқини.....	48
Замахшарий асарларида инсоний фазилатлар талқини.....	51
Маҳмуд Замахшарий асарларида ҳаё – шахс камолотининг асоси сифатида.....	59
Замахшарий асарларида сабр ва қаноат тушунчалари талқини.....	62
Замахшарий асарларида яхшилик тушунчаси.....	70
Маҳмуд Замахшарийнинг дўстлик ва биродарлик ҳақидаги қарашлари.....	75
Замахшарий тил ҳақида.....	80
Замахшарий одамлардаги иллатлар ҳақида.....	88
Маҳмуд Замахшарийнинг панду насиҳатлари ва афоризмлари.....	100
Замахшарий бўстонидан бир шингил (Сўнгсўз ўрнида)	105
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	108

НИГОРА СУЛАЙМОНОВА

**БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИДА
МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ
АСАРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Техник мухаррир
Дизайнер
Саҳифаловчи

Камола Сулаймонова
Зилола Сулаймонова
Зафар Расулов

Нашриёт лицензияси: AI №234, 11.02.2013

Босишига руҳсат этилди: 12.12.2021

Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 60x84 1/16

Cambria гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб нашриёти: 5,33. Шартли б.т. 7

Адади 100 нусха. Буюртма № 39

“AZMIR NASHR PRINT” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

100200 Тошкент шаҳри, Аҳмад Раҳмат кўчаси, 10-уй